

Аҳмад Ҳодий Мақсудий

استكمال

Истикмал

(Тўлик ва мукаммаллик)

(Араб тили наҳв фанидан дарслик)

Нашрга тайёрловчи:

Анвар Аҳмад

Тошкент

2014

1- §

علوم العربية

Арабий илмлар

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Араб тилини яхши билиш учун барча арабий илмларни билиш лозим бўлади. Арабий илмларни яхши билмаган киши араб тилида сўзлашишни ва ёзишни билмайди ҳамда арабий китобларни ўқиб, мазмунларини тушуна олмайди. Арабий илмларнинг машҳурлари ҳамда кўп керак бўлганлари беш фандир:

1. Луғатлар илми. 2. Сарф илми: 3. Наҳв илми 4. Китобат илми 5. Маъоний илми (ёки балоғат илми).

Булардан бошқа арабий илмларнинг арабий фанлари ҳам бор.

علوم اللغات

Луғатлар илми

Араб тилида ишлатилган барча лафзлар (сўзлар) луғатда қандай маънода экани ва қандай маънода истеъмол этилишини баён қиладиган илмга «луғатлар илми», дейилади. Луғат китоблари кўпдир. Машҳурлари:

۱ - لِسَانُ الْعَرَبِ

۲ - الْعَرِيبُ

۳ - اللَّبَابُ

۴ - الدَّسْتُورُ

۵ - صِحَاحُ الْجَوْهَرِيِّ

۶ - الْقَامُوسُ الْمُحِيطُ

۷ - قَامُوسُ عَرَبِي

۸ - مُخْتَارُ الصَّحَاحِ

۹ - الْمُنْجِدُ

۱۰ - معجم الوسيط

ва бошқалар.

«**Эслатма:** Ҳурматли ўқитувчи! Бу борада бир-икки тур луғат китобларини олиб, ўқувчилар ҳам луғат китобларидан фойдаланиш йўлини ўрганиб олишлари учун луғатга қараш услубини уларга амалий равишда кўрсатинг ва бир неча сўзни луғатдан топишни ўқувчилардан сўранг».

علم الصرف

Сарф илми

Калималарнинг сийғалари, яъни ҳарфлари ва ҳаракатларини қандай равишда ўзгариши ва шу ўзгаришлар туфайли калималардаги маънолар ўзгаришини баён этадиган илмга «**сарф илми**», дейилади. Масалан, бир масдардан бир қанча муштакқаларни иштиқоқ қилиниши ва муштакқаларни қандай вазнда ва қандай маънода бўлишларини ҳар бири сарф илмида баён қилинади. Шунингдек, калималарнинг идғоми ва эълоли сабабли содир бўлган ўзгаришлар ҳам сарф илмида баён қилинади. Қўйингки, сарф илмида битта сўздан ўша сўзга яқин бўлган бир нечта сўз ясаш тушунилади. Наҳв илми сарф илмидан кейин ўқилади.

علم النحو

Наҳв илми

Калималардан каломлар қандай равишда таркиб қилиниши ва калом ичида зикр қилинган калималарнинг охирлари қандай кўринишда сўзланишини баён этадиган илмга «**наҳв илми**», дейилади. Наҳв илмини ўрганишдан мақсад араб тилида тўғри сўзлаш ва арабий китобларни тўғри ўқиб, мазмунларини тўғри тушунишдир. Араб тилида калималарнинг охирлари ҳар доим бир хил бўлмайди. Масалан: رَأَيْتُ زَيْدًا –Зайд кўрди رَأَى زَيْدٌ –Зайдни кўрдим ва

نَظَرْتُ إِلَى زَيْدٍ – Зайдга қарадим каби жумлалардаги Зайд калимасининг охиридаги ҳаракатлар кабики, улар уч калимада уч хил келган.

Бир калиманинг охирини ўзгартириш билан каломнинг маъноси ҳам ўзгаради. Масалан: زَيْدٌ بَكَرًا дейилса, Зайд Бакрни кўргани тушунилади. Лекин زَيْدًا بَكَرًا дейилса, Бакр Зайдни кўргани тушунилади.

Калималарни бир-бирига қўшиб гап тузишда махсус қоидалар бор. Қоидасиз тузилган гапнинг мазмуни тушунарли бўлмагани каби, қоидага амал қилмай туриб сўзлаган кишининг мақсади ҳам тушунарли бўлмайди. Масалан:

زَيْدًا جَالِسًا فِي الْحَدِيقَةِ дейилса, Зайдни боғда ўтирганлиги тушунилади. Лекин زَيْدًا فِي جَالِسٍ الْحَدِيقَةِ إِنَّ дейилса, ҳеч бир фойдали маъно чикмайди. Қуйинги, наҳв илми калиманинг охири ўзгаришини аниқлаб, охиридаги 4 хил эъробни кўрсатиб беради.

Каломнинг таркиб қоидалари ва каломдаги калималар охирларининг қоидаларини ҳар бири наҳв илмида баён қилинган.

Наҳв илми қоидаларини билишдан аввал арабий калималар неча қисмга бўлиниши ва ҳар бир турдаги калимага тегишли махсус ҳукмларни билиш лозим. Шу сабабли бу китобнинг бошида калималарнинг қисмлари баён қилинади.

2 – §

اللفظ والكلمة

Лафз ва калима

Лафз (لَفْظٌ) – сўз деганидир.

Калима (كَلِمَةٌ) – маъноли сўз деганидир.

Маъносиз сўзга калима демасдан, балки бўш сўз дейилади.

Араб тилида истеъмол қилинган калималар уч қисмдан иборат:

1. اسم – исм: 2. فعل – феъл: 3. ادات – адот (кўпгина наҳв китобларида бу калима حروف – ҳарфлар, деб номланади).

1. **Исм** – бир нарсанинг номи бўлган калимадир. Масалан:

زَيْدٌ، رَجُلٌ، إِنْسَانٌ، فَرَسٌ، حَيَوَانٌ، حَجْرٌ

2. **Феъл** – бирор бир ишни ўтган замонда қилинганлиги ёки ҳозирги замонда қилинаётганлиги ёки келаси замонда қилинажаклигини ифодалайдиган калимадир. Масалан:

– لِيَفْتَحَ – очмайди: لَا يَفْتَحُ – очади: يَفْتَحُ – очмади: مَا فَتَحَ – очди: فَتَحَ – очсин: لَا يَفْتَحُ – очмасин: إِفْتَحَ – оч: لَا تَفْتَحُ – очма.

3. **Адот** – бошқа бир калимага қўшилмагунча мустақил маънога эга бўлмаган калимадир. Масалан: ب، ل، ك، مِنْ، إِلَى، فِي

Араб тилида феъл ва ҳарфлардан бошқа калималарнинг ҳар бири исм жумласидандир. Масалан:

каби فَتَحَ، فَاتِحٌ، مَفْتُوحٌ، فَتَّاحٌ، أَفْتَحُ، مَفْتَحٌ، أَنْتَ، مِفْتَاحٌ، حَمْسَةٌ، هُوَ، هَذَا، الَّذِي، لَيْلٌ калималарнинг ҳар бири исм жумласидан ҳисобланади.

3-§

أبواب الأسماء

Исмларнинг боблари

Исм – бир нарсанинг номи бўлган калимадир.

Исм саккиз турли бўлади: 1. اسم ذات – исми зот: 2. اسم صفت – исми сифат: 3. اسم وصف – исми васф: 4. اسم ظرف – исми зарф: 5. اسم عدد – исми адад: 6. اسم ضمير – исми замир: 7. اسم اشارة – исми ишора: 8. اسم موصول – исми мавсул.

Исми зот – бирор-бир нарсанинг зотига далолат қилган калимадир.

Масалан: زَيْدٌ، رَجُلٌ، إِنْسَانٌ، فَرَسٌ، حَجْرٌ، بَعْدَادٌ. Исми зот икки қисмга бўлинади.

۱- اسم خاص ۲- اسم عام

Фақат бир нарсага хос бўлган исми зотларга «**исми хос**», дейилади. Масалан: زَيْدٌ، أَحْمَدٌ، زَيْنَبٌ، بَعْدَادٌ، دَجَلَةٌ.

Кўп нарсаларни ўз ичига олган исми зотларга «**ИСМИ ОМ**», дейилади.

Масалан: نَهْرٌ، بِلْدَةٌ، حَيَوَانٌ، فَرَسٌ، إِنْسَانٌ، رَجُلٌ кабилар.

Баъзан исми хосларга – **алам** (عَلْمٌ) ва исми омларга – **исми жинс** (اسم جنس) дейилади.

4–§ Исми хос (عَلْمٌ)

Алам икки қисмга бўлинади: 1. عِلْمٌ مُرْتَجَلٌ 2. عِلْمٌ مَنْقُولٌ

Аввалданок истеъмол қилишда бир нарсага махсус исм қилиб, тайин этилган аламларга «**алами муртажал**», дейилади. Масалан: فَقَعَسٌ، غَطَفَانٌ، عِمْرَانٌ، فَقَعَسٌ кабилар.

Аввалда аламликдан бошқа маъноси бўлиб, кейин бир нарсага исм қилиб кўчирилган аламларга «**алами манқул**», дейилади. Масалан: نَاصِرٌ، غَالِبٌ، طَاهِرٌ، مُقِيمٌ кабилар.

Аламу манқулни:

1. Баъзилари исми жинсдан кўчирилган. Масалан: جَعْفَرٌ ва حَيْدَرٌ кабики, аслида бир кичик ариқ ва арслон маъносида эди.

2. Баъзилари исми сифатдан кўчирилган. Масалан: عَارِفٌ، مُحَمَّدٌ، حَمَّادٌ، أَحْمَدٌ، حَسَنٌ кабилар.

3. Баъзилари исми масдардан кўчирилган. Масалан: عِرْفَانٌ، رَشَادٌ، صِلَاحٌ، فَضْلٌ، هِدَايَةٌ، مِدْحَةٌ кабилар.

4. Баъзилари исми макон сийғасидан кўчирилган. Масалан: مَظْهَرٌ، مَشْهَرٌ، مَسْقَطٌ кабилар.

5. Баъзилари исми олат сийғасидан кўчирилган. Масалан: مِفْتَاحٌ، مِصْبَاحٌ кабилар.

6. Баъзилари феълдан кўчирилган. Масалан: يَشْكُرُ، يَنْبُغُ، يَزِيدُ، يَشْكُرُ кабилар.

7. Баъзилари ажамий тилдан, яъни арабчадан бошқа бир тилдан кўчирилган. Масалан: إِسْكَندَرُ، سُلَيْمَانُ، يَعْقُوبُ، إِبرَاهِيمُ، кабилар.

8. Баъзилари икки калимадан таркиб топган калималардан кўчирилган. Масалан: عَبْدُ اللَّهِ، عَبْدُ الرَّحْمَنِ، مُحَمَّدُ أَحْمَدُ، شَمْسُ قَمَرٍ، خَضِرَ مَوْتٍ، بَعْلَبَكُ кабилар.

الإسم واللقب والكنية

Исм, лақаб ва куня

Инсонга энг биринчи қўйилган исм «алам», дейилади. Масалан: جَعْفَرُ، هَارُونُ، أَحْمَدُ кабилар.

Мақташ ёки мазамматлаш учун инсонга аввалги исмидан кейин ишлатилган аламга «лақаб», дейилади.

Масалан: الهَادِي الرَّشِيدُ، الصَّادِقُ кабилар.

Абу калималари билан қўйилган аламларга «куня», дейилади.

Масалан: أَبُو الْقَاسِمِ، أَبُو بَكْرٍ، أَبُو حَنِيفَةَ، ابْنُ عَبَّاسٍ، أُمُّ سَلَمَةَ каби.

Қоида: Исм бўлган аламларга «ال» кирмайди.

Масалан: الرَّشَادُ، الْفَضْلُ، الْحَارِثُ، الْحُسَيْنُ، الْحُسَيْنُ، الْعَبَّاسُ дейилмайди. Лекин аслида масдар ёки исми сифат бўлган аламларга гоҳо «ال» киради.

Масалан: الرَّشَادُ، الْفَضْلُ، الْحَارِثُ، الْحُسَيْنُ، الْحُسَيْنُ، الْعَبَّاسُ кабилар.

Лақаб бўлган аламларга «ال» киради. Масалан: الرَّشِيدُ، الهَادِي Яна тасния ва жамъ қилинган аламларнинг ҳар бирига «ال» кириши мумкин. Масалан:

الرَّيْدَانُ، الرَّيْدُونَ، الْبَكْرَانُ، الْبَكْرُونَ، الْمَرْيَمَانُ، الْمَرْيَمُونَ кабилар.

5-§

Исми ом (اسم جنس)

Хабарингиз борки, исми жинс кўп нарсаларга ишлатилган исми зотдир. Масалан: رَجُلٌ каби. Исми жинсга умумлашган нарсаларга «фард», дейилади.

Масалан: رَجُلٌ –исми жинсдир, بَكْرٌ، عَمْرٌ، زَيْدٌ лар эса رَجُلٌ нинг фардларидир.

مُعَرَّفٌ وَ مُنَكَّرٌ

Маърифа ва накра

Исми жинс икки турда истеъмол қилинади:

1. гоҳо «ال» билан
2. гоҳо «ال» сиз.

«ال» и бўлган исми жинсларга «муъарраф», (маърифа) дейилади. «ال» сиз бўлган исми жинсларга «мунаккар», (накра) дейилади. Муъарраф бўлган исми жинсдан кўпинча маълум бир бўлак мақсад қилинади. Масалан: الرَّجُلُ غَنِيٌّ، الْفَرَسُ صَغِيرٌ деган жумлалардаги الرَّجُلُ ва الْفَرَسُ кабики, маълум бир киши ва маълум бир от демакдир. Баъзи вақтларда муъарраф бўлган исми жинсдан маълум бир бўлаги мақсад қилинмайди. Масалан:

الرَّجُلُ أَقْوَى مِنَ الْمَرْأَةِ، الْفَرَسُ أَحْسَنُ مِنَ الْحِمَارِ деган жумлалардаги الرَّجُلُ ва الْفَرَسُ кабики, эркак жинси ва от жинси демакдир. Баъзи муъарраф бўлган исми жинсларнинг жамъларидан жинсларнинг ҳамма бўлаклари ёки умуман ҳаммаси мақсад қилинади. Масалан: الرِّجَالُ والأفراسُ الجَسَانُ، الرِّجَالُ أَقْوِيَاءُ деган жумлаларидаги الرِّجَالُ ва الأفراسُ лар ҳамма кишилар ва ҳамма отлар деган маънони англатади.

Мунаккар бўлган исми жинслардан одатда маълум ва муайян бўлмаган бир бўлак, бир қисм ирода этилади. Масалан: رَجُلٌ ва فَرَسٌ каби, бир киши ва бир от маъносида бўлиб, қайси киши ва қайси от эканлиги маълум эмас.

Қоида: Муъарраф бўлган исми жинсларнинг охирида ҳеч қачон танвин бўлмайди. Масалан: **الْفَرَسُ** ва **الرَّجُلُ** дейиш мумкин эмасдир.

6- §

اسم الصفت

Сифат исм

Бир нарсанинг бир сифат билан сифатланишига далолат қилган исмга «**исми сифат**», дейилади. Масалан:

عَالِمٌ، مَعْلُومٌ، عَلَّامٌ، أَعْلَمُ، حَسَنٌ، بَعْدَادِيٌّ кабилар.

Сарф илмида баён қилинган исми фоъил, исми мафъул, исми фаъвол, исми тафзил ва сифати мушаббаҳа сийғалари ҳамда **فَزَائِيٌّ** ва **بَعْدَادِيٌّ** каби исми мансубларнинг хаммалари исми сифат жумласидандир. Исми макон ва исми олат сийғалари масдардан иштиқоқ қилинган бўлсада, лекин исми сифат жумласидан эмас, балки исми зот ҳукмида бўлади. Исми сифатларнинг маънолари феъл маъноларига яқин бўлганлиги учун «**шибҳи феъллар**», деб ҳам номланади. Исми сифатларнинг вазнлари ва сарфланишлари сарфий қоидалари бор бўлган китобларда баён қилингандир. Исми сифатлар калом ичида кўпинча бир мавсуфга эргашиб, мавсуфларини сифатлаш ва танишиш учун зикр қилинади.

Қоида: Исми сифатлар музаккар ва муаннас бўлишликда ҳамда муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда доимо мавсуфларига эргашиб келади. Масалан:

الْمَرْأَةُ الْعَالِمَةُ، الْمَرْأَتَانِ الْعَالِمَتَانِ، النِّسَاءُ الْعَالِمَاتُ ва **الرَّجُلُ الْعَالِمُ، الرِّجَالُ الْعَالِمَانِ، الرِّجَالُ الْعُلَمَاءُ** кабилар.

اسم الوصف (مصدر)

Васф исми

Бир ишни қилмоқ ва бир ҳолда бўлмоқ маъносида бўлган исмларга «**исми васф**», дейилади. Масалан: **الضَّرْبُ، الْجُلُوسُ** кабилар.

Арабий масдарларнинг вазнлари кўпдир. Сарф китобларида 70 га яқин масдарларнинг вазнлари келтирилган.

Масдарларнинг ҳар хил турлари сарф илмида баён қилингандир.

اسم ظرف

Зарф исми

Бир ишни қилинган замони ёки қилинган маконига далолат этган калимага «**исми зарф**», дейилади. Масалан: **أَيْنَ مَتَى** каби.

Замонга далолат қилган исми зарфларга «**зарфи замон**», дейилади. Масалан:

مَتَى кабилар. **أَيَّانَ**، **الْيَوْمَ**، **عَدَا**، **أَمْسِ**، **قَبْلَ**، **بَعْدَ**

Маконга далолат қилган исми зарфларга «**зарфи макон**», дейилади. Масалан: **أَيْنَ**، **هَاهُنَا**، **هُنَالِكَ**، **بَيْنَ بَيْنَ**، **حَيْثُ** кабилар.

7 – §

اسم العدد

Адад исмлар

Бир сонга ва ададга далолат қилган калимага «**исми адад**», дейилади. Масалан:

۱- **وَاحِدٌ**، ۲- **اِثْنَانِ**، ۳- **ثَلَاثَةٌ**، ۴- **أَرْبَعَةٌ**، ۵- **خَمْسَةٌ**، ۶- **سِتَّةٌ**، ۷- **سَبْعَةٌ**، ۸- **ثَمَانِيَةٌ**، ۹- **تِسْعَةٌ**، ۱۰- **عَشْرَةٌ**،
 ۲۰- **عِشْرُونَ**، ۳۰- **ثَلَاثُونَ**، ۴۰- **أَرْبَعُونَ**، ۵۰- **خَمْسُونَ**، ۶۰- **سِتُّونَ**، ۷۰- **سَبْعُونَ**، ۸۰- **ثَمَانُونَ**، ۹۰-
تِسْعُونَ، ۱۰۰- **مِئَةٌ**، ۱۰۰۰- **أَلْفٌ**، ۱۰۰۰۰۰- **مِئَةُ أَلْفٍ**، ۱۰۰۰۰۰۰- **أَلْفُ أَلْفٍ**

Исми адад икки қисмга бўлинади:

1. **عَدَدٌ مُذَكَّرٌ**

2. **عَدَدٌ مُؤَنَّثٌ**

Музаккар бўлган нарсаларнинг саноғи – адади музаккар номида, муаннас бўлган нарсаларнинг саноғи – адади муаннас номида бўлади. Жумлада музаккар адад билан муаннас бошқа-

бошқа бўлади. Уларнинг фарқларини ва бир-бирлари билан нимада муҳолиф эканликларини иншааллоҳ келгуси дарсларда ўрганамиз.

تَعْدَادُ

Санаш

تَعْدَادُ – санамоқ деганидир. Энди бирдан миллионгача бўлган музаккар ададларнинг саналишини кўрасиз. Баъзи ададларнинг ораларида бир неча нуқталар ёзилган. Бу нуқталар ёзилмай қолган ададларга ишора бўлиши учун ёзилган. Ўқувчилар нуқта бўлган ерларда аввалгисига қиёс қилиб, ёзилмай қолган ададларни санайдилар. Бу китобда خَادِمٌ калимаси санаб кўрсатилган Ўқувчилар бу калимани санаб бўлганларидан кейин яна رَجُلٌ - رِجَالٌ، اِبْنٌ - اَبْنَاؤُ، فَرَسٌ - رَجُلٌ، اِبْنٌ - اَبْنَاؤُ، فَرَسٌ - رَجُلٌ каби калималарни ҳам санай олишлари керак.

أَعْدَادُ مُذَكَّرَةٌ

Музаккар сонлар

خَادِمٌ وَاحِدٌ، خَادِمَانِ (اثنان)، ثَلَاثَةٌ خَادِمًا، أَرْبَعَةٌ خَادِمًا، خَمْسَةٌ خَادِمًا، سِتَّةٌ خَادِمًا، سَبْعَةٌ خَادِمًا، ثَمَانِيَةٌ خَادِمًا، تِسْعَةٌ خَادِمًا، عَشْرَةٌ خَادِمًا، أَحَدٌ عَشَرَ خَادِمًا، اِثْنَا عَشَرَ خَادِمًا، ثَلَاثَةَ عَشَرَ خَادِمًا..... تِسْعَةَ عَشَرَ خَادِمًا، عِشْرُونَ خَادِمًا، أَحَدٌ وَعِشْرُونَ خَادِمًا، اِثْنَانِ وَعِشْرُونَ خَادِمًا، ثَلَاثَةٌ وَعِشْرُونَ خَادِمًا..... تِسْعَةَ وَعِشْرُونَ خَادِمًا، ثَلَاثُونَ خَادِمًا، أَرْبَعُونَ خَادِمًا، خَمْسُونَ خَادِمًا، سِتُّونَ خَادِمًا، سَبْعُونَ خَادِمًا، ثَمَانُونَ خَادِمًا، تِسْعُونَ خَادِمًا مِئَةٌ خَادِمًا، مِئَةٌ وَخَادِمَانِ، مِئَةٌ وَثَلَاثَةٌ خَادِمًا..... مِئَتَا خَادِمٍ، مِئَتَانِ وَخَادِمٍ، مِئَتَانِ وَخَادِمَانِ، مِئَتَانِ وَ ثَلَاثَةٌ خَادِمًا..... ثَلَاثُمِائَةَ خَادِمٍ..... سَبْعُمِائَةَ وَتِسْعَةَ وَتِسْعُونَ خَادِمًا، أَلْفٌ خَادِمٍ، أَلْفٌ وَخَادِمَانِ، أَلْفٌ وَثَلَاثَةٌ خَادِمًا، أَلْفٌ وَتِسْعُمِائَةَ وَتِسْعَةَ وَتِسْعُونَ خَادِمًا، أَلْفَا خَادِمٍ، أَلْفَانِ وَخَادِمٍ، أَلْفَانِ وَخَادِمَانِ، أَلْفَانِ وَثَلَاثَةٌ خَادِمًا..... ثَلَاثَةُ أَلْفٍ خَادِمٍ، ثَلَاثَةُ أَلْفٍ وَخَادِمٍ..... ثَلَاثَةُ أَلْفٍ وَتِسْعُمِائَةَ وَتِسْعَةَ وَتِسْعُونَ خَادِمًا، عَشْرَةُ أَلْفٍ خَادِمٍ، اِثْنَا عَشَرَ أَلْفٍ خَادِمٍ، ثَلَاثَةَ عَشَرَ أَلْفٍ خَادِمٍ..... مِائَةُ أَلْفٍ خَادِمٍ، أَلْفٌ أَلْفٍ خَادِمٍ.

أَعْدَادُ مُؤَنَّثَةٌ

Муаннас сонлар

خَادِمَةٌ وَاحِدَةٌ، خَادِمَتَانِ (اثنَتانِ)، ثَلَاثُ خَادِمَاتٍ، أَرْبَعُ خَادِمَاتٍ، خَمْسُ خَادِمَاتٍ، سِتُّ خَادِمَاتٍ، سَبْعُ خَادِمَاتٍ، ثَمَانِ خَادِمَاتٍ، تِسْعُ خَادِمَاتٍ، عَشْرُ خَادِمَاتٍ، إِحْدَى عَشْرَةَ خَادِمَةً، ائْتِنَا عَشْرَةَ خَادِمَةً، ثَلَاثَ عَشْرَةَ خَادِمَةً..... تِسْعَ عَشْرَةَ خَادِمَةً، عِشْرُونَ خَادِمَةً، إِحْدَى وَعِشْرُونَ خَادِمَةً، ائْتِنَانِ وَعِشْرُونَ خَادِمَةً، ثَلَاثَ وَعِشْرُونَ خَادِمَةً..... تِسْعَ وَعِشْرُونَ خَادِمَةً، ثَلَاثُونَ خَادِمَةً، أَرْبَعُونَ خَادِمَةً، خَمْسُونَ خَادِمَةً، سِتُّونَ خَادِمَةً، سَبْعُونَ خَادِمَةً، ثَمَانُونَ خَادِمَةً، تِسْعُونَ خَادِمَةً، مِئَةٌ خَادِمَةٍ، مِئَةٌ وَخَادِمَتَانِ، مِئَةٌ وَثَلَاثُ خَادِمَاتٍ..... مِئَتَا خَادِمَةٍ، مِئَتَانِ وَخَادِمَتَانِ، مِئَتَانِ وَثَلَاثُ خَادِمَاتٍ..... ثَلَاثُمِائَةٍ خَادِمَاتٍ..... سَبْعُمِائَةٍ وَتِسْعَةٌ وَتِسْعُونَ خَادِمَةً، أَلْفُ خَادِمَةٍ، أَلْفٌ وَخَادِمَةٌ، أَلْفٌ وَخَادِمَتَانِ، أَلْفٌ وَثَلَاثُ خَادِمَاتٍ، أَلْفٌ وَتِسْعُمِائَةٍ وَتِسْعٌ وَتِسْعُونَ خَادِمَةً، أَلْفَا خَادِمَةٍ، أَلْفَانِ وَخَادِمَةٌ، أَلْفَانِ وَخَادِمَتَانِ، أَلْفَانِ وَثَلَاثُ خَادِمَاتٍ..... ثَلَاثَةُ آلَافٍ خَادِمَةٍ، ثَلَاثَةُ آلَافٍ وَتِسْعُمِائَةٍ وَتِسْعٌ وَتِسْعُونَ خَادِمَةً، عَشْرَةُ آلَافٍ خَادِمَةٍ، أَحَدَ عَشَرَ أَلْفَ خَادِمَةٍ، ائْتِنَا عَشَرَ أَلْفَ خَادِمَةٍ، ثَلَاثَةَ عَشَرَ أَلْفَ خَادِمَةٍ..... مِائَةُ أَلْفٍ خَادِمَةٍ، أَلْفُ أَلْفٍ خَادِمَةٍ.

Эслатма: Ўқувчи خَادِمَات - خَادِمَةٌ калималарини бирдан миллионгача санашни ўрганганидан кейин уларга солиштириб яна امرأة-نِسْوَةٌ، رَمَكَةٌ-رَمَكَاتٌ، نَاقَةٌ-نُوقٌ، صَحِيفَةٌ-صُحُفٌ каби муаннас калималарни ҳам бирдан миллионгача санашни билиши керак.

8- §

قَوَاعِدُ أَسْمَاءِ أَعْدَادٍ

Сон исмлари қоидалари

Қоида: Учдан ўнгача бўлган музаккар ададларнинг охирлари тои таънисли (ة), муаннас ададларнинг охирлари тои таъниссиз ишлатилади.

Қоида: (عِشْرُونَ... تِسْعُونَ، مِائَةٌ، أَلْفٌ) каби ададлар музаккар нарсалар учун ҳам муаннас нарсалар учун ҳам бир хил ишлатилади.

Қоида: Учдан ўнгача бўлган музаккар ададларнинг ҳам, муаннас ададларнинг ҳам маъдудлари ҳар доим жамъ сийғада бўлиб, охирлари мажрур, яъни касрали бўлади. Масалан:

(ثَلَاثَةُ خُدَّامٍ ... عَشْرَةُ خُدَّامٍ) (ثَلَاثُ خَادِمَاتٍ ... عَشْرَ خَادِمَاتٍ)

Қоида: Ўн бирдан тўқсон тўққизгача бўлган музаккар ва муаннас ададларнинг маъдудлари ҳар доим бирлик сийғасида бўлиб, охирлари мансуб, яъни фатҳали бўлади. Масалан:

(أَحَدَ عَشَرَ خَادِمًا ... تِسْعَةَ وَتِسْعُونَ خَادِمًا) (إِحْدَى عَشْرَةَ خَادِمَةً ... تِسْعٌ وَتِسْعُونَ خَادِمَةً)

Қоида: Ақсиз каби ададларининг маъдудлари ҳар доим бирлик сийғада бўлиб, охири мажрур, яъни касрали бўлади. Масалан: مِائَةٌ
кабилар, أَلْفٌ خَادِمٍ.

Эслатма: Юқорида санаб ўтилган мисолларга қарасангиз, ушбу қоидаларга мувофиқ эканлигини кўрасиз. Сонли исмларнинг бу ҳукмларидан бошқа ҳукмлари ҳам мисоллардан текшириб кўрилсин».

إعداد تَرْتِيبِيَّة

Сон тартиблари

Юқорида ёзилган санок исмларининг маъдудлари орасида тартиб ва даража эътибор қилинмайди. Агар маъдуд нарсаларнинг орасида (биринчи, иккинчи, учинчи каби) тартиб ва даража эътибор қилиниши хоҳланса, исми ададларнинг кўплари исми фоъил вазнига туширилади. Масалан: الثَّانِي، الثَّلَاثُ، الثَّانِيَةُ الثَّلَاثَةُ кабилар.

Исми фоъил вазнига туширилган исми ададлар исми ададликдан чиқиб, исми сифат ҳукмида бўлади ва «тартиб сонлар», деб аталади.

إعداد الترتيبية لأسماء المذكرة

Музаккар исмлар учун бўлган тартиб сонлар

الأوّل، الثَّانِي، (ثَان) الثَّالِثُ، الرَّابِعُ، الْخَامِسُ، السَّادِسُ، السَّابِعُ، الثَّامِنُ، التَّاسِعُ، الْعَاشِرُ، الْحَادِي عَشَرَ، الثَّانِي عَشَرَ، الثَّلَاثُ عَشَرَ... الْعِشْرُونَ، الْحَادِي وَالْعِشْرُونَ، الثَّانِي وَالْعِشْرُونَ، الثَّلَاثُ وَالْعِشْرُونَ... الثَّلَاثُونَ، التِّسْعُونَ، الْمِائَةُ، الْحَادِي وَالْمِائَةُ، الْأَلْفُ...

إعداد الترتيبية لأسماء المئوية

Муаннас исмлар учун бўлган тартиб сонлар

الأوّلِي، الثَّانِيَّةُ، الثَّلَاثَةُ، الرَّابِعَةُ، الْخَامِسَةُ، السَّادِسَةُ، السَّابِعَةُ، الثَّامِنَةُ، التَّاسِعَةُ، الْعَاشِرَةُ، الْحَادِيَّةُ عَشَرَ، الثَّانِيَّةُ عَشَرَ، الثَّلَاثَةُ عَشَرَ... الْعِشْرُونَ، الْحَادِيَّةُ وَالْعِشْرُونَ، الثَّانِيَّةُ وَالْعِشْرُونَ، الثَّلَاثَةُ وَالْعِشْرُونَ... الثَّلَاثُونَ، التِّسْعُونَ، الْمِائَةُ، الْحَادِيَّةُ وَالْمِائَةُ، الْأَلْفُ...

Нисбий сонлар

الأحادي (الوحداني) – бирлик

الثَّنَائِي – иккилик

الثَّلَاثِي – учлик

الرُّبَاعِي – тўртлик

الْخَمَاسِي – бешлик

السُّدَاسِي – олтилик

السَّبَاعِي – еттилик

الثَّمَانِي – саккизлик

التِّسَاعِي – тўққизлик

العُشَارِي – ўнлик

Ėки

مُوَحَّد – бирлик

مُثَنِّي – иккилик

مُثَلَّث – учлик

مُرَبَّع – тўртлик

مُخَمَّس – бешлик

مُسَدَّس – олтилик

مُسَبِّعٌ — еттилик

مُتَمِّنٌ — саккизлик

مُتَسَّعٌ — тўққизлик

مُعَشَّرٌ — ўнлик

Такрорий сонлар

أَحَادٌ — битта-битта

ثَنَاءٌ — иккита-иккита

ثَلَاثٌ — учта-учта

رُبَاعٌ — тўртта-тўртта

خَمَاسٌ — бешта-бешта

سُدَّاسٌ — олтита-олтита

سَبَّاعٌ — еттита-еттита

ثَمَانٌ — саккизта-саккизта

تِسَاعٌ — тўққизта-тўққизта

عُشَارٌ — ўнта-ўнта

مَوْحَدٌ — битта-битта

مَثْنِيٌّ — иккита-иккита

مَثَلَّثٌ — учта-учта

مَرَبَعٌ — тўртта-тўртта

مُخَمَّسٌ — бешта-бешта

مَسْدَسٌ — олтита-олтита

مَسْبِيعٌ — еттита-еттита

مُتَمِّنٌ — саккизта-саккизта

مُتَسَّعٌ — тўққизта-тўққизта

مُعَشَّرٌ — ўнта-ўнта

Машҳур касрали сонлар

التُّسْعُ 1/9 الثُّمْنُ 1/8 السَّبْعُ 1/7 السِّدْسُ 1/6 الخُمْسُ 1/5 الرَّبْعُ 1/4 الثَّلَاثُ 1/3 النِّصْفُ 1/2 العُشْرُ 1/10

9-§

اسم ضمير (مُضَمَّر)

Олмошлар

Ғоиб, мухотаб ёки мутакаллимнинг зотига далолат қилган калимага «исми замир», дейилади. Масалан: هُوَ أَنَا، أَنْتَ، هُوَ кабилар.

Замирлар ҳам феъллар каби 14 сийғада бўлади:

6 та ғоиб (3-шахс), 6 та мухотаб (2-шахс) ва 2 та мутакаллим (1-шахс).

Исми замир икки хилдир:

1. Мунфасил замирлар.

2. Мутгасил замирлар.

Бошқа бир калимага боғланмасдан ўзи истеъмол қилинадиган исми замирларга «**мунфасил замирлар**», дейилади.

Мунфасил замирларнинг машҳурлари қуйидагилар:

هُوَ، هُمَا، هُمْ، هِيَ، هُمَا، هُنَّ، أَنْتَ، أَنْتُمَا، أَنْتُمْ، أَنْتِ، أَنْتُمَا، أَنْتُنَّ، أَنَا، نَحْنُ

Гоҳо ушбу замирлар фоъиллари зикр қилинмаган феъллар остида яширинган бўлади. Масалан:

فَتَحَ فَتَحَا فَتَحُوا فَتَحَتْ فَتَحَتَا فَتَحْنَ فَتَحْتِ فَتَحْتُمَا فَتَحْتُمْ فَتَحْتِ فَتَحْتُمَا فَتَحْتُنَّ فَتَحْتُ فَتَحْنَا

هُوَ، هُمَا، هُمْ، هِيَ، هُمَا، هُنَّ، أَنْتَ، أَنْتُمَا، أَنْتُمْ، أَنْتِ، أَنْتُمَا، أَنْتُنَّ، أَنَا، نَحْنُ

Қуйидаги замирлар «**замири мунфасилаи мафъулийя**», дейилади:

إِيَّاهُ، إِيَّاهُمَا، إِيَّاهُمْ، إِيَّاهَا، إِيَّاهُمَا، إِيَّاهُنَّ، إِيَّاكَ، إِيَّاكُمَا، إِيَّاكُم، إِيَّاكِ، إِيَّاكُمَا، إِيَّاكُنَّ، إِيَّايَ، إِيَّانَا

Бошқа бир калималар билан боғланиб истеъмол қилинадиган исми замирларга «муттасил замирлар», дейилади. Улар қуйидагилар:

هُ، هُمَا، هُمْ، هَا، هُمَا، هُنَّ، كِ، كُما، كُمْ، كِ، كُما، كُنَّ، يِ، نَا

Исмларнинг муттасил замирлар билан боғланиб келиши:

كِتَابُهُ، كِتَابُهُمَا، كِتَابُهُمْ، كِتَابُهَا، كِتَابُهُمَا، كِتَابُهَا، كِتَابُكَ، كِتَابُكُما، كِتَابُكُمْ، كِتَابُكِ، كِتَابُكُما، كِتَابُكُنَّ، كِتَابِي، كِتَابِنَا

Феълларнинг муттасил замирлар билан боғланиб келиши:

ضَرَبْتُهُ، ضَرَبْتُهُمَا، ضَرَبْتُهُمْ، ضَرَبْتَهَا، ضَرَبْتُهُمَا، ضَرَبْتُهَا، ضَرَبْتِكَ، ضَرَبْتُكُما، ضَرَبْتُكُمْ، ضَرَبْتِكِ، ضَرَبْتُكُما، ضَرَبْتُكُنَّ، ضَرَبْتِي، ضَرَبْتِنَا

Адотларнинг муттасил замирлар билан боғланиб келиши:

بِهِ، بِهِمَا، بِهِمْ، بِهَا، بِهِمَا، بِهِنَّ، بِكِ، بِكُما، بِكُمْ، بِكِ، بِكُما، بِكُنَّ، بِيِ، بِنَا

Эслатма: Ушбу замирларнинг қайсилари ғоиб замирлар, қайсилари мухотаб замирлар, қайсилари мутакаллим замирлар эканини эсингизда сақлаб қолган бўлсангиз керак.

10- §

قَوَاعِدُ الضَّمِيرِ

Замир қоидалари

Қоида: Агар муттасил замирлар لَدَى، عَلَى، إِلَى ҳарфларига боғланса, у ҳарфларнинг охирларидаги алифлари (ى) га қалб қилинади. Масалан: لَدَيْ، لَدَيْكَ، لَدَيْهِ، عَلَيَّ، عَلَيْكَ، عَلَيَّهِ، إِلَيَّ، إِلَيْكَ، إِلَيَّ، إِلَيْهِ، إِلَيْكَ، إِلَيْهِ

Қоида: Ғоиб муттасил замирлар бўлган هُنَّ، هُمْ، هُمَا ларнинг олдилари касрали ҳарф ёки сукунлик (ِ) бўлса, (هـ) лари касрали бўлади.

Масалан: هُنَّ، هُمَا، إِلَيْهِمَا، إِلَيْهِمْ، إِلَيْهِنَّ

Қоида: Зикр қилинган замирларнинг олдилари сукунлик

(ۚ) ва касрали ҳарф бўлмаса, доимо мазмум, яъни заммали бўлади. Масалан: مِنْهُ، عَنْهُ، كِتَابُهُ، ضَرْبُهُ

Қоида: Гоиб сийғасининг бирлигидаги муттасил замир (هُ) нинг олди касрали бўлса, (ى) билан мад қилинади. Масалан: كِتَابِهِ، بِهِ деб ёзилади, бироқ كِتَابِهِ، بِهِ деб ўқилади.

Қоида: Агар мана шу замир (هُ) нинг олди заммали ёки фатҳали бўлса, (و) билан мад қилинади. Масалан: كِتَابُهُ، كِتَابَهُ деб ёзилади, бироқ كِتَابُهُو، كِتَابُهُو деб ўқилади.

Қоида: Мутакаллим бирлигидаги муттасил замир (ي) кўпинча сукунлик бўлади. Масалан: كِتَابِي، لِي гоҳида фатҳали бўлади. Масалан: لِي، كِتَابِي

Қоида: Зикр қилинган мутакаллим (ي) сининг олди ҳаракатсиз (ا) бўлса, (ئ) доимо фатҳали бўлади. Масалан:

كَبِيْرٌ، فَتَاى، رَحَاى

Қоида: Зикр қилинган мутакаллим (ي) сининг олди (ئ) бўлса ҳам, доимо фатҳали бўлади. Икки ي бир ерда келса, аввалги ي ни кейинги ي га идғом қилинади. Масалан: كَبِيْرٌ، فَتَاى، رَحَاى кабики, اسليدا كَبِيْرٌ + ي، فَتَاى + ي، رَحَاى + ي

كَبِيْرٌ + ي = كَبِيْرِي - كَبِيْرِي - كَبِيْرِي

Қоида: Мутакаллим (ي) сининг олди (و) бўлса, шу (و) - (ي) га қалб қилиниб, мутакаллим (ي) сига идғом қилинади. Масалан:

كَبِيْرٌ + ي = كَبِيْرِي - كَبِيْرِي - كَبِيْرِي

Қоида: Мутакаллим (ي) си феълларга ва яна (مِنْ، عَنْ، إِنَّ) каби ҳарфларга боғланганда, бир (ي) билан ишлатилади. Масалан:

كَبِيْرِي، ضَرْبِي، مِي، عِي، اِي.

Гоҳида мутакаллим (ي) си ҳазф қилиниб, яъни туширилиб, боғланган калиманинг охири касрали бўлади.

Масалан: ضَرْبُونَ رَبِّ، кабики, аслида ضَرْبُونِي ва رَبِّي бўлган.

مَرْجِعُ ضَمِيرٍ

Олмош қўлланмаси

Ғоиб замирлар учун доимо олдин мазкур бўлган маржеъ лозимдир. Маржеъ – замирдан мурод қилинган нарса, деганидир.

Масалан: هُوَ نِيْغ زَيْدٌ رَبِّ هُوَ ضَرْبُونَ رَبِّ زَيْدًا وَهُوَ رَبِّ زَيْدًا жумласидаги زيد кабики нинг маржеъидир. هُو замири زيد га қайтувчидир.

Гоҳида ғоиб замирнинг маржеъи иборада зикр этилмайди, балки уни маънода англади. Масалан: هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ تَصَدَّقُوا هُوَ жумласидаги هُو маржеъи бўлган تَصَدَّقُوا кабики, у иборада зикр этилмасдан балки تصدقوا нинг маъносидан тушуниб олинади.

Қоида: Замирнинг маржеъи доимо замирдан олдин зикр қилинган бўлади, яъни замир маржеъисидан олдин зикр қилиниши мумкин эмас.

Масалан: ضَرْبَ خَادِمُهُ زَيْدًا дейилади, лекин ضَرْبَ خَادِمُهُ زَيْدًا дейиш мумкин эмас.

Эслатма: هُوَ ضَرْبَ خَادِمُهُ زَيْدًا жумласидаги замир маржеъисидан олдин зикр қилинган бўлса ҳам, лекин аслида ундай эмас. Чунки бу жумла аслида هُوَ ضَرْبَ خَادِمُهُ زَيْدًا бўлган. Баъзи жумлаларнинг аввалида музаккар ёки муаннас ғоиб замирлари зикр қилинган бўлади. Масалан: هُوَ زَيْدٌ هِيَ رَبِّ هُوَ ضَرْبُونَ رَبِّ هُوَ رَبِّ هُوَ ضَرْبُونَ رَبِّ هُوَ رَبِّ هُوَ ضَرْبُونَ رَبِّ هُوَ رَبِّ هُوَ ضَرْبُونَ رَبِّ هُوَ رَبِّ. Бу каби замирларнинг музаккарларига «замируш-шаъни», ва муаннасларига «замирул-қиссох», дейилади. Чунки бу замирларнинг музаккарлари ҳукман зикр қилинган الشَّأْنُ га, муаннаслари ҳукман зикр қилинган الْقِصَّةَ га қайтувчидир. Бу

жумлалар аслида **زَيْدٌ كَتَبَ** ва **الشأن هو: زَيْدٌ كَتَبَ** дир. Иш шуки ёки қисса шуки, Зайд ёзди.

Қоида: Замирлар музаккар ёки муаннас бўлишда ҳамда муфрад, тасния ва жамъ бўлишда маржеъларига эргашади.

Масалан: **الرَّجُلُ هُوَ الْعَاقِلُ، الرَّجُلَانِ هُمَا الْعَاقِلَانِ، الرَّجَالُ هُمُ الْعُقَلَاءُ**

الْمَرْأَةُ هِيَ الْعَاقِلَةُ، الْمَرْأَتَانِ هُمَا الْعَاقِلَتَانِ، النِّسَاءُ هُنَّ الْعَاقِلَاتُ.

Қоида: Агар замирнинг маржеъи одам боласидан бошқа нарсаларнинг жамъ сийғасида бўлса, у ҳолда замир муфрад-муаннас сийғасида бўлади. Чунки одам боласидан бошқа нарсаларнинг жамъ сийғалари муфрад-муаннас ҳукмида саналади.

Масалан:

الْكُتُبُ هِيَ الْمُفِيدَةُ، الْمَسَاجِدُ هِيَ الشَّرِيفَةُ، الْعِبَادَاتُ هِيَ الْوَاجِبَةُ.

11-§

اسم الإشارة

Кўрсатиш олмошлар

Бир нарсани ишора билан кўрсатиш учун зикр қилинган калимага «**исми ишора**», дейилади. Масалан:

Бу - **ذَا** - **ذِي** = **هَآ** - **أولاء** -

Ана у- **ذَآك** - **تِلْكَ** - **أولَائِكَ** -

Музаккар ва муаннас бўлган ишора исмлар қуйидагилардир:

	مذكر	مؤنث
Бирлик	ذَا	تَا
Иккилик	ذَان=ذَيْن	تَان=تَيْن
Кўплик	أولاء	أولاء

Муаннас учун гоҳида **ذِي، تِي، ذِي، تِي** лар ишлатилади.

Кўпинча мухотабга эслатиш учун исми ишораларнинг аввалларига «танбеҳ ҳоси», деб номланган бир «هَاء» қўшилади:

هَذَا	هَذِهِ = هَاتَا
هَذَانِ = هَذَيْنِ	هَاتَانِ = هَاتَيْنِ
هَؤُلَاءِ	هَؤُلَاءِ

Баъзи вақтда асмой ишораларнинг охирларига «кофи хитоб», деб номланган бир (كَ) боғланади:

تَاكَ	ذَاكَ
تَانِكَ = تَيْنِكَ	ذَانِكَ = ذَيْنِكَ
أَوْلَاكَ = أَوْلَاكَ	أَوْلَاكَ = أَوْلَاكَ

Асмой ишоранинг тасниядан бошқа, яъни муфрад ва жамъ сийғаларига гоҳида кофи хитобдан олдин «ломи баъда», деб номланган бир (لِ) қўшилади:

تَالِكَ (تَلِكَ)	ذَلِكَ
أَوْلَاكَ = أَوْلَاكَ	أَوْلَاكَ = أَوْلَاكَ

Кофи хитоб гоҳида сўзнинг мухотабига эргашиб, тасния ва жамъ сийғаларида ҳам истеъмол қилинади. Масалан:

ذَلِكَ خَيْرٌ، ذَلِكَ خَيْرٌ، ذَلِكَ خَيْرٌ، ذَلِكَ خَيْرٌ кабики, ҳар уччаласида ҳам «бу яхши» деганидир. Лекин аввалгисида, сенга яхшидир, иккинчисида, сиз иккинчигизга яхшидир ва учинчисида, сизларга яхшидир, деган мазмунларга ишора қилинган.

Қуръони каримда «Бақара» сурасининг 54-оятида: (ذَلِكَ خَيْرٌ لَّكُمْ) кўринишида келган.

Ушбу ишора исмлар кофи хитоб ва лому баъдасиз ишлатилсалар, яқин ишора учун бўлади: ذَا، أَوْلَاءُ кабики, ана шу ҳамда ана шулар маъносидадир. Агар кофи хитоб билан бирга

ишлатилсалар, узоқ ишора учун бўлади: **أُولَئِكَ** кабики, ана у, ана улар маъносидадир. Агар ломи баъда ва кофи хитобнинг иккиси билан ишлатилсалар, узоқроқ ишора учун бўлади: **أُولَئِكَ**, **ذَلِكَ** каби.

Эслатма: Луғат китобларида **ذَلِكَ** ни яқин ишора учун ҳам истеъмол қилинади.

12-§

إِسْمٌ مُّوصُولَةٌ

Нисбий олмошлар

Шу кишики, шу нарсаки, қайси нарсаки маъноларида бўлган калимага «**исми мавсула**», дейилади. Мавсула исмларининг ҳаммаси 8 та калима.

الَّذِي، الَّتِي، مَنْ، مَا، أَيُّ، أَيُّهُ، ذَا، ذُو

الَّذِي – (-ган), шундай кишики ёки шундай нарсаки маъноларида бўлиб, музаккар учун ишлатилади.

الَّذِي	مفرد
الَّذَانِ = الَّذِينَ	تثنية
الَّذِينَ = اللّٰهُونَ = اللّٰئِيْنَ = الأوٰلي	جمع

Масалан:

الَّذِي خَرَجَ هُوَ عَامٌّ، الَّذَانِ خَرَجَا هُمَا عَالِمَانِ، الَّذِينَ خَرَجُوا هُمْ عُلَمَاءُ

الَّتِي ҳам маъносида бўлиб, муаннас учун ишлатилади.

الَّتِي	مفرد
الَّتَانِ = اللَّتَيْنِ	تثنية
اللّٰئِي = اللّٰوَاتِي = اللّٰئِي = اللّٰئِي	جمع

Масалан:

الَّتِي ذَهَبَتْ هِيَ عَالِمَةٌ، اللَّتَانِ ذَهَبَتَا هُمَا عَالِمَتَانِ، اللَّائِي ذَهَبْنَ هُنَّ عَالِمَاتٌ.

3. مَنْ (-ган) маъносида бўлиб, муфрад учун ҳам, жамъ учун ҳам, музаккар учун ҳам, муаннас учун ҳам ишлатилаверади.

Масалан:

مَنْ قَرَأَ هُوَ عَالِمٌ، مَنْ قَرَأُوا هُمْ عُلَمَاءٌ، مَنْ قَرَأَتْ هِيَ عَالِمَةٌ، مَنْ قَرَأْنَ هُنَّ عَالِمَاتٌ.

Ушбу مَنْ одам боласига ва ақл эгаларига хослангандир. Аллох таоло, фаришталар, жинлар ва инсонлар учун ишлатилади. Бошқа зотлар учун ишлатилмайди.

4. مَا – шу нарсаки маъносида бўлиб, музаккар бирлигида ишлатилади. Тасния ва жамъда эса йўқдир. Масалан: مَا رَأَيْتُهُ شَيْءٌ عَجِيبٌ

Ушбу مَا одам боласидан бошқа нарсаларга, яъни ақл эгаларидан бошқаларга хослангандир, одам боласи учун эса ишлатилмайди.

5. أَيٌّ – ҳар қайси, ҳар ким ва (-ган) маъноларида бўлиб, музаккар birlik учун ишлатилади. Масалан:

أَيُّهُمْ يَعْلَمُ فَهُوَ حَسَنٌ، أَيُّ الرِّجَالِ يَكْتَسِبُ فَهُوَ مَحْبُوبٌ

6. أَيٌّ = آيَةٌ

أَيُّهُنَّ لَا تَتَعَلَّمُ فِيهَا جَاهِلَةٌ، آيَةُ الْبَنَاتِ بَجَهْدٍ فِيهَا حَسَنَةٌ.

7. ذَا ҳам الَّذِي маъносида бўлиб, доимо истифҳомия مَا сидан сўнг ишлатилади. Масалан:

مَا الَّذِي تَفْعَلُ؟ аслида, кабики, مَاذَا تَفْعَلُ؟

8. ذُو ҳам الَّذِي ва الَّتِي маъносида бўлиб, Тойй қабиласи тилида ишлатилади. Масалан: ذُو رَأَيْتُ الَّذِي خَرَجَ кабики, аслида رَأَيْتُ الَّذِي خَرَجَ

кабики, аслида رَأَيْتُ الَّتِي خَرَجَتْ

قواعد

Қоидалар

Қоида: Исми мавсуладан ирода қилинган зотни танитиш ва баён қилиш учун ҳар доим исми мавсуладан кейин бир жумла зикр қилинади. Масалан:

الَّذِي خَرَجَ الْآنَ رَجُلٌ عَالِمٌ жумласидаги خَرَجَ الْآنَ жумласи каби. Ушбу қоида юқорида санаб ўтилган исми мавсулаларни ҳар бирининг мисолларида риоя қилинади. Исми мавсула маъносини танитиш ва баён қилиш учун зикр қилинган ушбу жумла «**силаи мавсула**», ёки «**жумлаи мавсулийя**», деб номланади.

Қоида: Жумлаи мавсулийядан исми мавсулага қайтувчи бўлган бир замир бўлмоғи лозим. Масалан:

هُوَ الَّذِي خَرَجَ الْآنَ رَجُلٌ عَالِمٌ жумласидаги خَرَجَ феълининг остида бўлган замири кабики, у الَّذِي га қайтувчидир.

Яна الَّذِي ضَرَبْتُهُ رَجُلٌ جَاهِلٌ жумласидаги ضَرَبْتُهُ нинг охиридаги اُ замири кабики, у ҳам الَّذِي га қайтувчидир.

Баъзи жумлаи мавсулийяларнинг замирлари ҳазф қилинган, яъни туширилган бўлади. Масалан:

الَّذِي ضَرَبْتُهُ رَجُلٌ جَاهِلٌ жумласида бўлгани кабики, аслида الَّذِي ضَرَبْتُهُ رَجُلٌ جَاهِلٌ бўлган.

مَنْ، مَا، أَيُّ، أَيُّهُ، دَا، أَيُّهُ، أَيُّ، أَيُّ، أَيُّ، أَيُّ، أَيُّ، أَيُّ калималари ҳар доим ҳам исми мавсула бўлавермайди. Баъзи вақтларда, баъзи ҳолларда бошқа маъноларда ишлатилади. Жумлага қараб қайси маънода ишлатилиши китобнинг охиридаги «**كلمات شتى**» қисмида баён қилингандир.

13-§

باب أفعال

Феъллар боби

Бир ишнинг бир замонда қилинганлиги ёки қилинишлигини баён қилувчи калимага «**феъл**», дейилади. Замон уч хил бўлади:

1. Мозий–ўтган замон: 2. Ҳол–ҳозирги замон: 3. Мустақбал–келаси замон.

1. فَتَحَ – очди: مَا فَتَحَ – очмади.
2. يَفْتَحُ – очаяпти: مَا يَفْتَحُ – очмаяпти.
3. يَفْتَحُ – очади: لَا يَفْتَحُ – очмайди.

Ҳар бир масдардан олти хил феъл иштиқоқ қилинишидан хабарингиз бор: 1. Мозий: 2. Мозийнинг инкори (жаҳд): 3. Музореъ: 4. Музореънинг инкори (наҳий): 5. Амр: 6. Амрнинг инкори (наҳий). Ушбу феълларнинг ҳар бирининг маъноларида уч замоннинг бири ифода этилади. Мозий ва мозийнинг инкори феълларидан ҳар доим ўтган замонда бир ишни қилинганлиги ва қилинмаганлиги ифода этилади. Масалан: مَا فَتَحَ, فَتَحَ каби. Лекин дуо учун бўлса, жумлалардаги ўтган замон сийғасидан амр ғоиб маъноси, ўтган замон инкори сийғасидан наҳий ғоиб маъноси ифода этилади. Масалан: لِيَعْفِرَهُ اللهُ кабики, لَا يَرْزُقُهُ اللهُ

кабики, لَا يَرْزُقُهُ اللهُ демакдир.

Бунга яна صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ва رَضِيَ اللهُ عَنْهُ, رَحِمَهُ اللهُ ва سَلَّمَ اللهُ жумлалари ҳам мисол бўлади.

Музореъ феъли ҳозирги замон билан келаси замонни ифодалайди. Шунга биноан, музореъ феълидан бир ишни ҳозирги замонда қилинаётганлиги ёки келаси замонда қилиниши тушунилади. Масалан: يَفْتَحُ феъли баъзан очяпти маъносида, баъзан очади маъносида бўлади. Маъноси, ҳозирги замон учунми ёки келаси замон учунми, буни жумлага қараб билинади.

Музореъ феъли баъзи вақтларда ҳамма замонлар учун умумий бўлади, яъни ўтган, ҳозирги ва келаси замонларда бир ишни қилиниб туришини англатмоқ учун ишлатилади. Масалан: يَتَّجِرُ кабики, тижорат қилмоқда маъносидадир. Яна يُدْرَسُ кабики, дарс бериш билан шуғулланмоқда, маъносидадир.

Музореъ феълнинг инкори икки хил бўлади: 1. Ҳозирги замон инкори 2. Келаси замон инкори. Ҳозирги замонда бир ишни қилинмай турганлигига далолат қилган музореъ инкорига «**ҳозирги**

замон инкори», дейилади. Масалан: مَا يَفْتَحُ каби. Келаси замонда бир ишни қилинмаслигига далолат қилган музореъ инкорига **«келаси замон инкори»,** дейилади. Масалан: لَا يَفْتَحُ каби. Яна لَنْ يَفْتَحُ ҳам музореъ инкорига яқин маънодадир. Ҳозирги замон инкорининг аввалида доимо нофия مَا си, келаси замон инкорининг аввалида доимо нофия لَا си ёки нофия لَنْ и бўлади. Ўзида нофия لَنْ бўлган келаси замон инкорининг маъносида таъкид ифодаси бўлгани учун **«келаси замон инкорининг таъкиди»,** номи билан номланади. Музореъ феълининг аввалига مٌمٌ, لَمَّا, ҳарфлари кириши билан феъл маъноси буткул ўзгаради. Музореъ феълининг ҳозирги ёки келаси замондаги мавжуд бўлган маъноси ушбу икки ҳарф кириши биланок ўтган замон инкорига айланади. Яъни ҳозирги ёки келаси замонда бир ишни қилинишига далолат этиб турган феълнинг аввалига مٌمٌ, لَمَّا кириши биланок ўтган замонда бир ишни қилинмаганлигига далолат этади. Масалан: مٌمٌ يَفْتَحُ – очмади: لَمَّا يَفْتَحُ – ҳеч очмади.

Амр ва наҳий сийғалари келаси замон учун хосдир. Булар одатда яқин келаси замон учун ишлатилади. Масалан: يَفْتَحُ ва يَفْتَحُ кабики, оч ва очсин маъноларида. Ва яна لَا يَفْتَحُ ва لَا تَفْتَحُ кабики, очмасин ва очмагин маъноларида.

Наҳв илми уламолари наздида феъл икки қисмга бўлинади: 1. мозий феъли ва 2. музореъ феъли. Уларнинг эътиборларида ўтган замоннинг инкори ўтган замон феъли ҳукмидадир. Музореънинг инкори, амр ва амрнинг инкори сийғаларининг ҳар бири музореъ феъли ҳукмидадир.

Амр сийғаси ҳам аслида музореъдан ҳосил бўлгандир. Масалан: يَفْتَحُ аслида يَفْتَحُ дир. Сўзлашувдаги истеъмоли жуда енгил айтилиши учун ҳар бир амри ҳозир сийғасидан амр музораъат ҳарфи бўлган (لِت) лар ҳазф қилингандир. Музораъат ҳарфидан кейинги ҳарф сукунли бўлган амрларда сукунли бошланиш узр

бўлганлигидан касрали ҳамза, ёки заммали ҳамза билан бошланади. Масалан: أَنْصُرُ، إِضْرِبْ، افْتَحْ кабилар.

Музораъат ҳарфидан кейинги ҳарф ҳаракатли бўлган амр ҳозирлар, ломи билан музораъат ҳарфи ҳазф қилинганидан кейин ҳам ҳамзасиз бошланиши мумкин бўлгани учун ҳамзасиз ишлатилади. Масалан: تَبَاعَدْ، جَالِسْ، تَعَلَّمْ، عَلِمَ кабилар.

Лекин أَفْعَلْ бобида бўлган амр ҳозир сийғаларидаги музораъат ҳарфидан кейинги ҳарф хоҳ ҳаракатли бўлсин, хоҳ ҳаракатсиз (суқунли) бўлсин, ҳар бирида фатҳали ҳамза билан бошлашлик умумий қоидадир. Масалан: أَكْرِمْ، أَقِمْ кабилар.

14-§

فَاعِلٌ و مَفْعُولٌ

Бажарувчи ва бажарилмиш

Бир ишни қилувчига «**фоъил**», дейилади. Жумла ва каломда ҳар бир феълнинг бир фоъили зикр қилиниши лозим. Ҳеч қачон фоъилсиз феъл бўлмайди. Ғоиб сийғаси бўлган феълларнинг фоъиллари феълдан олдин ёки феълдан кейин зикр қилинган бўлади. Масалан: ذَهَبَ زَيْدٌ каби.

Мухотаб ва мутакаллим сийғаларининг фоъиллари феъллари остида келган сийғалар ҳисобланади. Масалан:

ذَهَبْنَا	ذَهَبْتُ	ذَهَبْتُمْ	ذَهَبْتُمْ	ذَهَبْتِ	ذَهَبْتُمْ	ذَهَبْتُمْ	ذَهَبْتِ
نَحْنُ	أَنَا	أَنْتُمْ	أَنْتُمْ	أَنْتِ	أَنْتُمْ	أَنْتُمْ	أَنْتِ

Иш унинг устида бажарилган зотга «**мафъул**», дейилади. Баъзи феълларнинг фоъили ҳам, мафъули ҳам бўлади.

فَتَحَ زَيْدٌ بَابًا، جَمَعَ بَكْرٌ مَالًا، مَدَحَ مُحَمَّدٌ خَالِدًا кабилар.

Баъзи феълларнинг эса фоъили бўлиб, мафъули ҳеч ҳам бўлмайди. Масалан:

حَسَنَ خَالِدًا، قَدِمَ بَكْرًا، جَلَسَ زَيْدًا кабилар.

لازم و مُتَعَدِّي

Ўтимсиз ва ўтимли феъл

Фақат фоъили бўлиб, мафъули умуман бўлмаган феълларга «лозим» (ўтимсиз) феъллар, дейилади. Масалан:

Зайд ўтирди – جَلَسَ زَيْدًا

Фоъили ҳам мафъули ҳам бўлган феълларга «мутаъаддий» (ўтимли) феъллар, дейилади. Масалан:

Зайд эшикни очди – فَتَحَ زَيْدًا بَابًا

Баъзи феълларнинг фақат битта мафъули бўлади. Масалан: Зайдни мақтадим – مَدَحْتُ زَيْدًا каби.

Баъзи феълларнинг эса иккита мафъули бўлади. Масалан: Зайдга пулни бердим – أَعْطَيْتُ زَيْدًا مِمَّنَّا

أسباب تعدية

Ўтимли бўлиш сабаблари

Агар лозим бўлган феълларнинг мутаъаддийга айлантириш хоҳланса, бу феълларни **إِفْعَالٌ** ёки **تَفْعِيلٌ** бобига келтирилади ёки ўша феълларни ўз бобида қолдириб, уларнинг мафъулларини жар ҳарфи бўлган (ب) билан келтирилади. Масалан:

أَذْهَبْتُ زَيْدًا – лозим: ذَهَبْتُ – мутаъаддий:

فَرَحْتُ زَيْدًا – лозим: فَرِحْتُ – мутаъаддий:

خَرَجْتُ بِزَيْدٍ – лозим: خَرَجْتُ – мутаъаддий.

Фақат бир мафъули бўлган мутаъаддий феъллар **إِفْعَالٌ** ёки **تَفْعِيلٌ** бобида келтирилса, икки мафъулли бўлади. Масалан:

عَلِمْتُ الْوَاقِعَةَ – أَعْلَمْتُ الْوَاقِعَةَ زَيْدًا

عَلِمْتُ الْمَسْئَلَةَ - عَلِمْتُ الْمَسْئَلَةَ زَيْدًا

قواعد فعل وفاعل

Феъл ва фoъил қоидаси

Қоида: Феъллар музаккар ёки муаннас бўлишда доимо фoъилларига эргашадилар. Масалан:

الرَّجُلُ كَتَبَ، الْمَرْأَةُ كَتَبَتْ

Қоида: Феъллар бирлик, тасния ва жам бўлишда ҳам фoъилларига эргашади. Масалан:

الرَّجُلُ كَتَبَ، الرَّجُلَانِ كَتَبَا، الرَّجَالُ كَتَبُوا

الْمَرْأَةُ كَتَبَتْ، الْمَرْأَتَانِ كَتَبَتَا، النِّسَاءُ كَتَبْنَ

Қоида: Агар жумладаги фoъил одам боласидан бошқа нарсаларнинг жамъ сийғаси бўлса, феъл доимо «муфрад муаннас», сийғасида бўлади. Масалан:

الْكُتُبُ نَفَعَتْ، الْأَيَّامُ طَالَتْ، الطُّيُورُ طَارَتْ

Қоида: Агар феъл фoъилдан олдин зикр қилинса доимо феъл бирлик сийғасида бўлади. Масалан:

كَتَبَ الرَّجُلَانِ، كَتَبَ الرَّجَالُ، دَخَلَ الْمُسْلِمُونَ.

كَتَبَتِ الْمَرْأَتَانِ، كَتَبَتِ النِّسَاءُ، دَخَلَتِ الْمُسْلِمَاتُ.

Эслатма: Феълларнинг сарф илмида баён қилинган қисмлари ва ҳолатлари эсингизда бўлса керак. Уларни бу китобда баён этишга ҳожат йўқ.

15- §

أنواع أفعال

Феълларнинг турлари

أفعال المدح والذمّ

Мақтов ва таҳқир феъллари

مدح (мақтов) феъли иккита: 1. نِعَمَ ва 2. حَبَّدا Иккови «қандай ҳам гўзал» ҳамда «қандай ҳам яхши», маъносидадир.

حَبَّда мураккаб калимадир: حَبَّ + دَا = حَبَّدا Бу калима яхшилаш ва мақташ учун ишлатилади. Бу доим бир хил суратда бўлади. Таркиб, яъни нахвий таҳлил этилаётганда حَبَّ – мозий феъли, دَا – исми ишора бўлиб, حَبَّ нинг фоъилидир. Жумлаи хабар муқаддам бўлиб, исм ёки ундан кейин келадиган замир эса муқтадои муаххар бўлади. Масалан:

نِعَمَ الرَّجُلُ زَيْدٌ، نِعَمَتِ الْمَرْأَةِ هِنْدٌ، حَبَّدا الرَّجُلُ زَيْدٌ

ذم (ёмонлаш) феъли ҳам иккита: بَيْسَ ва سَاءَ. Иккови «қандай ҳам ёмон», маъносидадир. Масалан:

بَيْسَ الرَّجُلُ بَكْرٌ، بَيْسَتِ الْمَرْأَةُ هِنْدٌ، سَاءَ الرَّجُلُ بَكْرٌ، سَاءَتِ الْمَرْأَةُ هِنْدٌ

افعال تعجب

Таажжубни ифодаловчи феъллар

Араб тилида бир феълни таажжуб билан ифодалаш ирода этилса, бу феълни ушбу икки вазнга солиш орқали ифода этилади: 1. مَا أَفْعَلُ فُلَانًا 2. أَفْعَلُ بِفُلَانٍ. Масалан: مَا أَحْسَنَ زَيْدًا кабики, уни кўриниб турган (зоҳирий) маъноси «Зайдни нима чиройли қилди?»дир. Аммо ирода қилинган маъноси «Зайд ажиб гўзалдир» ёки «Зайд бунча гўзал бўлмаса» ёки «Зайд нақадар чиройли-а», кўринишидадир.

Яна أَحْسَنُ بِزَيْدٍ кабики, зоҳирий маъноси «Зайдни чиройли қил»дир. Аммо ирода қилинган маъноси «Зайд ажиб гўзалдир», кўринишидадир.

Эслатма: ушбу икки сийғанинг биринчиси اِفْعَالٌ бобининг мозий сийғасида, иккинчиси эса اِفْعَالٌ бобининг амр ҳозир сийғасидир.

Ушбу таажжуб сийғалари ҳеч қачон сарфланмайди. Улар доимо муфрад сийғада бўлган ҳолларида ишлатилади. Масалан:

مَا أَجْهَلَ زَيْدًا = أَجْهَلَ بِزَيْدٍ، مَا أَعْلَمَ زَيْدًا = أَعْلَمَ بِزَيْدٍ

مَا أَسْمَعَ زَيْدًا = أَسْمَعَ بِزَيْدٍ، مَا أَصْبَرَ زَيْدًا = أَصْبَرَ بِزَيْدٍ

مَا أَعْجَلَ زَيْدًا = أَعْجَلَ بِزَيْدٍ = مَا أَصْبَرَ زَيْدًا = أَصْبَرَ بِزَيْدٍ

أفعال مقاربة

Яқинлаштирувчи феъллар

Қуйидаги جَعَلَ، أَقْبَلَ، طَفِقَ، أَخَذَ، قَارَبَ، أَوْشَكَ، كَادَ، عَسَى ларни «яқинлаштирувчи феъллар», деб номланади.

عَسَى زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ – Зайд чиқаёзди

كَادَ زَيْدٌ يَضْرِبُ – Зайд ураёзди

أَوْشَكَ أَنْ يَذْهَبَ – Зайд кетаёзди

قَارَبَ زَيْدٌ أَنْ يَغْضِبَ – Зайд ғазабланаёзди

أَخَذَ زَيْدٌ يَأْكُلُ – Зайд ея бошлади

طَفِقَ زَيْدٌ يَشْرِبُ – Зайд ича бошлади

أَقْبَلَ زَيْدٌ يَكْتُبُ – Зайд ёза бошлади

جَعَلَ زَيْدٌ يَقْرَأُ – Зайд ўқий бошлади

16-§

أفعال حُكْمِيَّة (أَسْمَاءُ أفعال)

Ҳукмий феъллар

Араб тилида ташқи кўриниши феъл сийғаларига ўхшамасада, аммо феъл ҳукмида ишлатиладиган калималар бордир. Буларга «ҳукмий феъллар», дейилади. Феъл ҳукмида бўлган калималарнинг машҳурлари 25 та:

бўл, келтир – هَاتِ = هَاتِي

узок бўлди; йўқ, йўқ – هَيْهَاتَ

هَاءُ – ҲА	ажралди; қандай фарқли – شَتَّانَ
هَبْ – ҲАБ	яқин; жуда яқин; ҳозироқ – سَرَعَانَ
دَخَيْلِكَ – ҲАЙЛИК	тўйдим (жонга тегди) – أَفِيَّ
بَلَّةٌ – ҲАЛЛА	етди; бас етар – بَسْنَ
أَمِينٌ – АМИН	ЧАША = حَاشَا – дан бошқа
لَوْلَا – ҲАЛА	муҳлат бер – رُوَيْدًا
عَلَيَّ – АЛИЙ	бери кел – تَعَالَ
عَلَيْكَ – АЛИЙК	сақлан – إِيَّاكَ
إِلَيْكَ – АЛИЙК	йўқ, йўқ! – كَلَّا
دُونَكَ – ДУНКА	келтир – حَيْهَلْ
فَعَالٍ – ФААЛ	кел, шош – حَيَّ
	бери кел, тезлат – هَلُمَّ

Мисоллари

هَيْهَاتَ الْوُصُولُ، شَتَّانَ الْأَمْرَانِ، سَرَعَانَ الْفَرَسِ، أَفِيَّ لَكُمْ، مَائَةٌ أَلْفٌ دِينَارٍ بَسْنَ، حَاشَا أَنْ أَخُونِ، رُوَيْدًا زَيْدًا، تَعَالَ هُنَا، إِيَّاكَ مِنَ الْغَيْبَةِ، كَلَّا لَا تَظْلِمَ أَحَدًا، حَيْهَلِ الطَّعَامِ، حَيَّ عَلَى الصَّلَاةِ، هَلُمَّ شَاهِدَكَ، هَاتِ دَلِيلَكَ، هَاءُ إِفْرَا الْكِتَابِ، هَبْ أَنْتَ عَنِّي، دَخَيْلِكَ عَلَّمَنِي، بَلَّةُ الْجَدَلِ، آمِينَ يَا مُعِينُ، عَلَيَّ زَيْدًا، عَلَيْكَ بِالْعِبَادَاتِ، إِلَيْكَ عَنِّي، دُونَكَ زَيْدًا، تَرَكَ الدُّنُوبَ.

Эслатма: فَعَالٌ вазнида бўлган ҳукмий феълларнинг ҳар бири амри ҳозир маъносида бўлади. Масалан: أَنْزَلَ = نَزَلَ، دَخَلَ = أَذْخَلَ.

17-§

باب أدوات

Ҳарфлар боби

Ҳарфлар (адотлар) – бошқа бир калимага қўшилмагунча ўзидан тўлиқ маъно англата олмайдиган калималардир. Масалан: يَزِيدُ

жумласидаги (ب) ҳарфи кабики, у «билан» маъносидадир. Араб тилида юзга яқин турли хил ҳарфлар бордир.

حُرُوف جارة

Касра ўқитувчи ҳарфлар

«Жар қилувчи ҳарфлар» (касра ўқитувчи) номи билан номланган ҳарфлар 16 та:

билан	–	ب
учун	–	ل
каби	–	ك
-да (ичида)	–	في
-дан	–	من
ҳақида	–	عن
-га	–	إلى
устида, устига	–	علي
хатто, -гача	–	حتى
-дан бери	–	منذ
-дан бери	–	منذ
-дан бошқа	–	حاشا
-дан бошқа	–	خلا
-дан бошқа	–	عدا
билан (қасамлар учун)	–	واو
билан (қасамлар учун)	–	تاء

Ушбу ҳарфлар ҳар доим бир исмнинг аввалига қўшилиши биланок ўша исми мажрур, яъни охирини касрали қилади. Шунинг учун бу ҳарфлар «касра ўқитувчи ҳарфлар», номи билан аталади. Жар ҳарфларидан кейин келган калима «зул жор», деб номланади.

Мисоллар

بَرَيْدٍ، لَزَيْدٍ، كَزَيْدٍ، فِي الْمَسْجِدِ، مِنَ الْبَلَدَةِ، عَنِ الْبَيْتِ، إِلَى الْقَرْيَةِ، عَلَيَّ الْبَيْتِ، حَتَّى الرَّأْسِ، مُذْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ،
مُنْذُ يَوْمِ الْجُمُعَةِ، حَاشَا زَيْدٍ، خَلَا زَيْدٍ، عَدَا زَيْدٍ، وَاللَّهِ، تَاللَّهِ.

مُلْحَقَاتُ حُرُوفِ جَارَةٍ

Жар ҳарфларига илова қилинганлари

Қуйидаги калималар мутааххир уламолар ҳузурида жар ҳарфлари ҳукмида эътибор қилинади.

مَعَ – бирга

سَوِي = دُونَ = بَدُونَ = بِلَا = بَعَيْرٍ – дан бошқа

لَدَى = لَدُنْ – қаршисида

مِنْ لَدُنْ – тарафидан

Мисоллари

مَعَ زَيْدٍ، سَوِي زَيْدٍ، دُونَ زَيْدٍ، بَدُونَ زَيْدٍ، بِلَا أَدَبٍ، بَعَيْرِ أَدَبٍ، لَدَى زَيْدٍ، لَدُنْ زَيْدٍ، مِنْ لَدُنْ زَيْدٍ.

Эслатма: Баъзан, одатда ва кўпинча маъноларида бўлган رَبُّ калимаси жар ҳарфи эмас, балки мабний исмдир. Масалан:

رَبُّ صَدِيقٍ خَيْرٌ مِنْ شَقِيقٍ каби.

18-§

حُرُوفُ عَطْفٍ

Атф ҳарфлари

Бир калимани бошқа калима ҳукмига тобеъ қилиш учун ишлатиладиган ҳарфларга «атф» (боғловчи ҳарфлар), дейилади. Боғловчи ҳарфларнинг ҳарфларнинг машҳурлари 12 та:

و، فَا، ثُمَّ، حَتَّى، أَوْ، أَمْ، لَا، وَلَا، وَإِمَّا، بَلْ، لَكِنَّ، أَيْ

Мисоллари

جَائِي زَيْدٌ وَبَكْرٌ – Менинг олдимга Зайд ва Бакр келди.

جَائِي زَيْدٌ فَبَكْرٌ – Менинг олдимга Зайд сўнгра Бакр келди.

جَائِي زَيْدٌ ثُمَّ بَكْرٌ – Менинг олдимга Зайд, ундан кейин Бакр келди.

مَاتَ النَّاسُ حَتَّى الْأَنْبِيَاءِ – Одамларнинг ҳаммаси ҳатто пайғамбарлар ҳам ўлди.

هُوَ عَالِمٌ أَوْ جَاهِلٌ – У олимлар ёки нодон.

أَزَيْدٌ بَكْرٌ هُوَ – У Зайдми ёки Бакрми?

جَائِي زَيْدٌ لَا بَكْرٌ – Менинг олдимга Зайд келди, Бакр эмас

لَمْ يَجِيْ زَيْدٌ وَلَا بَكْرٌ – Менинг олдимга Зайд ҳам Бакр ҳам келмади.

الْإِنْسَانُ صَالِحٌ وَإِمَّا طَالِحٌ – Инсон солиҳ ёки фосиқдир.

لَمْ يَجِيْ زَيْدٌ بَلْ بَكْرٌ – Зайд келмади, балки Бакр келди.

لَمْ يَجِيْ زَيْدٌ لَكِنَّ بَكْرٌ – Зайд келмади лекин Бакр келди.

جَائِي الْمُعَلِّمُ أَيْ مُحَمَّدٌ – Менинг олдимга ўқитувчи, яъни Маҳмуд келди.

Баъзи жумлаларда **أَيْ** туширилади. Масалан: **جَائِي حَبِيْبُكَ... زَيْدٌ** жумласида бўлгани каби. Аслида **جَائِي حَبِيْبُكَ أَيْ زَيْدٌ** (عطف بيان)

Яна **رَأَيْتُ زَيْدًا... رَأْسَهُ** жумласида бўлгани каби. Аслида

رَأَيْتُ زَيْدًا أَيْ رَأْسَهُ.

19-§

حروف مشبهة بالفعل

Феълга ўхшаш ҳарфлар

«Феълга ўхшаш ҳарфлар», деб номланган ҳарфлар 7 та:

إِنَّ، أَنْ، كَأَنَّ، لَكِنَّ، لَيْتَ، لَعَلَّ، لَا، (جِنْسِيَّة)

إِنَّ زَيْدًا عَالِمٌ، سَمِعْتُ أَنَّ زَيْدًا عَالِمٌ، كَأَنَّ زَيْدًا فَقِيرٌ، لَيْتَ زَيْدًا غَنِيٌّ، لَعَلَّ زَيْدًا سَخِيٌّ، لَا خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ مَوْجُودٌ.

Эслатма: لَكِنْ икки хил ишлатилади:

1. Агар охирги ҳарф бўлган нун сукунлик (نْ) бўлса, «атф» ҳарфи бўлади.

2. Агар охирги ҳарф бўлган нун ташдидли (نَّ) бўлса «феълга ўхшаш ҳарф» ҳисобланади.

20-§

حروف شتّي

حروف ندا

Нидо (чақирув) ҳарфлари

Чақириш ва нидо қилиш учун ишлатиладиган ҳарфларга «**нидо ҳарфлари**», дейилади. Нидо ҳарфлари 6 та:

يَا، أَيُّهَا، هَيَّا، أَيُّ، أ، وَ.

Буларнинг ҳар бири «эй» маъносида истемол қилинади. وَ — кўпинча хафаликни изҳор этиш учун ишлатилади.

يَا عَبْدَ اللَّهِ، أَيُّهَا عَبْدَ الرَّحْمَنِ، هَيَّا عَبْدَ الرَّحِيمِ، أَيُّ عَبْدَ الْحَمِيدِ، أَعْبَدَ الْعَفُورَ، وَ وَبِلَا وَ حَسْرَتًا.

حروف استفهام

Сўроқ ҳарфлари

Савол ва истифҳом учун ишлатиладиган ҳарфлар иккита:

هَلْ ва أ

أَزَيْدٌ كَاتِبٌ ؟ كَتَبَ زَيْدٌ ؟ هَلْ زَيْدٌ كَاتِبٌ ؟ هَلْ كَتَبَ زَيْدٌ ؟

حروف جواب

Жавоб ҳарфлари

Бирор савол ва истифҳом учун жавоб тарзида ишлатиладиган ҳарфлар 4 та: 1. نَعَمْ-ҳа: 2. لَا-йўқ: 3. بَلَى -йўқ эмас, бор: 4. إِي-ҳа, албатта.

1 – نَعَمْ – Ҳа. **زَيْدٌ جَاءَ زَيْدٌ؟** – Ҳа.

2 – لَا – Йўқ. **زَيْدٌ جَاءَ زَيْدٌ؟** – Йўқ.

3 – بَلَى – Биламан. **لَا تَعْلَمُ؟** – Биламан.

4 – إِي وَاللَّهِ – Аллоҳга қасамки, кўрдим.

إِي وَاللَّهِ қисқартирилиб, أَيُو ҳам дейилади.

حروف ترغيب

Тарғиб ҳарфлари

Бир ишга тарғиб ва ташвиқ учун ишлатиладиган ҳарфлар 4 та:

1. لَوْمَا 2. أَلَا 3. هَلَّا 4. لَوْلَا

1. **أَلَا تَقْرَأُ الْقُرْآنَ؟** Ҳой, Қуръон ўқисанг–чи!

2. **هَلَّا تَحْصِلُ الْعُلُومَ؟** Ҳой, илмларни ўқисанг–чи!

3. **لَوْلَا تُعَلِّمُنِي؟** Ҳой, менга ўргатсанг–чи!

4. **لَوْمَا تَأْتِينَا؟** Ҳой, бизнинг олдимизга келсанг–чи!

حروف نفي

(Инкор ҳарфлари)

Нафий учун, яъни инкор маъносини ифодалаш учун ишлатиладиган ҳарфлар 6 та: **إِنْ، لَنْ، لَا، مَا، لَمَّا، لَمْ**

لَمْ يَفْتَحْ، لَمَّا يَفْتَحْ، مَا يَفْتَحْ، لَا يَفْتَحْ، لَنْ يَفْتَحْ، إِنْ زَيْدٌ إِلَّا كَاذِبٌ.

حروف تنبيه

(Огоҳлантирувчи ҳарфлар)

Мухотаб сийғасини огоҳлантириш учун ушбу 4 та ҳарф ишлатилади: يَا ، هَا ، أَمَا ، أَلَا ،

أَلَا إِنَّكُمْ لَعَافِلُونَ، أَمَا إِنَّكُمْ لَجَاهِلُونَ، هَا أَنْتُمْ أَخْرَجُوا، يَا لَيْتَنِي كُنْتُ عَنِيًّا.

أصوات

(Овоз ва товушлар)

Араб тилида исм, феъл ва ҳарфдан ташқари яна ҳар хил калималар мавжудки, булар **товушлар (овозлар)** деб номланади.

Товушлар-мухотаб сийғасини танбеҳи учун, ажабланиш ва афсусланиш учун, хафалик учун, ҳайвонга бирор нарсани англатиш учун ва бирор нарсанинг овозини ҳикоя қилиб бериш учун талаффуз этиладиган овозлардир. Товушларнинг энг машҳурлари қуйидагилар:

- 1) Ажабланишнинг изҳори учун – وَئِى ва زُة :
- 2) Афсусланишнинг изҳори учун – وَاة ، أَوَة ، آة
- 3) Тез бўл– وَئِيهَا
- 4) Яна гапир– إِيهَى
- 5) Тўхта, гапирма– أَصَة ، إِيَة
- 6) Тўхта, бажарма– مَة
- 7) Тут, тут– هَا هَا
- 8) Кулгининг ифодаси учун– هَا هَا هَا
- 9) Йўталнинг ифодаси учун– أَحْ أَحْ
- 10) Ҳайвонни чақириш учун – بُسْ بُسْ
- 11) Ҳайвонни тўхтатиш учун – بُسْ بُسْ
- 12) Туяни чўктириш учун – نَحْ نَحْ، إِخْ إِخْ
- 13) От оёғининг овозини ифодаси учун – حَبَطِقَطِقْ
- 14) Қопқоқ овозининг ифодаси учун – حَلَنْبَلَقْ

21- §

مذكر ومؤنث

Музаккар ва муаннас

Исм икки қисмдан иборат: 1. Музаккар. 2. Муаннас.

Охирида муаннаслик аломати бўлмаган исмга музаккар исм дейилади. Масалан: رَجُلٌ، جَمَلٌ، عَامٌ، أَصْغَرٌ، أَحْمَقٌ

Таънис аломати уч хил бўлади:

1. тои мудаввара – ة = ة

2. алифи мақсура – ى

3. алифи мамдуда – آء

Охирида ушбу таънис аломатларидан бири бўлган исмга «муаннас исм», дейилади. Масалан:

كَبِيْرٌ، صُغْرَى، حَمَقًا، نَاقَةٌ، عَالِمَةٌ، صُغْرَى، حَمَقًا

Музаккар исмларнинг маънолари кўпинча музаккар бўлади. Баъзи музаккар исмларнинг маънолари ҳақиқий музаккар бўлмайди. Маъноси ҳам лафзи ҳам музаккар бўлган исмга «музаккари ҳақиқий», дейилади. Масалан: حَصَانٌ، خَادِمٌ، رَجُلٌ، جَمَلٌ

Маъноси музаккар бўлмай, фақат лафзи музаккар бўлган исмга «музаккари ҳукмий», дейилади. Масалан: نُورٌ، دَهَبٌ، كِتَابٌ

Муаннас исмларнинг ҳам баъзилари музаккар исмлар каби «муаннаси ҳақиқий»: خَادِمَةٌ، رَمَكَةٌ، نَاقَةٌ، عَالِمَةٌ ва баъзилари «муаннаси ҳукмий»: ظُلْمَةٌ، رُكْبَةٌ، فِضَّةٌ، صَحِيْفَةٌ

مذكر معنوي

Маънавий музаккар

Баъзи исмларнинг охирларида муаннасининг «то»и бўлса-да, маънолари ҳақиқий эркакка далолат қилганидан музаккар исм

ҳисобланадиган исмлар бор. Бундай исмларга «музаккари маънавий», дейилади. Масалан: حَمْرَةٌ، خَلِيفَةٌ، عَلَامَةٌ кабилар.

مؤنث معنوی

Муаннас маънавий

Баъзи исмларнинг охирларида муаннас «то»си бўлмаса-да, маънолари ҳақиқий аёлга далолат қилганидан муаннас исм ҳисобланадиган исмлар бор. Бундай исмларга «муаннаси маънавий», дейилади. Масалан: هِنْدٌ، زَيْنَبٌ، مَرْيَمٌ кабилар.

مؤنث سماعی

Эшитиб билинадиган муаннаслар

Араб тилида яна шундай исмлар ҳам борки, охирларида муаннаслик аломати ҳам йўқ ҳамда маънолари ҳам ҳақиқий аёлга далолат қилмайди. Шундай бўлса ҳам жумлада муаннас исмлар ҳукмида ҳисобланади. Бундай исмларга «муаннаси самоъий», дейилади. Муаннаси самоъий бўлган исмларнинг машҳурлари 30 та:

عَقْرَبٌ، عَنكَبُوتٌ، ثَعْلَبٌ، إِبِلٌ، أَرْضٌ، سَمَاءٌ، شَمْسٌ، نَارٌ، جَهَنَّمٌ، رِيحٌ، حَمْرٌ، عَصَا، بَيْتٌ، دَلْوٌ، كَأْسٌ، دَارٌ،
فُلْكَ، نَفْسٌ، عَيْنٌ، أُذُنٌ، يَدٌ، ذِرَاعٌ، إِصْبَعٌ، رِجْلٌ، فَحْدٌ، سَاقٌ، عَقَبٌ، نَعْلٌ، سَرَاوِيلٌ، شِمَالٌ.

جُرْجَانٌ، بُحَارَى، دِمَشْقُ، شَامٌ، مِصْرٌ، بَعْدَادٌ каби ер, шаҳар ва қишлоқларнинг номлари ҳам муаннас ҳукмида жорий бўлади. أَفْرَاسٌ ва كُتُبٌ каби одам боласидан бошқа нарсаларнинг жамъ сийғалари ҳам муаннас ҳукмида бўлади.

«Ан–Найм» лугат китобининг 956-бетида 41 та музаккар шакли муаннас сўзлар ҳамда 38 та иккала жинсда қўлланадиган исмлар рўйхати келтирилган.

22- §

علامات التأنيث

تاء التأنيث

Муаннаслик аломатлари Муаннаслик «те»си

Муаннаси исмларнинг бирлик сийғасидаги муаннас «те»си вақф (сукунлик) ҳолатида (ه=ه) га қалб қилинганлиги учун (ة=ة) суратида ёзилади. Масалан: قُدْرَةٌ، رَحْمَةٌ، عَالِمَةٌ، اِمْرَأَةٌ

Бу шаклда ёзилган «то»ларга «**тои мудаввара**», дейилади. Аммо муаннас исмларнинг кўплик сийғаларидаги ва яна мозий феълида бўлган муаннас «те»ларга вақф ҳолатида (ه) га қалб қилинмаганлиги учун (ت) суратида ёзилади. عَالِمَاتٌ، مُسَلِمَاتٌ، فَتَحَتْ

Бу шаклда ёзилган «те»га «**тои товийла**», дейилади. Калиманинг охиридаги ҳарф аслий (ت) бўлса, муаннас «те»си дейилмайди. Шунга биноан у ҳар доим узун шаклда ёзилади. Масалан: وَقْتُ، نَبَاتٌ، سُكُوتٌ، ثُبُوتٌ каби.

Баъзи исмларда муаннас «те»си бирликни ифода этади. Масалан: ضَرْبَةٌ، عِنْبَةٌ، تَمْرَةٌ кабики, бир марта урмоқ, битта узум ва битта хурмо маъносидадир. Аммо ضَرْبٌ، عِنْبٌ، تَمْرٌ дейиладиган бўлса, мутлақ уриш, узум ва хурмо маъноларида бўлиб, бирликда ҳам кўпликда ҳам ишлатилади.

ألف مقصورة

Қисқа алиф

Алифи мақсура калимада тўртинчи ҳарф учун ҳар доим ي суратида ёзилади. Масалан: قَتْوَى، لَيْلَى، حُبْلَى، عُلْمَى каби.

Фақатгина عَلِيَا каби сўзларда алифи мақсура (ي) суратида ёзилади. Баъзи музаккар исмларнинг ҳам охирларидаги (ي)лари

аслида **ى** бўлганлиги учун ёки тўртинчи ва бешинчи ҳарф бўлганлиги учун **ى** суратида ёзилади. Лекин уларнинг (ا)лари таънис аломати эмас. Масалан: **أَلْهَدَى، الرَّحَى، مُوسَى، عَيْسَى، مُصْطَفَى** каби.

ألف ممدودة

Чўзиқ алиф

Чўзиқ алиф доим **ء** суратида яъни алиф ва ҳамза шаклида ёзилади. Масалан: **عَذْرَاءُ، حَمْرَاءُ، صَحْرَاءُ** каби.

كِسَاءُ، رِدَاءُ، قِرَاءُ каби калималарда бўлган чўзиқ алиф муаннас аломати эмас. Чунки унинг ҳамзаси аслий ҳарфдир. Таънис аломати бўлган чўзиқ алифнинг ҳамзаси эса зоида ҳарф бўлиши лозимдир.

Исми фоъил, исми мафъул, исми фаъъол ва кўпгина сифати мушаббахаларнинг муаннас сийғалари муаннас «те» билан бўлади. Масалан: **جَمِيلَةٌ، رِقَاصَةٌ، مَعْلُومَةٌ، عَالِمَةٌ** каби.

فَعْلَانٌ вазнида бўлган сифати мушаббаханинг муаннас сийғаси кўпинча **فَعْلَى** вазнида келади. Гоҳида эса **فَعْلَانَةٌ** вазнида ҳам келади.

Масалан:

سَكْرَانٌ - سَكْرَى = سَكْرَانَةٌ

عَطْشَانٌ - عَطْشَى = عَطْشَانَةٌ

23-§

بعض أوزان

Баъзи вазнлар

أَفْعَلٌ вазнида бўлган исм икки хил бўлади: 1. исми тафзил: 2. сифати мушаббаҳа. Исми тафзил бўлганларининг муаннаслари алифи мақсура билан **فَعْلَى** вазнида келади.

Масалан: **كَبُرٌ - كُبْرَى، أَعْلَمٌ - عُلْمَى** каби.

Сифати мушаббаҳа бўлганларининг муаннаслари алифи мамдуда билан **فُعْلَاءٌ** вазнида келади. Масалан:

أَحْمَرٌ - حَمْرَاءُ، أَحْمَقٌ - حَمَقَاءُ кабилар.

فَعِيلٌ вазнида бўлган исм беш хил бўлади: 1. сифати мушаббаҳа **جَمِيلٌ** каби: 2. Исми фаъвол **عَلِيمٌ** каби: 3. исми мафъул **فَتِيلٌ** каби: 4. исми масдар **صَهِيلٌ** каби: 5. исми зот **سَبِيلٌ** каби.

فَعِيلٌ вазнида бўлган исми мафъуллар музаккар учун ҳам, муаннас учун ҳам бир хилда ишлатилади. Муаннас учун муаннас «те»си зиёда қилинмайди. Масалан:

رَجُلٌ قَتِيلٌ، اِمْرَأَةٌ قَتِيلَةٌ дейилади, лекин **رَجُلٌ قَتِيلَةٌ، اِمْرَأَةٌ قَتِيلَةٌ** дейилмайди.

مَفْعِيلٌ، مِفْعَالٌ، فُعُولٌ вазнларида бўлган исми фаъвол сийғалари ҳам музаккар билан муаннас учун бир хилда ишлатилади. Буларнинг ҳеч бирида таънис аломати зиёда қилинмайди. Масалан:

رَجُلٌ صَبُورٌ، اِمْرَأَةٌ صَبُورٌ، رَجُلٌ مِّنْكَاحٍ، اِمْرَأَةٌ مِّنْكَاحٍ، رَجُلٌ مَّعْطِيرٌ، اِمْرَأَةٌ مَّعْطِيرٌ

Муаннаслар учун **صَبُورَةٌ، مِّنْكَاحَةٌ، مَّعْطِيرَةٌ** деб айтиш хатодир. Яна шунингдек **رَوَّحٌ، عَرُوسٌ، بَكْرٌ، نَيْبٌ** каби лафзлар ҳам музаккар билан муаннас учун бир хилда ишлатилади.

عَاقِرٌ، طَالِقٌ، حَامِلٌ، حَائِضٌ каби исмлар эркаклар учун ҳеч тасаввур этилмайдиган, аёлларгагина хос сифат бўлиб, муаннаслар учун ишлатилганлигидан муаннас «те»сиз ишлатилади. Масалан:

اِمْرَأَةٌ حَائِضٌ، اِمْرَأَةٌ حَامِلٌ، اِمْرَأَةٌ طَالِقٌ، اِمْرَأَةٌ عَاقِرٌ каби.

Ушбу исми сифатларни **عَاقِرَةٌ، طَالِقَةٌ، حَامِلَةٌ، حَائِضَةٌ** дейиш лозим эмас.

24-§

مفرد وتثنية وجمع

Бирлик, иккилик ва кўплик

Исмлар уч хил сийғада ишлатилади: 1. муфрад (бирлик): 2. тасния (иккилик): 3. жамъ (кўплик).

مفرد (واحد) Агар исмдан фақат бир нарса ирода этилса, бу исмга «**муфрад сийғаси**», дейилади. Масалан: **عَالَمٌ، عَالِمَةٌ، مَكْتَبٌ، فَرَسٌ** каби.

تشية (مُثَنَّى) агар исмдан икки нарса ирода этилса, бу исмга «**тасния сийғаси**», дейилади. Масалан: **عَالِمَانِ، عَالِمَتَانِ، مَكْتَبَانِ، فَرَسَانِ** каби.

قواعد تشية

Иккилик қоидаси

Қоида: Ҳар бир тасния (иккилик) сийғаси муфрад (бирлик) сийғасидан ҳосил бўлади. Ҳар қандай муфрад бўлса ҳам унинг охирига бир алиф билан касрали нун (ن) киритилса тасния сийғаси ҳосил бўлади.

Масалан **عَالِمٌ = عَالِمَانِ، فَرَسٌ = فَرَسَانِ**

«**Эслатма**» Тасния сийғасининг (۱) баъзи вақтда **ى** га қалб қилинади. Масалан:

عَالِمَانِ، عَالِمَتَانِ، مَكْتَبَيْنِ، فَرَسَيْنِ каби.

Қоида: Агар муфрад исмнинг охирида аслида «**و**» бўлган (۱) бўлса, тасния сийғасига айлантирилганда шу (۱) – (و) га қалб қилинади. Масалан: **عَصَا. عَصَا-عَصَوَانِ** : Эди.

Қоида: Агар муфрад исмнинг охирида аслида «**ى**» бўлган (۱) бўлса, тасния сийғасига айлантирилганда шу «**ى**» га қалб қилинади. Масалан **فَتَى. فَتَى-فَتَيَانِ** дир.

Қоида: Охирида алифи мақсура бўлган муаннас исмларнинг алифлари тасния сийғасига айлантирилганда «**ى**»га қалб қилинади. Масалан: **صُعْرَى - صُعْرَيَانِ، حُبْلَى - حُبْلَيَانِ** каби.

Қоида: Охирида алифи мамдуда бўлган муаннас исмларнинг ҳамзалари тасния сийғасига айлантирилганда «و»га қалб қилинади. Масалан:

حَمْرَاءُ - حَمْرَاوَانِ، صَحْرَاءُ - صَحْرَاوَانِ каби.

Қоида: Охиридаги ҳамзалари аслий ҳарф бўлган исмларнинг ҳамзалари тасния сийғасига айлантирилганда «ى» га ҳам «و» га ҳам қалб қилинмайди. Масалан:

كِسَاءُ - كِسَاآنِ، رِذَاءُ - رِذَاآنِ، قُرَاءُ - قُرَاآنِ каби.

Қоида: Лафзи каби муфрад исмларнинг охирларидаги ҳазф қилинган (و)лари сийғаларида ҳазф қилинмайди. Масалан:

حَمَّ - حَمَوَانِ، أَحَّ - أَحْوَانِ، أَبَّ - أَبْوَانِ каби.

حَمُّ، أَحُّ، أَبُو каби лафзлари аслида.

Қоида: Тасния сийғалари бир калимага изофа йўли билан қўшилиб сўзланганида, охиридаги «ن» лари тушиб кетади. Масалан: مَكْتَبَانِكُمْ - مَكْتَبَيْكُمْ، فَرَسَاكُم - فَرَسَيْكُمْ дейилади. Лекин مَكْتَبَانِكُمْ деб айтилмайди.

25-§

جمع (مجموع)

Исмни зикр қилиш орқали иккитадан ортиқ нарса ирода этилса, бу исмга «**жамъ сийғаси**», дейилади.

Масалан: عَالِمُونَ، عَالِمَاتٌ، مَكَاتِبٌ، أَفْرَاسٌ кабилар.

Жамъ сийғалари тасния сийғалари каби муфрад (бирлик) сийғасидан ҳосил бўлади.

1. Баъзи муфрад сийғаларини жамъ сийғасига айлантириш учун исмнинг охирига сукунлик «вов» билан фатҳали нун яъни (وَن) ҳарфлари орттирилади.

Масалан: عَالِمُونَ - عَالِمٌ каби. Бундай ҳол музаккар исмларда рўй беради.

2. Баъзиларига эса (ا) ва (ت) ҳарфлари орттирилади. Масалан: عَالِمَةٌ – каби. Бундай ҳол муаннас исмларда рўй беради.

Баъзи муфрад сийғаларини жамъ сийғасига айлантиришда исмнинг вазни ва бирлик шакли ўзгартирилади.

Масалан:

مَكْتَبٌ – مَكَاتِبٌ، فَرَسٌ – أَفْرَاسٌ кабилар.

Жамъ сийғалари икки хил бўлади: 1. Жамъи солим: 2. Жамъи таксир (синиқ кўплик). Муфрад сийғасининг ҳарф ва ҳаракатлари ўзгартирилмасдан, исмнинг охирига бир-икки ҳарф зиёда этишлик билан ҳосил бўлган жамъаларга «**жамъи солим**», дейилади. Масалан: عَالِمٌ – عَالِمُونَ، عَالِمَةٌ – عَالِمَاتٌ кабилар.

Муфрад сийғасининг ҳарф ва ҳаракатларини ўзгартиришлик билан ҳосил бўлган жамъларга «**жамъи мукассир**» ёки «**жамъи таксир**», дейилади. Масалан: مَكْتَبٌ – مَكَاتِبٌ، فَرَسٌ – أَفْرَاسٌ кабилар.

26-§

جمع مذكر السالم (جمع نوني)

Музаккар тўғри кўплик

Охирларида «و» билан «ن» бўлган жамъи солимларга «**жамъи музаккари солим**» ёки «**жамъи нуний**», дейилади. Масалан:

عَالِمٌ – عَالِمُونَ، مُسَلِّمٌ – مُسَلِّمُونَ، عَلِيٌّ – عَلِيُّونَ каби.

Қоида: Ушбу «жамъи нуний» одам боласининг музаккар исми сифатларига ва аламларига хослангандир.

Бошқа исмларда бундай бўлмайди. Масалан:

عَالِمٌ – عَالِمُونَ، مَعْلُومٌ – مَعْلُومُونَ، كَذَّابٌ – كَذَّابُونَ، أَعْلَمٌ – أَعْلَمُونَ

حَسَنٌ – حَسَنُونَ، مِصْرِيٌّ – مِصْرِيُّونَ، زَيْدٌ – زَيْدُونَ

Муаннас исмлар ва исми жинсларда асло жамъи нуний бўлмайди. Масалан: رَجُلٌ – رَجُلُونَ، زَيْنَبٌ – زَيْنَبُونَ

رَجَالٌ، زَيْنَبَاتٌ дейилади.

Яна **سَكَرَانٌ**, **أَحْمَرٌ** каби сифати мушаббахалар борки, уларнинг муаннаси **فَعْلَاءٌ** - **فَعَلَى** вазнларида келади. Бундай сифати мушаббахаларнинг жамъалари ҳам жамъи нуний бўлмайди. Масалан: **سَكَرَانُونَ**, **أَحْمَرُونَ** дейилмайди, балки **سُكَارَى** ва **حُمَّرٌ** дейилади.

«Эслатма: **سِنَّةٌ** - **سِنُونَ** ва **أَهْلٌ** - **أَهْلُونَ** ҳамда **عَالِمٌ** - **عَالِمُونَ**, **أَرْضٌ** - **أَرْضُونَ** каби исмлар жуда оздир.

Қоида: Жамъи нунийларнинг «و» лари баъзи вақтларда олди касрали бўлган «ي» га қалб қилинади. Масалан:

عَالِمُونَ - **عَالِمِينَ**, **مِصْرِيُونَ** - **مِصْرِيِينَ**

Қоида: Жамъи нунийлар бир калимага изофа йўли билан қўшилиб сўзланганида, охиридаги «ن»и соқит бўлади. Масалан:

عَالِمِيكُمْ = **عَالِمِيكُمْ**, **عَلِيَّيَكُمْ** = **عَلِيَّيَكُمْ** каби.

27- §

جمع مؤنث السالم (جمع تائي)

Муаннас тўғри кўплик

Охирида «ات» бўлган жамъи солимларга «жамъи муаннаси солим» ёки «жамъи тоий», дейилади. Масалан:

عَالِمَةٌ - **عَالِمَاتٌ**, **كَلِمَةٌ** - **كَلِمَاتٌ**, **جَدَّةٌ** - **جَدَّاتٌ**

Қоида: Охирида тои таънис бўлган исмларнинг жамълари ҳар доим жамъи тоий бўлади. Масалан:

عَالِمَةٌ - **عَالِمَاتٌ**, **حَمْرَةٌ** - **حَمْرَاتٌ**, **عَلَامَةٌ** - **عَلَامَاتٌ**

Қоида: **فُعَلَةٌ**, **فُعَلَةٌ**, **فُعَلَةٌ** вазнларида бўлган исмларнинг **ع** баробарида бўлган ҳарфлар кўпинча жамъларида **ف** ҳарфлари тўғрисида бўлган ҳарфларнинг ҳаракати билан ҳаракатланадилар. Масалан:

تَمْرَةٌ - **تَمْرَاتٌ**, **سِدْرَةٌ** - **سِدْرَاتٌ**, **حُجْرَةٌ** - **حُجْرَاتٌ**

Лекин **تَمْرَاتٌ**, **سِدْرَاتٌ**, **حُجْرَاتٌ** дейиш ҳам мумкин.

Қоида: Зикр қилинган вазнларда бўлган исмларнинг «ع»ни баробарида ҳарфи иллат бўлса, жамъларида «ع»лари доимо сукунлик бўлади. Масалан:

عَوْرَةٌ - عَوْرَاتٌ، بَيْضَةٌ - بَيْضَاتٌ، صُورَةٌ - صُورَاتٌ каби.

Қоида: Зикр қилинган вазнларда бўлган исмлар сифати мушаббаҳа сийғаси бўлса, жамъида «ع»и мутлақо сукунлик бўлиши керак. Масалан:

صَعْبَةٌ - صَعْبَاتٌ، صِرْفَةٌ - صِرْفَاتٌ، حُرَّةٌ - حُرَّاتٌ каби.

Қоида: Музаккар сийғасида бўлган исми сифатлардан одам боласидан бошқа нарса ирода қилинсалар, жамълари «те»ли бўлади. Масалан:

صَافِنٌ - صَافِنَاتٌ، مَكْتُوبٌ - مَكْتُوبَاتٌ، مَأْكُولٌ - مَأْكُولَاتٌ

28 - §

جمع أكبر

Катта кўплик

فَعَالِلٌ ва فَعَالِلٌ вазнлари шаклида бўлган жамъ сийғаларига «жамъи акбар», дейилади. Масалан:

دَفْتَرٌ - دَفَاتِيرٌ، قِرْطَاسٌ - قِرَاطِيسٌ каби.

Жамъи акбарнинг ўнта вазни бор:

- ١) فَعَالِلٌ: دَفْتَرٌ - دَفَاتِيرٌ، سَفَرَجَلٌ - سَفَارِجٌ
- ٢) فَعَالِلٌ: قِرْطَاسٌ - قِرَاطِيسٌ، دُكَّانٌ - دُكَاكِينٌ
- ٣) مَفَاعِلٌ: مَكْتُوبٌ - مَكَاتِيبٌ، مَدْرَسَةٌ - مَدَارِسٌ
- ٤) مَفَاعِلٌ: مَكْتُوبٌ - مَكَاتِيبٌ، مِفْتَاحٌ - مَفَاتِيحٌ
- ٥) فَوَاعِلٌ: فَائِدَةٌ - فَوَائِدٌ، قَاعِدَةٌ - فَوَاعِدٌ
- ٦) فَوَاعِلٌ: قَانُونٌ - قَوَانِينٌ، قَارُورَةٌ - قَوَارِيرٌ
- ٧) أَفَاعِلٌ: أَفْضَلٌ - أَفْضَالٌ، أَكْرَمٌ - أَكْرَامٌ
- ٨) أَفَاعِلٌ: أُسْبُوغٌ - أُسَابِيعٌ، أَعْجُوبٌ - أَعْجَابٌ

- (۹) فَعَائِلٌ: رِسَالَةٌ - رِسَائِلٌ، صَحِيفَةٌ - صَحَائِفٌ
 (۱۰) تَفَاعِيلٌ: تَرْوِجَةٌ - تَرَاوِجٌ، تَمَثَالٌ - تَمَائِيلٌ

29- §

جمع أصغر

Кичик кўплик

Жамъи акбардан бошқа жамъи таксирлар «жамъи асғар», дейилади. Жамъи асғарнинг вазнлари кўпдир. Бу вазнлар ҳақида қоида келмаган. Ҳар бир исмнинг жамъи асғари араблардан эшитиш йўли билан маълум бўлган. Жамъи асғарнинг вазнлари ҳаммаси бўлиб 32 та:

- (۱) فَعَلٌ: صَاحِبٌ - صَحَبٌ، طَائِرٌ - طَيْرٌ
 (۲) فُعْلٌ: أَحْمَرٌ - حُمَرٌ، أبيضٌ - بَيْضٌ
 (۳) فَعَلٌ: قِصَّةٌ - قِصَصٌ، حِلَقَةٌ - حَلَقٌ
 (۴) فِعْلٌ: فِرْقَةٌ - فِرْقٌ، نِعْمَةٌ - نَعَمٌ
 (۵) فُعْلٌ: أَوْلَى - أَوْلٌ، أُخْرَى - أُخْرٌ
 (۶) فُعْلٌ: كِتَابٌ - كُتِبَ، رُسُولٌ - رُسُلٌ
 (۷) فِعْلَةٌ: غُلَامٌ - غِلْمَةٌ، صَبِيٌّ - صَبِيَّةٌ
 (۸) فِعْلَةٌ: طَالِبٌ - طَلَبَةٌ، خَادِمٌ - خَدَمَةٌ
 (۹) فِعْلَةٌ: قَرَدٌ - قَرْدَةٌ، فَيْلٌ - فَيْلَةٌ
 (۱۰) فِعْلَةٌ: هَادٍ (ي) - هِدَاةٌ، قَاضٍ (ي) قُضَاةٌ
 (۱۱) أَفْعَالٌ: فَرَسٌ - أَفْرَاسٌ، حُكْمٌ - أَحْكَامٌ
 (۱۲) أَفْعُلٌ: رَجُلٌ - أَرْجُلٌ، شَهْرٌ - أَشْهُرٌ
 (۱۳) أَفْعَلَةٌ: سُؤَالٌ - أَسْئَلَةٌ، جَوَابٌ - أَجْوِبَةٌ
 (۱۴) أَفْعِلَاءٌ: نَبِيٌّ - أَنْبِيَاءٌ، وَلِيٌّ - أَوْلِيَاءٌ
 (۱۵) فُعْلَاءٌ: عَالِمٌ - عُلَمَاءٌ، أَمِيرٌ - أَمْرَاءٌ

- (۱۶) فَعَّلٌ: رَاكِعٌ - زَكَّعٌ، سَاجِدٌ - سَجَّدٌ
 (۱۷) فُعَّالٌ: تَاجِرٌ - بُجَّارٌ، حَاكِمٌ - حُكَّامٌ
 (۱۸) فِعَالٌ: جَبَلٌ - جِبَالٌ، صَغِيرٌ - صِعَارٌ
 (۱۹) فِعَالَةٌ: حَجَرٌ - حِجَارَةٌ
 (۲۰) فُعَالٌ: إِنْسَانٌ - أَنَاسٌ (النَّاسُ)
 (۲۱) فُعُولٌ: عِلْمٌ - عُلُومٌ، أَمْرٌ - أُمُورٌ
 (۲۲) فُعُولَةٌ: بَعْلٌ - بُعُولَةٌ، خَيْطٌ - خِيُوطَةٌ
 (۲۳) فَعِيلٌ: حِمَارٌ - حَمِيرٌ، عَبْدٌ - عِبِيدٌ
 (۲۴) فِعْلَانٌ: غُلَامٌ - غِلْمَانٌ، صَبِيٌّ - صَبِيَّانٌ
 (۲۵) فُعْلَانٌ: بَلَدٌ - بُلْدَانٌ، أَحْمَرٌ - حُمْرَانٌ
 (۲۶) مَفْعَلَةٌ: شَيْخٌ - مَشِيخَةٌ (مَشِيخَةٌ)
 (۲۷) مَفْعُولَاءٌ: شَيْخٌ - مَشْيُوخَاءٌ، كَبِيرٌ - مَكْبُورَاءٌ
 (۲۸) فَعْلَى: مَرِيضٌ - مَرَضَى، شَتِيَتْ - شَتَى
 (۲۹) فُعَالِيٌّ: صَحْرَاءٌ - صَحَارَى، خَطِيئَةٌ - خَطَايَا
 (۳۰) فُعَالِيٌّ: سَكْرَانٌ - سُكَارَى، أَسِيرٌ - أُسَارَى
 (۳۱) فَعَالِيٌّ: أَهْلٌ - أَهَالٍ (الأهالي) أَرْضٌ - أَرَاضٍ
 (۳۲) فَعَالِلَةٌ: مَلِكٌ - مَلَائِكَةٌ، تَلْمِيذٌ - تَلَامِيذَةٌ

30- §

جَمْعُ الْجَمْعِ

Кўпликнинг кўплиги

Баъзи исмлар кўп тушунча бериши учун икки марта жамъ қилинади. Масалан: **أَكْلَبُ** нинг жамъи **أَكْلَبُ** бўлиб келади.

أَكْلَبُ нинг жамъи **أَكَالِبُ** бўлиб келади. Шунга ўхшаш мисоллар кўпдир. Масалан:

سَوَارٌ - أَسْوَرَةٌ، أَسَاوِيرٌ - أَسَاوِيرَةٌ
 خَبْرٌ - أَخْبَارٌ، أَخْبَارَاتٌ

رَجُلٌ - رِجَالٌ، رِجَالَاتٌ
صَاحِبٌ - صَوَاحِبٌ، صَوَاحِبَاتٌ
جَمَلٌ - جِمَالٌ، جِمَالَةٌ، جِمَالَاتٌ

جموع كثيرة

Жамъи касира

Баъзи исмларнинг икки, уч ва ундан ҳам кўпроқ турли хил жамълари бўлади. Масалан:

صَبِيٌّ - صَبِيَّةٌ، صَبِيَّانٌ، غُلَامٌ - غِلْمَةٌ، أَغْلَمَةٌ، غِلْمَانٌ
دَارٌ - دُورٌ، آدُرٌ، دِيَارٌ - رِيحٌ، رِيَّاحٌ، أَرْيَاحٌ، أَرْوَاحٌ
سَنَةٌ - سِنُونٌ، سَنَوَاتٌ، سُنَوَاتٌ - سَنَهَاتٌ
بَحْرٌ - بَحَارٌ، بُحُورٌ، أَبْحَارٌ، أَبْحَارٌ
شَيْخٌ - شَيْوُخٌ، أَشْيَاحٌ، شَيْخَةٌ، شَيْخَانٌ، مَشِيخَةٌ، مَشِيخَاءٌ، مَشَائِخٌ، مَشْيُوخَاءٌ
عَبْدٌ - عِبَادٌ، عَبِيدٌ، عُبُودٌ، أَعْبَادٌ، أَعْبِدَةٌ، أَعْبَادٌ، مَعْبُودَةٌ، مَعْبُودَى، مَعْبُودَاءٌ، مَعَابِدٌ، عُبُدٌ، عُبْدٌ، عُبْدَانٌ،
عِبْدَانٌ، عِبْدَانٌ، عِبْدَى، عِبْدَاءٌ، عِبْدُونَ، عَبِيدُونَ

Турли хил ўзгартирилган ҳолдаги жамълар

أَبُو - أَبُونَ، أَبَاءٌ، أُمَّ - أُمَّهَاتٌ، أُنْتَى - إِنَاتٌ، إِبْنٌ - أَبْنَاءٌ - بُنُونَ، إِبْنَةٌ - بَنَاتٌ، أَخُو - إِخْوَةٌ، إِخْوَانٌ،
أَخْتٌ - أَخَوَاتٌ، إِمْرَأَةٌ - نِسَاءٌ، نِسْوَةٌ، نِسْوَانٌ، أُمَةٌ - آمَاءٌ، مَاءٌ - مِيَاهٌ، شَاهٌ - شِيَاهٌ، شَفَاءٌ - شَفَاءَةٌ، ثَوْبٌ -
ثِيَابٌ، فَمٌ - أَفْوَاهٌ، حُوتٌ - حِيَتَانٌ، نَارٌ - نَيْرَانٌ، مَيِّتٌ - مَوْتِيٌّ، أَمْوَاتٌ، بَيْتٌ - أَبَارٌ، أَنْ - آنَاءٌ، آدَبٌ - آدَابٌ،
فَوْسٌ - قِيسِيٌّ، دَلُوٌ - دُلِيٌّ، أَذَلٌ (الْأَذَلِي)، يَدٌ - أَيِدٌ (الْأَيِدِي)، عَدُوٌ - أَعْدَاءٌ، إِمَامٌ - أَيْمَةٌ، قِيَّاسٌ - أَقْيَسَةٌ، حَلِيٌّ -
حَلِيٌّ، قَرِيْبَةٌ - قُرَى، (الْقُرَى) حَالٌ - أَحْوَالٌ، يَوْمٌ - أَيَّامٌ، لِحْيَةٌ - لِحَى (اللِّحَى)، إِنَاءٌ - آنِيَةٌ، بَائِعٌ - بَاعَةٌ،
حُسْنٌ - مَحَاسِنٌ، شَافِعِيٌّ - شَافِعِيَّةٌ، حَنْبَلِيٌّ، حَنَابِلَةٌ، عَبْدُ اللَّهِ - عَبَادِلَةٌ، نَصْرَانِيٌّ - نَصَارَى، عَرَبِيٌّ - عَرَبٌ، يَهُودِيٌّ -
يَهُودٌ، تُرْكِيٌّ - تُرْكٌ، عَسْكَرِيٌّ - عَسْكَرٌ.

جمع القلّة وجمع الكثرة

Араб тилидаги жамълар икки хил бўлади.

1. Ўндан оз нарсани билдириш учун ишлатиладиган жамълар. 2. Ўндан кўп нарсани билдириш учун ишлатиладиган жамълар. Ўндан оз нарсани ифодалаш учун ишлатиладиган жамъларга «**жамъу қилла**», дейилади. Масалан:

أَغْلَمَةُ، صَبِيَّةٌ، أَيْتَامٌ، أَفْلُسٌ

Ўндан кўп нарсани ифодалаш учун ишлатиладиган жамъларга «**жамъу касра**», дейилади. Масалан:

غِلْمَانٌ، صَبِيَّانٌ، يَتَامَى، فُلُوسٌ

Тўққиз чақа тангаси бўлган араб киши: لِي أَفْلُسٌ дейди, лекин: لِي فُلُوسٌ демайди. Агар араб кишининг чақа тангаси ўнтадан кўпроқ бўлса: لِي فُلُوسٌ дейди, лекин لِي أَفْلُسٌ демайди.

Қоида: أَفْعَالٌ، أَفْعَالٌ، فِعْلَةٌ، فِعْلَةٌ вазнларида бўлган жамъи асғарлар ҳамда жамъи нуний ва жамъи тоийларнинг ҳар бири жамъу қилладир. Булардан бошқа жамъу асғарларнинг ҳар бири жамъу касрадир.

31- §

اسم مُصَغَّر

Кичрайтма исм

Агар бир исмни кичиклаштириш ирода этилса, шу исмнинг аввалги ҳарфи заммали ва иккинчи ҳарфи фатҳали қилиниб, иккинчи ҳарфидан кейин бир сукунли يَ ҳарфи зиёдалаштирилади. Масалан: رَجُلٌ - رُجَيْلٌ каби.

Кичиклаштириш йўли билан ифодаланган исмларга «**исми мусағғар**» ёки «**исми тасғир**», дейилади.

أوزان مصغر

Тасғирнинг сийғалари

Исми мусағғар ушбу уч вазнда бўлади:

- (۱) فُعِيلٌ: رَجِيلٌ، فُرَيْسٌ، قُلَيْمٌ، رُوَيْسٌ
 (۲) فُعَيْعِلٌ: دُرَيْهَمٌ، مُكْتَيْبٌ، مُسَيِّجِدٌ، أُحْيِمِرٌ
 (۳) فُعَيْعِيلٌ: مُسَيِّكِيْنٌ، فُنَيْدِيلٌ، أُبَيْرِيْقٌ، سَكَيْكِيْنٌ

قواعد تصغير

Тасғир қоидалари

Қоида: Учинчи ҳарфи «ا» ёки «و» бўлган исмлар тасғир қилинганда исмларнинг «ا» ва «و»лари «ي»га қалб қилиниб, тасғир «ي»сига идғом қилинади. Масалан:

каби. كِتَابٌ - كُتَيْبٌ، رَسُوْلٌ - رُسَيْلٌ

Қоида: فاعِلٌ вазнида бўлган исмнинг «ا» тасғир вақтида «و»га қалб қилинади. Масалан:

каби. شَارِبٌ - شُوَيْرِبٌ، حَاجِبٌ - حُوَيْجِبٌ

Қоида: فاعُولٌ вазнидаги исмлар тасғир қилинганда «ا»лари «و»га ва «و»лари «ى»га қалб қилинади.

Масалан: قَانُوْنٌ - قُوَيْنِيْنٌ، جَاسُوْسٌ - جُوَيْسِيْسٌ

Қоида: مَفْعُوْلٌ ва مَفْعَالٌ вазнлари шаклида бўлган исмлар тасғир қилинганда охирларидаги «و» ва «ا»лари «ى»га қалб қилинади.

Масалан:

каби. مَكْتُوبٌ - مُكْتَيْبٌ، مِفْتَاحٌ - مُفْتَيْحٌ

Қоида: Охирида тои таънис бўлган исмлар тасғир қилинганда исмларнинг «ة»лари ҳазф қилинмайди. Масалан:

каби. بَلَدَةٌ - بُلَيْدَةٌ، قَرْيَةٌ - قُرَيْيَةٌ، قَارُوْرَةٌ - قُوَيْرِيْرَةٌ

Қоида: دُوَيْيَةٌ، حُوَيْيَةٌ، دَابَّةٌ، خَاصَّةٌ шаклида бўлган исмларнинг тасғирлари шаклида бўлади.

Қоида: Таънис аломатидан бошқа самоъий муаннас бўлган уч ҳарфли тасғир қилинганда охирига бир муаннас «те»си зиёда қилинади. Масалан: اَرْضٌ - اَرِيْضَةٌ، رَجُلٌ - رَجِيْلَةٌ، عَصَاٌ - عَصِيَّةٌ

Қоида: Беш ҳарфли бўлган исмлар тасғир қилинганда охириги ҳарфлари соқит бўлади. Масалан:

каби. سَفْرَجٌ - سَفْرَجٌ، جَحْمَرٌ - جَحْمَرٌ، عُنْدَلِيْبٌ - عُنْدَلِيْبٌ

Қоида: Идғом ёки эълол йўли билан ўзгатирилган исмлар аслларига қайтарилгандан сўнг тасғир қилинади. Масалан:

سَدٌّ - سَدٌّ - سُدَيْدٌ، حَطٌّ - حَطٌّ - حَطِيْطٌ، حُفٌّ - حُفٌّ - حُفِيْفٌ، بَابٌ - بَابٌ - بُوْبٌ - بُوَيْبٌ، نَابٌ - نَيْبٌ - نُبَيْبٌ، مِيْرَانٌ - مَوْزَانٌ - مَوْزِيْنٌ

Қоида: Охиридаги ҳарфи иллатлари ҳазф этилган исмлар тасғир қилинганда ҳарфи иллатлари қайтариб, тасғир ى билан идғом қилинади. Масалан: اَبٌ - اَبِيٌّ، اَخٌ - اَخِيٌّ، اِبْنٌ - اِبْنِيٌّ، يَدٌ - يَدِيَّةٌ، اَمَةٌ - اُمِّيَّةٌ

Бу исмларнинг аслари اَبُو، اَخُو، اَبْنُو، اَبْنِيٌّ، اَبْنِيٌّ

Қоида: Идғом шаклида бўлган исмларнинг тасғирлари қоидаларига хилоф равишда دُوِيُوِيٌّ، دُنَيْيِرٌ، اُنَيْسِيَانٌ шаклларида бўлади.

Қоида: سَكْرَانٌ، عَذْرَاءٌ، حُبْلَى шаклида бўлган исмларнинг тасғирлари سَكْرَانٌ، عَذْرَاءٌ، حُبْلَى шаклида бўлади.

Қоида: اَللّٰتِيَّا، اَللّٰدِيَّا، تِيَّا، دِيَّا калималарининг тасғирлари اَللّٰتِيَّا، اَللّٰدِيَّا، تِيَّا، دِيَّا шаклида бўлади.

Қоида: Баъзи исмлар зоида ҳарфлари ҳазф қилинганда, тасғир қилинади. Масалан: اَحْمَدٌ - اَحْمِيْدٌ، حَارِثٌ - حَارِثِيٌّ، فَارُوْقٌ - فَارُوْقِيٌّ каби.

Бу каби тасғирларга «тасғир тархим», яъни «қисқартирилган тасғир», дейилади.

فائدة تصغير

Тасғирнинг фойдаси

Кўпинча исмнинг маъносини ҳақиқатдан ҳам кичкина эканини кўрсатиш учун тасғир қилинади. Масалан: قَلَمٌ (қаламча) каби.

Баъзида исм маъносини ҳақоратлаш ва нуқсонлаштириш учун тасғир қилинади. Масалан: رَجُلٌ (одамча) каби.

Баъзи вақтда эса улуғлаш ва муҳаббатни изҳор этиш учун тасғир қилинади. Масалан: **أَبِي، بُنِّي** (отагинам, ўғилчам) кабилар.

32- §

اسم منسوب

Нисбат исми

Агар бирор нарсани бир исмнинг маъносига нисбат этиш ирода қилинса, шу исмнинг охирига бир ташдидли (ي) қўшиб ишлатилади. Масалан: **مِصْرِيّ** Миср диёрига мансуб, мисрлик, Мисрдан, мисрлик бўлган киши маъносидадир. Яна **بَغْدَادِيّ** ва **قَزَائِيّ** шу каби исмлар ҳам исми мансуб дейилади.

قواعد نسبة

Нисбат қоидаси

Қоида: Исми мансуб муаннас учун ишлатилганда исмнинг охирига бир муаннас «те»си қўшилади.

Масалан: **مِصْرِيّ، بَغْدَادِيّ، قَزَائِيّ** каби.

Қоида: Охирида муаннас «те»си бўлган исмлар нисбат қилинганида кўпинча «ё» лари ҳазф этилади:

Масалан: **عَادَة - عَادِيّ، تَجْرِبَة - تَجْرِيّ، مَكَّة - مَكِّيّ، كُوفَة - كُوفِيّ**

Қоида: **فَاعِلَة، فَعِيلَة** вазнида бўлган исмлар нисбат қилинганида «й» ва «ё»си ҳазф қилиниб, **فَعْلِيّ** вазнида бўлади.

Масалан: **مَدِينَة - مَدِينِيّ، جَزِيرَة - جَزِيرِيّ، بَادِيَة - بَدَوِيّ، عَلِيّ - عَلَوِيّ**

حَقِيقَة - حَقِيقِيّ، طَبِيعَة - طَبِيعِيّ каби исмлар эса нодирдир.

Қоида: Охирида алиф бўлган исмлар нисбат қилинганида алифи «во» га қалб қилинади.

Масалан: مُوسَى - مُوسَوِيٌّ، عِيسَى - عِيسَوِيٌّ، مُصْطَفَى - مُصْطَفَوِيٌّ، مَعْنَى - مَعْنَوِيٌّ، دُنْيَا - دُنْيَوِيٌّ،
أَخْرَى - أَخْرَوِيٌّ

дейишлик ва بُحَارِيٌّ каби исмлар нодирдир.

Қоида: Охири алифи мамдуда ва ҳамза бўлган исмларнинг ҳамзалари нисбат қилинганида «و» га қалб қилинади.

Масалан: صَحْرَاءُ - صَحْرَاوِيٌّ، عَذْرَاءُ - عَذْرَاوِيٌّ، سَمَاءُ - سَمَاوِيٌّ، شِتَاءُ - شِتَاوِيٌّ، مَاءُ - مَائِيٌّ
каби исмлар бундан мустаснодир.

Қоида: كُرَّةٌ، لُغَةٌ، شَفَاةٌ، سَنَةٌ каби исмларнинг «ة»лари нисбат қилинганида «و» га қалб қилинади. Масалан: سَوِيٌّ، شَفَوِيٌّ، لُغَوِيٌّ، كُرَوِيٌّ каби.

Қоида: قَاضِيٌّ، مُفْتِيٌّ، قَاضِيٌّ، كُرْسِيٌّ каби исмлар нисбат қилинганида охиридаги «ى»лари ҳазф қилинади.

Масалан: مُفْتِيٌّ، قَاضِيٌّ، كُرْسِيٌّ каби.

Қоида: Жамъ сийғасида бўлган бир исмни нисбат қилиш ирода этилса, бу исм бирлик шаклига қайтарилади.

Масалан: خَادِمَةٌ - خَادِمِيٌّ، كُتُبٌ - كِتَابِيٌّ каби.

Жамъ сийғалари жамъ ҳолида нисбатланмайди.

Аммо فَرَائِضِيٌّ ва أَخْلَاقِيٌّ каби исмлар нодирдир.

Қоида: عَشْرَةٌ، ثَلَاثَةٌ، اِثْنَانٌ، أَحَدٌ، عَشَارِيٌّ،
ثَلَاثِيٌّ، اِثْنَائِيٌّ، أَحَادِيٌّ шаклида бўлади.

Қоида: Баъзи исмлар нисбатланганида нисбат "ي"сидан олдин бир "ا" ва бир касрали "ن" зиёда қилинади.

Масалан: نَفْسٌ - نَفْسَائِيٌّ، رُوحٌ - رُوحَائِيٌّ، جِسْمٌ - جِسْمَائِيٌّ، حَقٌّ - حَقَائِيٌّ

Исми мансуб бошқа исми мансублар каби олти сийғада сарфланади.

مِصْرِيٌّ، مِصْرِيَّانِ، مِصْرِيُّونَ، مِصْرِيَّةٌ، مِصْرِيَّتَانِ، مِصْرِيَّاتٌ

أَشْعَرِيٌّ، أَشْعَرِيَّانِ، أَشْعَرَةٌ، نَصْرَانِيٌّ، نَصْرَانِيَّانِ نَصَارَى

Баъзи исмлар нисбатланганида нисбат "ي"си тушмайди, балки уни нисбатлаш учун **فَاعِلٌ** ёки **فَعَّالٌ** вазнига ҳавола этилади. Масалан:

فَاعِلٌ: لَابِنٌ، نَاعِلٌ، رَاجِلٌ، فَارِسٌ
فَعَّالٌ: حَدَّادٌ، حَبَّازٌ، بَقَّالٌ، عَطَّازٌ

Шу исмларга ўхшаш исмларни "мансуб сийғаси", дейилади. Мазкур исмлар исми фойил ва исми фаъвол сийғалари эмас. Чунки исми фойил ва исми фаъвол сийғалари доимо исми масдардан иштиқоқ қилинади. Бу исмлар эса исми зотдан ҳосил бўлган.

33- §

معرفة ونكرة

Маърифа ва накра

Исм икки қисмга бўлинади: 1. Маърифа. 2. Накра.

Мухотаби маълум ва муайян нарсаларга далолат этган исмга «**маърифа**», дейилади. Масалан:

هَذَا، الفَرَسُ، زَيْدٌ кабилар.

Маърифа бўлган исмлар олти хил:

1. Аламлар - أَحْمَدٌ، عَلِيٌّ، عَمْرُو، بَكْرٌ، زَيْدٌ
2. «ал»ли исмлар - الْمَعْلُومُ، الْعَالِمُ، الْكُتَّابُ، الرَّجُلُ، الْفَرَسُ
3. Исми замирлар - أَنْتَ، أَنْتُمْ، هُوَ، هُمَا، هُمْ، هِيَ، هُمَا، هُنَّ
4. Исми ишоралар - ذَاكَ، هَؤُلَاءِ، هَاتَانِ، هَاتَا، هَذَانِ، هَذَا
5. Исми мавсуллар - مَا، مَنْ، الَّتِي، الَّذِيْنَ، الَّذِي، الَّذِي
6. Музофлар - فَرَسٌ الَّذِي، فَرَسٌ هَذَا، فَرَسُهُ، فَرَسُ الرَّجُلِ، فَرَسٌ زَيْدٍ

Эслатма: Бир исмга нисбат қилиниб, шу исмга қўшиб зикр этилган исмга «**музоф**», дейилади. Ҳамма музофлар ҳам маърифа бўлавермайди. Балки фақат маърифа бўлган исмга музоф бўлган исмларгина маърифа бўла олади. Накра исмга изофа қилинган

исмлар маърифа бўлмайди. Балки улар «накраи мухассаса», (хосланган накралар) бўлади. Масалан: *كَتَابٌ، عَالِمٌ، فَرَسٌ رَجُلٌ*.

лафзлари маърифага музоф бўлса-да, маърифа бўлмайди. Масалан: *شِبْهُ عَمْرٍو، مِثْلُ بَكْرٍ،* кабилар.

Чунки, бу исмлар накраликка жуда чуқур киришгандир.

Юқорида зикр қилинган олти хил маърифа исмлардан бошқа исмларнинг ҳар бири накрадир.

Қоида: Накра бўлган бир исмни маърифа қилиш ирода этилса, шу исмнинг аввалига «ال» киритилади ёки бошқа маърифа бўлган исмга изофа қилинади. Масалан: *فَرَسٌ* накрадир. Уни маърифа қилиш ирода этилса *الفرسُ* ёки *فَرَسٌ زَيْدٍ* дейишлик лозим бўлади. Бир маърифага музоф бўлган исмга ҳам маърифа дейилади. Масалан: *فَرَسٌ خَادِمٍ زَيْدٍ* каби.

34- §

ألفاظ مترادفة ومشتركة

Маънодо (синоним) ва шерик сўзлар

Бир маънода бўлган турли кўринишдаги икки калимага «мугародиф» (синоним), дейилади. Масалан:

إِنْسَانٌ - بَشَرٌ، رَجُلٌ - قَدَمٌ، فَعُودٌ - جُلُوسٌ، عُرُوجٌ - صُعُودٌ، هُبُوطٌ - نُزُولٌ، دُخُولٌ - وُلُوجٌ، قَطْعٌ - جَزْمٌ،
هَرٌّ - سَنُورٌ، صَحْرَاءٌ - بَرِّيَّةٌ، بَادِيَّةٌ، أَسَدٌ - لَيْثٌ - حَيْدَرٌ - عَبَّاسٌ - غَضَنَفَرٌ.

Икки ёки ундан кўп маъноларда ишлатилган лафзга муштарак дейилади. Масалан: *عَيْنٌ* - кўз; булок: олтин инсон; жосус ва жамоат. *ضَرْبٌ* - урмоқ, сафар қилмоқ, мисол келтирмоқ. *الشَّارِبُ* - мўйлаб, ичувчи. *الحَاجِبُ* - парда, қош. *السَّبْعُ* - йиртқич ҳайвон, етти.

35-§

المُعْرَبُ وَالْمَبْنِيُّ

Мўъраб ва мабний

Калималар икки қисмга бўлинади: 1. Мўъраб. 2. Мабний.

Охири турли хил ҳаракат ва ҳарф билан ҳаракатланиб ишлатиладиган калимага «мўъраб», дейилади.

Масалан: زَيْدٌ، زَيْدًا، زَيْدٍ، أَبُوهُ، أَبَاهُ، أَبِيهِ каби.

Охири ўзгармасдан бир хил ҳаракат ёки суқун билан ишлатиладиган калимага «мабний», дейилади.

Масалан: أَنْتَ، هَؤُلَاءِ، حَيْثُ، هَلْ каби.

Олти хил калималар мўърабдир:

1. Исми зот – رَجُلٌ، رَجُلًا، رَجُلٍ
2. Исми сифат – عَالِمٌ، عَالِمًا، عَالِمٍ
3. Исми масдар – فَتْحٌ، فَتْحًا، فَتْحٍ
4. Исми зарф – يَوْمٌ، يَوْمًا، يَوْمٍ
5. Исми адад – خَمْسَةٌ، خَمْسَةً، خَمْسَةٍ
6. Музореъ феъли – يَفْتَحُ، أَنْ يَفْتَحَ، إِنْ يَفْتَحَ

36-§

المبنيات

Мабнийлар

Ўн икки хил калималар мабнийдир;

1. Мозий феъллари – فَتَحَ، فَتَحًا، فَتَحُوا...
2. Феъли ҳукмиялар – أَفٍّ، سَرَعَانَ، شَتَّانَ، هَيْهَاتَ...
3. Ҳарфлар – حَيِّي، عَلِي، إِلِي، عَنِّي، مِنِّي...
4. Товушлар – إِيهِي، أَحْ، آهَ، زُهْ، وَيْ...
5. Замирлар – هُوَ، هُمَا، هُمْ، هِيَ، هُمَا، هُنَّ، أَنْتَ، أَنْتُمَا...

6. Исми ишоралар — اولئك، ذلك، ذاك، هؤلاء، هذه، هاتا، هذا

Исми ишоралардан هذان، هَذَيْنِ، هَاتَانِ، هَاتَيْنِ хилоф равишда мўърабдир.

7. Исми мавсуллар — اللتين، اللتين، اللتين، اللتين، اللتين، اللتين исми мавсуллардан اللتين، اللتين، اللتين хилоф равишда мўърабдир.

8. Мураккаб исми ададлар —

أحَدَ عَشَرَ، ثَلَاثَةَ عَشَرَ، أَرْبَعَةَ عَشَرَ، خَمْسَةَ عَشَرَ، سِتَّةَ عَشَرَ، يَبْعَةَ عَشَرَ، ثَمَانِيَةَ عَشَرَ، تِسْعَةَ عَشَرَ، إِحْدَى عَشَرَ، ثَلَاثَ عَشَرَ، أَرْبَعِ عَشَرَ... تِسْعَ عَشَرَ، الْحَادِي عَشَرَ... التَّاسِعَ عَشَرَ، الْحَادِيَةَ عَشَرَ... التَّاسِعَةَ عَشَرَ

Исми ададларнинг зикр қилинганидан бошқаларининг ҳар бири мўърабдир.

Исми ададларнинг таркибларининг аввалги қисмлари мўъраб ва иккинчи қисмлари мабнийдир.

9. Баъзи исми зарфлар — عَوْضٌ، قَطُّ، أَمْسٌ، حَيْثُ، هُنَا، رُبَّمَا، يَوْمَئِذٍ

Ва яна قبل، بعد، أمام، خلف، فوق، يسار، يمين، تحت каби исми зарфлар бошқа бир исмга музоф бўлмаса, мабний бўлади. Аммо бир исмга музоф бўлса, мўъраб бўлади.

10. جَمَادٍ، فَجَارٍ، حَبَاثٍ، فَسَاقٍ — Исми вазнида бўлган исмлар

Ушбу исмларнинг баъзилари исми сифатдир: فَسَاقٍ، حَبَاثٍ، فَجَارٍ، جَمَادٍ каби, баъзилари исми масдардир: فَجَارٍ، جَمَادٍ.

11. Истифҳом калималари — أَيُّ، أَيَانٌ، كَأَيِّنَ، أَيْنَ، مَتَى، مَنْ، مَا، كَيْفَ، كَمْ

12. Шартийя калималари — لَمَّا، إِذَا، إِذَا، إِذَا، إِذَا، إِذَا، مَهْمَا

37- §

إِعْرَابُ أَسْمَاءِ

Исм эъроблари

Мўъраб исмнинг уч хил ҳолати бор: 1. Рафъ. 2. Насб. 3. Жар. Мўъраб исмнинг охиридаги ушбу уч ҳолатнинг ҳар бирида махсус

аломатлари бор. Мўъраб исм каломда ушбу уч ҳолатнинг қайси бирида экани охириги аломатидан билинади.

عَلَامَاتِ إِعْرَابِيَّةٍ

Эъроб аломатлари

Мўърабнинг охиридаги рафъ, насб ва жар ҳолатларига далолат этган аломатларга «эъроб» ёки «эъроб аломатлари», дейилади.

Охирида рафъ аломати бўлган исмга «марфуъ», дейилади. Охирида насб аломати бўлган исмга «мансуб», дейилади. Ва охирида жар аломати бўлган исмга «мажрур», дейилади. Эъроб аломатлари ҳаракат ёки иллатли ҳарф бўлади.

Эъроб ҳаракатлари 3 та: Замма, фатҳа, касра.

Эъроб ҳарфлари ҳам 3 тадир: و، ا، ي

Кўпинча рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа ва жар аломати касра бўлади. Баъзи вақтда «вов» ва «алиф» рафъ аломати бўлади. Баъзи вақтда «касра», «алиф» ва «йо» насб аломати бўлади. Баъзи вақтда «фатҳа» ва «йо» жар аломати бўлади.

Исмларнинг охирида қачон рафъ аломати бўлиши, қачон насб аломати бўлиши ва қачон жар аломати бўлиши «Таркибларнинг қоидалари» номли дарсда батафсил баён қилинади. Шунда ҳар хил мўъраб исмларнинг эъроб аломатлари баён қилинади.

38- §

إِعْرَابِ الْمَفْرَدَاتِ

Муфрадлар эъроби

Қоида: Мўъраб бўлган муфрад исмларнинг рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа ва жар аломати касрадир.

Масалан рафъ:

عَالَمٌ، الْعَالَمُ، عَالِمَةٌ، الْعَالِمَةُ، رَجُلٌ، الرَّجُلُ، مَكْتَبٌ، الْمَكْتَبُ

Насб:

عَالِمًا، الْعَالِمِ، عَالِمَةً، الْعَالِمَةِ، رَجُلًا، الرَّجُلِ، مَكْتَبًا، الْمَكْتَبِ

Жар:

عَالِمٌ، الْعَالِمِ، عَالِمَةٌ، الْعَالِمَةِ، رَجُلٌ، الرَّجُلِ، مَكْتَبٌ، الْمَكْتَبِ

Фақатгина **دُومَالِ** **فُوهُ**، **حَمُوَهَا**، **أَخُوهُ**، **أَبُوهُ** каби «асмой хамса» (беш исм) деб номланувчи беш муфраднинг эъроби бошқа муфрадларники каби ҳаракат билан эмас, балки охиридаги иллатли ҳарфлар биландир.

Қоида: Шунинг учун ушбу олти муфраднинг рафъ аломати **و** , насб аломати **ا** ва жар аломати **ي** дир.

Масалан:

أَبُوهُ، أَخُوهُ، حَمُوَهَا، فُوهُ، دُومَالِ
أَبَاهُ، أَخَاهُ، حَمَاهَا، فَاهُ، ذَامَالِ
أَبِيهِ، أَخِيهِ، حَمِيهَا، فِيهِ، ذِي مَالِ

Ушбу беш исмнинг эъроби иллатли ҳарфлар билан келиши бир исмга музоф бўлиши билан шарт бўлади. Агар ушбу исмлар ҳеч бир исмга музоф бўлмасдан ёлғиз зикр этилса эъроб иллатли ҳарф билан бўлмайди, балки бошқа исмлар каби уч ҳаракат билан бўлади. Масалан: **أَبٌ**، **أَبَاً**، **أَبٍ**، **أَخٌ**، **أَخًا**، **أَخٍ**

دُو - ҳеч қачон ёлғиз зикр қилинмайди.

Эслатма: **أَخَدُ** каби ғайри мунсариф бўлган муфрадларнинг эъроб иллатли ҳарфларини келгуси дарсларда баён этилади.

39- §

إعراب الشّيات والجموع

Иккилик ва кўпликнинг эъроблари

Қоида: Тасния сийғасида бўлган исмларнинг рафъ аломати «**ا**», насб аломати ҳам, жар аломати ҳам «**ي**» дир. Масалан:

Марфуълари: **مَكْتَبَانِ**، **رَجُلَانِ**، **عَالِمَانِ**، **عَالِمَانِ**

Мансуб ва мажрурлари: مَكْتَبَيْنِ، رَجُلَيْنِ، عَالِمَيْنِ، عَالِمَيْنِ

Қоида: Ушбу тасния сийғаларининг насб аломати бўлган сукунли ي нинг олди фатҳали бўлиши ва сўнгидаги ن касрали бўлиши лозимдир.

ملحقات الشنية

Иккилик қўшимчалари

كِلَاهُمَا، كِلْتَاهُمَا ва ثِنْتَانِ، اثْنَتَانِ، اِثْنَانِ каби тасния маъносида бўлган исмларнинг эъроби ҳам тасния эъроби каби бўлиб, рафъ аломати «ا», насб ва жар аломати ي дир. Масалан:

Марфуълари: مَكْتَبَانِ، رَجُلَانِ، عَالِمَانِ، عَالِمَانِ

Мансуб ва мажрурлари: كِلَيْهِمَا، كِلْتَيْهِمَا، اِثْنَيْنِ، اِثْنَيْنِ، ثِنْتَيْنِ

إعراب جمع السالم المذكر

Жамъу музаккар солимнинг эъроби

Қоида: Жамъи музаккар солим яъни жамъи нуний сийғаларининг рафъ аломати

(و)дир, насб аломати ҳам жар аломати ҳам (ي)дир. Масалан:

Марфуълари: أَجْمَعُونَ، مُسْلِمُونَ، مَعْلُومُونَ، عَالِمُونَ

Мансуб ва мажрурлари: أَجْمَعِينَ، مُسْلِمِينَ، مَعْلُومِينَ، عَالِمِينَ

Қоида: Ушбу жамъи музаккар солим сийғаларининг насб ва жар аломати бўлган (ي)нинг олди касрали бўлиши ва сўнгидаги ن фатҳали бўлиши лозим.

ملحقات جمع السالم المذكر

Жамъи музаккар солимнинг қўшимчалари

اُولُو عِلْمٍ، ذُو فَضْلٍ، عَشْرُونَ...تَسْعُونَ каби жамъ шаклида бўлган исмларнинг эъроблари ҳам жамъи музаккари солим эъроби кабидир. Яъни рафъ аломати (و), насб ва жар аломатлари (ي)дир.

Масалан:

Марфуълари: اُولُو عِلْمٍ، ذُو فَضْلٍ، عَشْرُونَ...تَسْعُونَ

Мансуб ва мажрурлари: اَلِي عِلْمٍ، ذَوِي فَضْلٍ، عَشْرِينَ...تَسْعِينَ

إعراب جمع المؤنث السالم

Жамъу муаннаснинг эъроби

Қоида: Жамъи муаннас солимнинг, яъни жамъи тоий сийғаларининг рафъ аломати замма, насб ва жар аломати эса касрадир. Масалан:

Марфуълари: مُسَلِّمَاتٌ، مَعْلُومَاتٌ، عَالِمَاتٌ

Мансуб ва мажрурлари: مُسَلِّمَاتٍ، مَعْلُومَاتٍ، عَالِمَاتٍ

إعراب جمع أكبر

Жамъу акбарнинг эъроби

Қоида: فَعَالِلٌ ва فَعَالِلٌ вазнлари билан шаклланган жамъи акбар сийғалирнинг рафъ аломати замма, насб ва жар аломати эса фатҳадир. Масалан:

Марфуълари: قَوَاعِدٌ، مَفَاتِيحٌ، مَكَاتِبٌ

Мансуб ва мажрурлари: قَوَاعِدٍ، مَفَاتِيحٍ، مَكَاتِبٍ

إعراب جمع أصغر

Жамъу асғарнинг эъроби

Қоида: Жамъи асғарлар муфрад ҳукмидадир. Муфрадлар каби уларнинг ҳам рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа ва жар аломати касрадир. Масалан:

رِجَالٌ - الرِّجَالُ، أَفْرَاسٌ - الأَفْرَاسُ، مَلَائِكَةٌ - المَلَائِكَةُ
 رِجَالًا - الرِّجَالِ، أَفْرَاسًا - الأَفْرَاسِ، مَلَائِكَةً - المَلَائِكَةِ
 رِجَالٍ - الرِّجَالِ، أَفْرَاسٍ - الأَفْرَاسِ، مَلَائِكَةٍ - المَلَائِكَةِ

Қоида: عُلَمَاءُ، أَصْدِقَاءُ каби ғайри мунсариф бўлган жамъи асғарларнинг эъроби бу қоидадан мустаснодир, чунки уларнинг эъроби бошқа ғайри мунсарифларнинг эъроби кабидир.

إِعْرَابٌ غَيْرٌ مَنْصُوفٌ

Ғойри мунсарифнинг эъроби

Араб тилида шундай исмлар борки, уларнинг охирига касра ва танвиннинг кириши жоиз эмас. Уларнинг охири ҳеч қачон касрали ва танвинли бўлмайди. Бу каби исмларни «**ғайри мунсариф**», дейилади. Ғайри мунсариф дегани бошқа арабча сўзлар каби сарфланмаган деганидир. Охирига касра ва танвинни қабул қилмайдиган оддий исмлар каби сарфланмагани учун ушбу ном билан номланган.

Ғайри мунсариф бўлган исмларнинг турлари келгуси дарсларда баён қилинади.

Қоида: Ғайри мунсариф бўлган исмларнинг рафъ аломати замма, насб аломати ва жар аломати фатҳадир. Масалан:

Марфуълари: عُلَمَاءُ، مَكَاتِبُ، أَحْمَدُ

Мансуб ва мажрурлари: عُلَمَاءَ، مَكَاتِبَ، أَحْمَدَ

Қоида: «ال» билан маърифа бўлган ва музоф бўлган ғайри мунсарифларнинг жар аломати касрадир.

Масалан: الأَحْمَدِ، المُكَاتِبِ، العُلَمَاءِ، بِأَحْمَدِكُمْ، إِلَى مَكَاتِبِكُمْ، مِنْ عُلَمَائِنَا

40- §

أَسْمَاءٌ غَيْرٌ مَنْصُوفَةٌ

Ғайри мунсариф исмлар

Ғайри мунсариф 12 хил бўлади:

1. أَحْمَدُ، أَعْلَمُ каби أَفْعَلُ вазнида бўлган алам ва сифатлар. Масалан:

أَسْوَدُ، أَحْمَرُ، أَحْمَدُ، أَعْلَمُ، أَفْضَلُ، أَحْمَرُ، أَسْوَدُ кабилар.

Эслатма: أَزْنَبُ каби алам ҳам, исми сифат ҳам бўлмаган исмлар ғайри мунсариф эмас.

2. دَرَاهِمُ، دَنَانِيرُ каби فَعَالِلُ вазни шаклида бўлган жамъи акбарлар.

Масалан:

دَرَاهِمُ، دَنَانِيرُ، قَوَاعِدُ، مَسَاجِدُ، مَصَابِيحُ

Эслатма: تَلَامِدَةٌ، مَلَائِكَةٌ каби «ة»ли бўлган жамълар булар каби ғайри мунсариф бўлмайди.

3. عُلَمَاءُ، مَرْضِيّИ каби охирида алифи мақсура ёки алифи мамдуда бўлган жамъи асғарлар. Масалан:

سُكْرِي، صَحَارِي، أَصْدِقَاءُ، عُلَمَاءُ، مَرْضِيّИ кабилар.

Эслатма: أَبْنَاءُ، أَسْمَاءُ каби жамъи асғар сийғаларининг охирида алифи мамдуда бўлса-да, ҳамзаси зоида ҳарф бўлмаганидан ғайри мунсариф эмас. أَشْيَاءُнинг жамъи شَيْئٌнинг ҳамзаси аслий ҳарф бўлса-да, хилоф равишда ғайри мунсарифдир.

4. صُغْرَاءُ، صُغْرَىИ каби охирида алифи мақсура ёки алифи мамдуда бўлган исмлар. Масалан: فَتْوَى، إِحْدَى، حَمْرَاءُ، صَحْرَاءُ، عَاشُورَاءُ каби.

5. زَيْنَبُ، فَاطِمَةُ каби «те»ли ва муаннаси маънавий бўлган исмлар.

Масалан: مَرْيَمُ، زَيْنَبُ، عَائِشَةُ، خَدِيجَةُ، فَاطِمَةُ каби.

Эслатма: Тои таънисли музаккари маънавий бўлган аламлар ҳам ушбу ҳукмга киради. Масалан: طَلْحَةُ، حَمْرَةٌ، مُعَاوِيَةُ، кабилар.

Эслатма: هِنْدُ، رَعْدُ каби ўртаси сукунли бўлган муаннас аламлар ғайри мунсариф эмас.

6. عِمْرَانُ، سَكْرَانُ каби охирида икки зоида: «ا» ва «ن» бўлган алам ва сифати мушаббахалар. Масалан: رَمَضَانَ، عُمَانَ، سَكْرَانَ، عِمْرَانَ каби.

Эслатма: Охирида икки зоида: «ا» ва «ن» бўлиб, муаннасларига таънис кирган сифати мушаббахалар ғайри мунсариф бўлмайди. Масалан: عُرْيَانٌ – عُرْيَانَةٌ، نَدْمَانٌ – نَدْمَانَةٌ

7. **Эслатма:** Ибраҳим, Исмаил каби ажамий бирор тилдан нақл қилинган аламлар.

Масалан: إِبْرَاهِيمَ، إِسْمَاعِيلَ، يَعْقُوبَ، يُوسُفَ، دَاوُدَ، سُلَيْمَانَ، إِسْكَندَرَ، جِبْرَائِيلَ каби.

Эслатма: نُوحٌ каби ўртаси сукунли бўлган ажамий аламлар ғайри мунсариф бўлмайди.

8. **Эслатма:** يَزِيدٌ، شَمْرٌ каби бирор бир феълдан нақл қилинган аламлар.

Масалан: تَبَّوْكَ، يَنْبُعُ، يَثْرِبُ، يَشْكُرُ، يَزِيدُ، بَدَّرَ، شَمْرٌ каби.

Ушбу аламларнинг баъзиси ҳайвон исми, баъзиси инсон исми ва баъзиси жой ёки шаҳар номларидир.

9. **Эслатма:** بَعْلَبَكُ، خَضْرَمَوْتُ каби аслида икки калимадан таркиб топиб, сўнгра бир калима ҳукмида ишлатиладиган аламлар.

Масалан: شَمْسُ قَمَرٍ، بُحْتَنَصْرٍ، خَضْرَمَوْتُ، بَعْلَبَكُ каби.

Эслатма: مُحَمَّدُ الْأَمِينُ، عَبْدُ اللَّهِ каби каломда икки калима ҳукмида ишлатиладиган мураккаб аламлар ғайри мунсариф бўлмайди.

10. **Эслатма:** أَوْلُ، أَخْرُ، قَزَحُ، رُحْلُ، مُضَرُّ، زُفَرُّ، عُمَرُ каби вазнида бўлган аламлар ва баъзи жамъ сийғалари. Масалан: كُنْتُعُ، جُمُعُ، أَوْلُ، أَخْرُ، قَزَحُ، رُحْلُ، مُضَرُّ، زُفَرُّ، عُمَرُ каби.

Эслатма: دُوْلُ каби зикр қилинган жамълардан бошқа فُعْلُ вазнидаги жамълар ғайри мунсариф эмас.

11. **Эслатма:** أَحَادٌ، مَوْحَدٌ каби такрор учун бўлган исми ададлар.

Масалан: مَعْشَرَ – عَشَارَ، مَثَلَتْ – ثَلَاثَ، مَثَيَّ – ثُنَاءَ، مَوْحَدَ – أَحَادَ каби.

12. **Эслатма:** بَغْدَادُ، مِصْرُ каби мамлакат ва шаҳар номлари.

Масалан: بَيْرُوتُ، بَابِلُ، بَغْدَادُ، بُلْعَارُ، مِصْرُ каби.

Қоида: Ушбу ғайри мунсариф бўлган исмларнинг охири ҳеч касрали ва танвинли бўлмайди. Шу сабабдан ғайри мунсариф бўлган исмларнинг жар аломати ҳам насб аломати ҳам фатҳадир.

Қоида: Ғайри мунсариф бўлган исмлар «ال» билан маърифа қилинса ёки бир исмга музоф бўлса, жар аломати касра бўлади. Маслан: أَحْمَدُكُمْ، الأَحْمَرُ каби.

Қоида: Шеър вазнларининг риояси учун гоҳо ғайри мунсарифга касра ёки танвин киради.

Масалан: صَبَّتْ عَلَى مَصَائِبٍ لَوْ أَنَّهَا * صَبَّتْ عَلَى الْأَيَّامِ صِرْنَ لِيَالِيَا

Менга мусибатлар етди. Агар бу мусибатлар кундузларга етса эди, кун қоронғулашиб кетарди

деган шеърнинг вазни мукамал бўлиши учун مَصَائِبُ бўлиб, танвинли келгани каби. Яна:

سَلَامٌ عَلَى خَيْرِ الْأَنْامِ سَيِّدِ *** حَبِيبِ إِلَهِ الْعَالَمِينَ مُحَمَّدِ
بَشِيرِ نَذِيرِ هَاشِمِيِّ مُكْرَمِ *** عَطُوفِ رَوْوفٍ مَنْ يُسَمِّي بِأَحْمَدِ

назмида қофияга риоя қилиш учун, яъни байтларнинг охирлари бир-бирига мувофиқ бўлиши учун بِأَحْمَدِ касрали бўлгани каби.

Қоида: Ғайри мунсариф бўлган аламлардан хусусий бир шахснинг айнан ўзини хоҳламасдан, умумий маъно ирода этилса ғайри мунсарифлиги йўқ бўлиб, охирига касра ва танвин кириши жоиз бўлади. Масалан: مُوسَى فِرْعَوْنَ ва مُوسَى فِرْعَوْنَ فِرْعَوْنِнинг таркибидаги فِرْعَوْنَ ва مُوسَى лафзларида Миср фиръавни Мусо ирода қилинмасдан мутлақо ботил ва ҳақ маънолари ирода қилинганидан, охирига касра ва танвин киради. Яна:

بَعْضُ أَحْمَدٍ عَالِمٌ وَلَيْسَ كُلُّ أَحْمَدٍ بِعَالِمٍ нинг таркибидаги أَحْمَدُ лафзлари каби, улардан хос Аҳмад исмли бир одам ирода этилмасдан, балки ҳар бирида мутлақо Аҳмад билан номланган маъно ирода этилганидан, ҳар иккисининг охири касра ва танвин бўлган.

41- §

إِعْرَابٌ لَفْظِيٌّ وَتَقْدِيرِيٌّ

Лафзий ва тақдирий эъроблар

Мўъраб исмларнинг эъроблари кўпинча лафзларда зоҳир бўлади. Масалан: *زَيْدًا، زَيْدٌ، أَيْبُهُ، أَبَاهُ، أَبِيهِ* каби.

Ушбу исмлардаги каби лафзда зоҳир бўлган эъробга «**лафзий эъроб**», дейилади. Баъзи мўъраб исмларнинг эъроблари узрли ёки талаффузга қийин бўлгани учун лафзда зоҳир бўлмайди. Шундай бўлса-да, у исмларда ҳам эъроб борлиги фараз ва тақдир қилинади. Лафзда бўлмай, фараз ва тақдирда бўлган эъробга «**тақдирий эъроб**», дейилади.

Мўъраб исмнинг беш хили эъроби тақдирий бўлади:

1. *حُبْلَى، مُوسَى، الْفَتَى، الْعَصَا* каби охири сукунли алиф бўлган исмларнинг эъроби рафъ, насб ва жар ҳолатларининг ҳар бирида тақдирий бўлади. Чунки алиф бу ерда ҳеч бир ҳаракат билан ҳаракатланмайди. *الْعَصَا، الْفَتَى* лафзлари «*ال*»сиз накра бўлса танвинли бўлиб, охиридаги алифи тушиб кетади. Масалан: *فَتَى، عَصَا*

2. *الْمُفْتِي، الْقَاضِي* каби охирида «*ي*» бўлган исмларнинг эъроби рафъ ва жар ҳолларида тақдирий бўлади, чунки «*ي*»га замма ва касра оғирдир.

Масалан: *الْمُفْتِي، الْقَاضِي، الْقَاضِي، الْقَاضِي* дейиш тилга оғир. Фатҳа «*ي*»га оғирлик қилмагани туфайли зикр қилинган исмларнинг эъроблари насб ҳолида тақдирий эмас, балки лафзийдир.

Масалан: *الْمُفْتِي، الْقَاضِي* каби. Ушбу исмлар «*ال*»сиз накра бўлса, рафъ ва жар ҳолида «*ي*»лари ҳазф бўлади. Масалан: *قَاضٍ، مُفْتٍ* каби.

Мунаккар бўлганида охирида икки сукун бир жойда жамланиб қоляпти. Бу нарса араб тилида жоиз эмас. Аммо насб ҳолида накра бўлса ҳам, «*ي*»лари маҳзуф бўлмайди. Балки фатҳалик қилиб зикр этилади: *مُفْتِيًا، قَاضِيًا* каби.

3. *الْمَرَامِي، الْجَوَارِي* ларнинг жамълари бўлган *الْمَرَامِي، الْجَوَارِي* каби *الْفَعَالِي* вазнида бўлиб, охирида «*ي*» бўлган жамъ сийғаларининг эъроблари ҳам рафъ ва жар ҳолларида тақдирий бўлади. Аммо насб ҳолида тақдирий бўлмай балки лафзий бўлади. Бу жамъларнинг ҳукми ҳам

юқоридаги *قَاضِي* лафзининг ҳукми кабидир. Маърифалари рафъ ва жар ҳолида *الجَوَارِي*, *المَرَامِي* бўлади, насб ҳолида эса *الجَوَارِي*, *المَرَامِي* бўлади. Накралари рафъ ва жар ҳолларида *مَرَامٍ*, *جَوَارٍ* бўлади, насб ҳолида эса бўлади. Накралари рафъ ва жар ҳолларида *مَرَامٍ*, *جَوَارٍ* бўлади, насб ҳолида эса *جَوَارِي* ва *مَرَامِي* бўлади.

Агар исмнинг охирида «و» ёки «ي» бўлиб, уларнинг олди сукунли бўлса, у исмнинг эъроби уч ҳолда ҳам тақдирий бўлмасдан лафзий бўлади. Зеро олди сукунли бўлган ҳарфи иллатларга замма ҳам касра ҳам оғир эмас.

Масалан: *سَعْيًا، سَعْيِي - دَلْوًا، دَلْوًا، دَلْوٍ* каби.

4. Мутакаллим «ي»си музоф бўлган исмларнинг эъроби учта ҳолатда ҳам тақдирий бўлади.

Масалан: *كِتَابِي، قَلْبِي، فَرَسِي* каби. Ушбу исмларнинг охири «ي»га муносиб бўлиши учун касра билан ҳаракатлантирилгани сабабли у касранинг узри билан бошқа бир эъроб аломатини келтириш узрлидир. Шунинг учун ушбу исмлар ҳамма ҳолда бир хил ишлатилади.

5. Охири фатҳасиз ҳолда (яъни заммалик ва касралик) танвин қилинган исмларнинг эъроби вақф ҳолатида талаффуз этилмайди.

Масалан: *جَلَسْتُ مَعَ زَيْدٍ، جَاءَ زَيْدٌ* Охири фатҳа билан танвин қилинган исмларда эса уларнинг эъроби вақф ҳолатида ҳам талаффуз этилаверади. Масалан: *رَأَيْتُ زَيْدًا، ضَرَبْتُ وَدَدًا* каби.

Қўшимча: Умумий сўзлашувда кўпчилик калималарнинг эъроблари зоҳир бўлмай қолади. Чунки омма халқ калималарнинг кўпларини вақф билан талаффуз қилади.

Масалан: *يَخْرُجُ، حجاج، من مكة، إلى مدينة* каби.

Шунга ўхшаш *إِيش تَطْلُبُ* ва *مَا فِيهِ شَيْءٌ* каби лафзлар ҳам учраб турадики, улар аслида *أَي شَيْءٍ تَطْلُبُ* ва *مَا فِيهِ شَيْءٌ* бўлган. Оғзаки нутқда бундай ҳоллар кўп учрайди.

Хукмий эъроблар

Жумла ва калом ичида зикр қилинган исмларнинг мўъраб бўлганлари кўпинча лафзий эъроб билан жуда кам ҳолатларда тақдирий эъроб билан мўъраб бўлади. Агар жумла ичида мабний бўлган исмлар зикр қилинса, лафзий эъроб ҳам тақдирий эъроб ҳам бўлмайди. Зеро, эъробли бўлиш мўъраб исмларга хослангандир. Шундай бўлса-да, қоидаларга мувофиқ бўлиши учун жумлада зикр қилинган мабний исмларда ҳам бир эъроб бордек ҳукм қилинади. Ўрнига кўра баъзилари ҳукман марфуъ, баъзилари ҳукман мансуб ва баъзилари ҳукман мажрур саналади. Мабнийларнинг зикр қилинган эъроб эътиборларига «**эъроб**и **ҳукмий**», дейилади.

42- §

إعراب فعل المضارع

Музореъ феълининг эъроб

Музореъ феълининг эъроб

уч хил бўлади.
1) Рафъ 2) Насб. 3) Жазм.

Кўпинча рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа ва жазм аломати сукун бўлади. Музореъ феълининг булардан бошқа эъроблари «эъробий аломатлар» бобида баён этилади. Ушбу уч эъроб билан музореъ феъли марфуъ ёки мансуб ёки мажзум бўлади.

مضارع مجزوم

Музореънинг жазм ўрни

Қоида: Агар музореъ феълининг аввалида «жазм қилувчи ҳарфлар» деб атулувчи ҳарфлардан бири келса, феъл мажзум бўлади. Жазм қилувчи ҳарфлар 5 та: **إِنْ، لَمَّا، لَمْ، لَا، لِيَفْتَحْ**

Масалан: **إِنْ يَفْتَحْ، لَمَّا يَفْتَحْ، لَمْ يَفْتَحْ، لَا يَفْتَحْ، لِيَفْتَحْ** каби.

اِفْتَحْ каби амр ҳозир сийғалари ҳазф бўлган ل билан жазм бўлади. Чунки اِفْتَحْ аслида لَتَفْتَحْ дир.

Зикр қилинган жозима ҳарфларидан аввалги тўрттаси фақат бир музореъ феълини жазм қилади. Аммо энг сўнггиси бўлган اِنْ эса ҳар доим икки музореъ феълини жазм қилади. Масалан:

اِنْ تَضْرِبْ - اَضْرِبْ. Ушбу اِنْ да шартийя маъноси борлиги учун « اِنْ شَرْطِيَّة » деб номланади.

Қоида: « اِنْ شَرْطِيَّة » билан жазм қилинган музореъ феълига атф ҳарфларининг бирига тобеъ бўлган музореъ феъли ҳам жазм бўлади. Масалан: اِنْ تَفُزْ فَتَكُنْ مَسْعُودًا - اِنْ يَجْتَهِدْ وَتَعَلَّمَ каби.

Қоида: Амр, наҳий ва истифҳомдан сўнг музореъ феъли зикр қилиниб мажзум бўлса, уни жазм қилувчи феъл жумлада зоҳир бўлмаса, тақдир (асли)да бор деб фараз қилинади ва ҳазф қилинган اِنْ « اِنْ مُقَدِّمَةِ الشَّرْطِيَّة » деб номланади.

Масалан:

اِنْ تَزُرْنِي اَكْرَمَكَ каби, бу аслида زُرْنِي اَكْرَمَكَ дир.

اِنْ تَدْخُلْ اَطْرُدَكَ каби, бу аслида لا تَدْخُلْ اَطْرُدَكَ дир.

اِنْ يَكُنْ لَكُمْ مَاءٌ اَشْرَبُوهُ каби, бу аслида هَلْ لَكُمْ مَاءٌ اَشْرَبُوهُ дир.

كلمات جازمة

Жазм (суқун) қилувчи калималар

Қоида: « اِنْ شَرْطِيَّة » каби шарт маъносини ифода қилувчи 12 калима борки, улар ҳам музореъ феълини жазм қила олади. Бироқ улар юқоридаги беш ҳарф каби битта феълни эмас, балки икки феълни жазм (суқун) қилади. Бунинг учун ушбу икки феълнинг биринчиси шарт, иккинчиси эса жавоби шарт бўлиши лозим. Масалан:

مَا تَصْنَعُ - أَصْنَعُ

مَنْ يَجْتَهِدُ - يَعْلَمُ
 أَيُّهُمْ يَضْحَكُ - يُضْرَبُ
 مَنِّي تَخْرُجُ - أَخْرَجُ
 أَيَّانَ تَمْرِضُ - أَمْرِيضُ
 أَيَّنَ تَجْلِسُ - أَجْلِسُ
 أَنِّي تَأْخُذُ - آخُذُ
 مَهْمَا تَطْلُبُ - بَجِدُ
 كَيْفَمَا تَسِيرُ - أَسِيرُ
 حَيْثُمَا تَجْلِسُ - أَجْلِسُ
 إِذَا مَا تَأْكُلُ - أَكُلُ
 إِذَا مَا تَقْرَأُ - أَسْتَمِعُ

Ушбу 12 калимани «**жозима калималар**» (сукун қилувчи калималар), деб аталади. Баъзида «**إِنْ شَرْطِيَّةٌ**» билан жозима калималарнинг баъзилари мозий феълга ҳам киради. Масалан:

إِنْ ضَرَبَ - قَتَلَ، مَنْ عَابَ - عَيْبَ

Ушбу жумлалардаги мозий феъллар мабний бўлгани учун зоҳирда жазм бўлмади.

Қоида: «**إِنْ شَرْطِيَّةٌ**» ва «**жозима калималар**» кирган феълларнинг аввали мозий феъл бўлиб, кейингиси музореъ феъли бўлса, музореъ феъли лафзан жазм бўлмасдан марфуъ бўлади. Масалан:

إِنْ ضَرَبَ يَفْتُلُ، مَنْ ضَحِكَ يُضْحَكُ عَنْهُ

مُضَارِعُ الْمَنْصُوبِ

Фатҳа ўқиладиган музореъ

Қоида: Музореъ феълининг аввалида «**насб қилувчи**» деб аталувчи ҳарфлардан бири келса мансуб бўлади. Насб қилувчи ҳарфлар тўртта: أَنْ، لَنْ، كَيْ، إِذَنْ

Масалан;

- (۱) أَنْ يَفْتَحَ، أَنْ تَفْتَحَ، أَنْ أَفْتَحَ (مضارع مصدرى)
 (۲) لَنْ يَفْتَحَ، لَنْ تَفْتَحَ، لَنْ أَفْتَحَ (نفي استقبالى تأكيدى)
 (۳) كَيْ يَفْتَحَ، كَيْ تَفْتَحَ، كَيْ أَفْتَحَ (مضارع تعليلى)
 (۴) إِذَنْ أَفْرَأَ – ундай бўлса ўқийман

Эслатма: Музореъ феълини إِذَنْ билан мансуб бўлиши жуда нодирдир. Кўпинча إِذَنْ дан сўнг келган музореълар марфуъ бўлади. Маслан: أَنَا إِذَنْ أَفْرَأُ каби. Бунинг ҳукмлари «турли хил калималар» бобида муфассал баён қилинади.

Баъзида музореъ феъли жар қилувчи ل ва حَيِّ дан сўнг «тақдир қилинган أَنْ» билан мансуб бўлади. Масалан:

أَجْتَهِدُ لِأَنْ أَكُونَ عَالِمًا каби, аслида бу أَجْتَهِدُ لِأَنْ أَكُونَ عَالِمًا дир.

أَجْتَهِدُ حَتَّى أَنْ أَجْمَعَ الْعُلُومَ каби, аслида бу أَجْتَهِدُ حَتَّى أَنْ أَجْمَعَ الْعُلُومَ дир.

Атф ҳарфларидан мансуб бўлган бир музореъ феъл ҳам, атф қилинган музореъ феъллари тақдир қилинган «أَنْ» билан мансуб бўлади. Масалан:

أُرِيدُ أَنْ أَجْتَهِدَ وَأَعْلَمَ فَأَتَفَنَّ ثُمَّ أُدْرَسَ

каби, аслида

أُرِيدُ أَنْ أَجْتَهِدَ وَأَنْ أَعْلَمَ فَأَنْ أَتَفَنَّ ثُمَّ أَنْ أُدْرَسَ

مُضَارِعُ الْمَرْفُوعِ

Замма ўқилувчи музореъ феъли

Қоида: Музореъ феълининг аввалида насб ёки жазм қилувчи калималар бўлмаса, марфуъ қилинади.

Масалан: يَفْتَحُ، تَفْتَحُ، أَفْتَحُ каби.

Музореъ феълининг аввалида жозима ҳарфлар ва насб қилувчи ҳарфлардан бошқа ҳарфлар бўлса ҳам феъл марфуъ бўлади. Масалан:

لِيُفْتَحَ، سَيُفْتَحُ، مَا يُفْتَحُ، لَا يُفْتَحُ، وَيُفْتَحُ، فَيُفْتَحُ، أَيُفْتَحُ، قَدْ يُفْتَحُ

43- §

Музореъ феълининг эъробий аломатлари

Музореъ феъли 14 та сийғада келади: 6 та ғоиб (3-шахс), 6 та мухотаб (2-шахс) ва 2 та мутакаллим (1-шахс):

يُفْتَحُ، يُفْتَحَانِ، يُفْتَحُونَ، تَفْتَحُ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحُونَ، تَفْتَحِينَ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحْنَ، أَفْتَحُ، أَفْتَحَانِ، أَفْتَحُونَ.

Ушбу 14 сийғадан 5 тасининг охирида «нун»лари йўқдир.

يُفْتَحُ، تَفْتَحُ، تَفْتَحَانِ، أَفْتَحُ، أَفْتَحَانِ، أَفْتَحُونَ.

Бу сийғаларга "муфрадот" дейилади. **يُفْتَحُ** жамъ сийғаси бўлса ҳам охирида «нун»и бўлмагани учун муфрад ҳукмида эътибор қилинади. Қолган 7 тасининг охирида бир зоида ҳарфдан кейин бир «нун»и бор.

يُفْتَحَانِ، يُفْتَحُونَ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحُونَ، تَفْتَحِينَ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحْنَ.

Бу сийғаларга «нуния сийғалари» дейилади. Ушбу сийғаларнинг кўпи иккилик ва жамъ сийғаларидир. Фақат **تَفْتَحِينَ** муфрад муаннас сийғасидир. Яна иккита сийғанинг охирида «нун»лари бўлса ҳам зоида ҳарфдан кейин келган эмас. Яъни, 7 та нуния сийғалари каби «нун»ларидан олдин бир ҳарфи иллат йўқдир: **يُفْتَحَانِ**, **يُفْتَحُونَ**. Булар икки жамъи муаннас сийғасидир.

Жамъи муаннас сийғалари

Музореъ феълининг икки муаннас жамъ сийғаси мабнийдир. Унинг охири доимо бир ҳолда ишлатилади. «Нун»лари кўплик аломати бўлгани учун ҳеч қачон соқит бўлмайди. Ушбу икки сийғанинг аввалига жазм қилувчи ёки насб қилувчи калималардан бирортаси келса ҳам ёки умуман ҳеч бир нарса келмаса ҳам, охири доимо бир ҳолатда бўлади. Масалан:

إِنْ يُفْتَحْنَ - إِنْ تَفْتَحْنَ، أَنْ يُفْتَحْنَ - أَنْ تَفْتَحْنَ، يُفْتَحْنَ - تَفْتَحْنَ

Нуния сийғаларининг эъроби

Нуния сийғаларининг аввалида жазм қилувчи ёки насб қилувчи ҳарфлар келса, охиридаги «нун»лар соқит бўлади:

إِنْ يَفْتَحَا، إِنْ تَفْتَحُوا، إِنْ تَفْتَحَا، إِنْ تَفْتَحُوا، إِنْ تَفْتَحِي
أَنْ يَفْتَحَا، أَنْ تَفْتَحُوا، أَنْ تَفْتَحَا، أَنْ تَفْتَحُوا، أَنْ تَفْتَحِي

Нуния сийғалари жозима ҳарфлари билан мажзум, насб қилувчи ҳарфлар билан мансуб бўлади. Агар нуния сийғаларининг аввалида жозима ҳарфлари ҳам, насб қилувчи ҳарфлар ҳам бўлмаса, «нун»лари тушиб кетмасдан қолади. Ҳамда собит бўлган «нун» билан марфуъ бўлади.

يَفْتَحَانِ، يَفْتَحُونَ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحُونَ، تَفْتَحِينَ، تَفْتَحِينَ

Қоида: Ушбу еттита нуния сийғалари марфуъ бўлганида «нун»лари собит бўлади, аммо мансуб ва мажзум бўлганида «нун»лари соқит бўлади. Шундай экан нуния сийғаларининг рафъ аломати собит бўлган «нун»дир, насб ва жазм аломати соқит бўлган «нун»дир.

44- §

إعراب مفردات

Бирлик сийғаларининг эъроби

Музореъ феълининг 5 та муфрад сийғаси охирининг эътибори билан уч турли бўладилар: 1. Саҳиҳ (соғлом). 2. Мудғом (ташдидли). 3. Муътал (иллатли).

Охири (و،،ي) бўлмасдан саҳиҳ ҳарф келган сийғаларга «саҳиҳ» дейилади. Масалан: يَفْتَحُ، تَفْتَحُ، نَفْتَحُ، أَفْتَحُ، نَفْتَحُ каби.

Охири ташдидли бўлган сийғаларга «мудғом» дейилади. Масалан:

يَفْرُ، تَفْرُ، نَفْرُ، أَمْرُ، نَمْرُ
يَفِرُّ، تَفِرُّ، نَفِرُّ، أَفِرُّ، نَفِرُّ

يَمَسُّ، تَمَسُّ، تَمَسُّ، أَمَسُّ، نَمَسُّ

Охирида иллатли ҳарф бўлган сийғаларга муътал (المُعْتَلَّ) дейилади. Масалан:

يَعْدُو، تَعْدُو، تَعْدُو، أَعْدُو، نَعْدُو

يَرْمِي، تَرْمِي، تَرْمِي، أَرْمِي، نَرْمِي

يَخْشِي، تَخْشِي، تَخْشِي، أَخْشِي، نَخْشِي

أعراب مفردات صحيحة

Соғлом бирликнинг сиғалари

Саҳиҳ бўлган бирликларнинг рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа, жазм аломати эса суқун бўлади. Масалан:

каби. أَنْ يَفْتَحَ، أَنْ يَفْتَحَ، أَنْ يَفْتَحَ

Охири саҳиҳ бўлган бирлик сийғасининг олди суқунли ҳарфи иллат бўлса, икки суқун бир ерда жам бўлмаслиги учун жазм ҳолида ҳарфи иллат ҳазф бўлади. Масалан, أَنْ يَبِيعَ، أَنْ يَبِيعَ، أَنْ يَبِيعَ каби. Рафъ ҳолда бу феъллар يَخَافُ، يَبِيعُ، يَتَّقُ дир.

اعراب مفردات مدغمة

Идғомли бирликларнинг эъроби

Ташдид бўлган бирлик сийғаларининг рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа ва жазм аломати суқундир. Масалан:

يَمْرُ، يَمْرُ، يَمْرُ

أَنْ يَمْرُ، أَنْ يَمْرُ، أَنْ يَمْرُ

إِنْ يَمْرُ، إِنْ يَمْرُ، إِنْ يَمْرُ

Ушбу ташдид бўлган муфрад сийғаларининг жазм аломати суқун бўлса ҳам жазм ҳолида кўпинча охири ташдид бўлиб, фатҳа ёки касра билан ишлатилади. Масалан:

каби إِنَّ يَمْزُ، إِنَّ يَمْزُ، إِنَّ يَمْزُ، إِنَّ يَمْزُ، إِنَّ يَمْزُ، إِنَّ يَمْزُ، إِنَّ يَمْزُ، إِنَّ يَمْزُ، إِنَّ يَمْزُ، إِنَّ يَمْزُ

إعراب مفردات المعتلة

Иллатли бирликларнинг эъроби

Муътал бўлган бирлик сийғаларининг рафъ аломати аслида заммадир. Лекин охири иллат ҳарфи бўлгани сабабли заммаси лафзда зоҳир бўлмасдан тақдирий бўлади. Масалан:

бўлган. يَدْعُو، يَزْمِي، يَخْشَى каби. Аслида бу يَدْعُو، يَزْمِي، يَخْشَى

Булар ҳар бири эълол қоидаларига мувофиқ эълол қилинади. Масалан: يَدْعُو، يَزْمِي، يَخْشَى каби.

Муътал бўлган бирлик сийғаларининг насб аломати фатҳадир. Масалан: أَنْ يَدْعُو، أَنْ يَزْمِي، أَنْ يَخْشَى каби.

Қоида: Таъкид нуни туташган бирлик сийғалари умуман мабний бўлиб, охири доимо фатҳа бўлади. Масалан:

لَيُفْتَحَنَّ، لَيُزْمَنَّ، لَيَدْعُونَنَّ، لَيَزْمِينَنَّ، لَيَخْشَيْنَنَّ

Мана бу мисолларда барча феълларнинг охири яъни таъкид нунидан олдинги ҳарф фатҳалиқдир.

45- §

قواعد تركيب الكلمات

Калималар таркиб топишидаги қоидалар

Ёлғиз бир калимага بسيط ва مفرد дейилади. Масалан: كِتَابٌ، زَيْدٌ، رَجُلٌ، عَالَمٌ، نَفْسٌ

Ёнма-ён зикр қилинган икки калиманинг мажмуасига мураккаб ва таркиб дейилади. Масалан:

كِتَابُ زَيْدٍ، الرَّجُلُ الْعَالِمُ، زَيْدٌ نَفْسُهُ، زَيْدٌ عَالِمٌ، كَتَبَ زَيْدٌ

Таркиб икки турли бўлади. 1. Ноқис таркиб. 2. Том таркиб.

Маъносида фалон нарса шундай ва иш шундай бўлди дегани каби бир ҳукм тушунилмаган таркибга «**ноқис таркиб**» дейилади. Масалан: **كَتَابُ زَيْدٍ، الرَّجُلُ الْعَالِمُ، زَيْدٌ نَفْسُهُ**.

Маъносида фалон нарса шундай ва иш шундай бўлди дегани каби бир ҳукм тушунилган таркибга «**том таркиб**» дейилади.

Масалан: **كَتَبَ زَيْدٌ، زَيْدٌ جَاهِلٌ، زَيْدٌ كَتَبَ** каби.

Том таркиблар жумла ва калом деб номланади.

46—§

تراكيب الناقصة

Ноқис таркиблар

Ноқис таркиблар жумлада бир калима ҳукмидадир. Зеро, жумла ичида уларнинг фақат аввалги қисмлари эътиборлидир, иккинчи қисмларига эътибор эса йўқдир. Чунки уларнинг иккинчи қисмлари фақат биринчи қисмларини таъйин қилиш учун келади. Шу сабабдан, ноқис таркибнинг аввалги қисми **асл** ва иккинчи қисми **фаръ** (иккиламчи) дейилади. Ноқис таркибларда биринчи қисмни таъйин қилиш учун ишлатиладиган фарълар уч хил бўлади: 1. Музофун илайҳи. 2. Сифат. 3. Таъкид.

المضاف إليه

Аслининг кимга ва нимага мансуб эканини баён қилиш учун келган фаръларга «**музофун илайҳ**» дейилади. Масалан:

زَيْدِ الْمَدْرَسَةِ жумласидаги **بَابُ الْمَدْرَسَةِ، كِتَابُ زَيْدِ** лар каби. Музофун илайҳнинг аслларига музоф дейилади. Музоф ва музофун илайҳнинг мажмуасига изофий таркиб, дейилади.

Музофун илайҳ гўё кимнинг? ниманинг? каби саволларга жавоб ҳукмида зикр этилади. Музоф ва музофун илайҳ ўзбек тилига

таржима қилинганда аввал музофун илайҳга маъно бериб, кейин музоф таржима қилинади. Музофун илайҳнинг маъносига (-нинг) ҳарфлари қўшилади. Юқоридаги мисоллардаги Зайднинг китоби ва мадрасанинг эшиги, дейилгани каби.

قواعد تركيب إضافية

Изофа таркиби қодалари

Қоида: Музофун илайҳ бўлган исмларнинг ҳар бири мажрур бўлади. Масалан:

كِتَابُ بَكْرٍ، قَلَمُ عَلِيٍّ، بَابُ الْحَدِيقَةِ، مَطْبَعُ الْمَدْرَسَةِ، بَيْتُ الرَّحْلَيْنِ، حُجْرَةُ الطَّالِبِينَ، مَكَاتِبُ الصَّبَّانِ، مَجْلِسُ الْعُلَمَاءِ، مَسْجِدُ الْمُسْلِمِينَ، دَائِرُ الْمُعَلِّمَاتِ، لِيَاسُ أَحْمَدَ، طَلَبَاءُ مَكَاتِبِ.

Қоида: Исми замир ва исми ишоралар каби мабний бўлган исмлар музофун илайҳ бўлса, лафзда мажрур бўлмасдан балки ҳукман мажрур бўлади. Масалан:

كِتَابُهُ، كِتَابُكَ، كِتَابِي، كِتَابُ هَذَا، كِتَابُ هَذِهِ، كِتَابُ هَؤُلَاءِ

Қоида: Музоф бўлган исмларда ҳеч «ال» бўлмайди балки доимо «ال» сиз келади. Масалан: كِتَابُ زَيْدٍ дейилади лекин كِتَابُ الْمَدْرَسَةِ дейилмайди.

Фақат غَيْرُ лафзи бу ҳукмдан истиснодир. Чунки унинг накралиги жуда қувватли бўлганидан, уни маърифа қилиш учун музоф бўлса ҳам «ال» киритилади. Масалан:

الغَيْرُ الْمُقْبُولِ، الغَيْرُ الْمَشْهُورِ

Қоида: Музоф бўлган исмлар ҳеч танвинли бўлмайди. Масалан: كِتَابُ زَيْدٍ дейилмайди.

تابع إضافات

Кетма-кет келувчи изофалар

Баъзида музофлар кетма-кет келади яна бир неча исм бир-бирига музоф бўлиш билан тартибланади. Масалан:

خَادِمٌ بَكْرٍ، يَدُ خَادِمٍ بَكْرٍ، اصْبَعُ خَادِمٍ بَكْرٍ، ظَفُرُ اصْبَعِ خَادِمٍ بَكْرٍ

Изофаларнинг кетма-кет келиши фасоҳат жиҳатидан мақбул эмас. Баъзан бир исмда икки музоф бўлади. Масалан: كِتَابٌ وَقَلَمٌ بَكْرٍ кабики, аслида булар كِتَابٌ بَكْرٍ وَقَلَمٌ بَكْرٍ дир. Гоҳо музореъ масдарий жумласи музофун илайҳ бўлади. Масалан: زَمَانَ (أَنْ يَسِيرَ)، جَوَازُ (أَنْ يَأْكُلَ) حِينَ (أَنْ يَشْرَعَ) кабилар.

47-§

الصفة

Сифат

Аслини таъриф ва тавсифлаб келган фаръларга сифат дейилади. Масалан:

الرَّجُلُ الْعَاقِلُ، الْإِنْسَانُ الْكَامِلُ، الْكِتَابُ الْكَبِيرُ، الصَّحِيفَةُ الْكَبِيرَةُ

Сифатларнинг асларига мавсуф, дейилади. Мавсуф ва сифатнинг мажмуасига **тавсифий таркиб**, дейилади. Сифатлар гўё қандай? қайси? каби саволга жавоб ҳукмида зикр қилинади. Мавсуф ва сифатни ўзбек тилига таржима қилишда аввал сифат таржима қилиниб, кейин мавсуфга маъно берилади.

قواعد الصفات

Сифатлар қоидаси

Қоида: Сифатлар музаккар ёки муаннас сийғаси бўлишда мавсуфларига эргашади. Масалан:

الرَّجُلُ الْعَاقِلُ، الْمَرْأَةُ الْعَاقِلَةُ، الْكِتَابُ الْكَبِيرُ، الصَّحِيفَةُ الْكَبِيرَةُ

Қоида: Сифатлар, муфрад, тасния ва жамъ бўлишда ҳам мавсуфларига эргашадилар. Масалан:

الرَّجُلُ الْعَاقِلُ، الرَّجُلَانِ الْعَاقِلَانِ، الرَّجُلُ الْعَقْلَاءُ، الْمُسْلِمُونَ الْعَاقِلُونَ، الْمَرْأَةُ الْعَاقِلَةُ، الْمَرْأَتَانِ الْعَاقِلَتَانِ، النِّسَاءُ الْعَاقِلَاتُ، الْمُسْلِمَاتُ الْعَاقِلَاتُ

Қоида: Одам боласидан бошқа нарсаларнинг жамъ сийғаларининг сифатлари доимо муфрад-муаннас сийғасида бўлади. Масалан:

الأشجار الطويلة، الأفراس السائمة، الحيوانات الصغيرة، العلوم الإسلامية، الفنون الجديدة، الكتب المفيدة، الأخلاق الحسنة.

Қоида: Маърифа ва накра бўлишда ҳам сифатлар мавсуфларига эргашади. Масалан:

الرَّجُلُ الْعَاقِلُ، الْعِلْمُ النَّافِعُ، الْكِتَابُ الْكَبِيرُ، الْمَدْرَسَةُ الْجَدِيدَةُ، رَجُلٌ عَاقِلٌ، عِلْمٌ نَافِعٌ، كِتَابٌ كَبِيرٌ، مَدْرَسَةٌ جَدِيدَةٌ

Қоида: Марфуъ, мансуб ва мажрур бўлишда ҳам сифатлар мавсуфларига эргашади. Масалан:

المُسْلِمُ الْعَاقِلُ، الْمُسْلِمَانِ الْعَاقِلَانِ، الْمُسْلِمُونَ الْعَاقِلُونَ
المُسْلِمَ الْعَاقِلَ، الْمُسْلِمِينَ الْعَاقِلِينَ، الْمُسْلِمِينَ الْعَاقِلِينَ
المُسْلِمِ الْعَاقِلِ، الْمُسْلِمِينَ الْعَاقِلِينَ، الْمُسْلِمِينَ الْعَاقِلِينَ

Гап тузилишида мавсуф билан сифат орасида ўн ишда бир-бирига мувофиқлик лозимдир: музаккар, муаннас, муфрад, тасния, жамъ, маърифа, накра, марфуъ, мансуб ва мажрур бўлишда.

Исми ишоралар кўпинча бир сифат билан мавсуф бўлади.

هَؤُلَاءِ الخَدَّامُ، هَذَا الخَادِمِ، هَذَانِ الخَادِمَانِ، هَذِهِ الخَادِمَةُ، هَاتَانِ الخَادِمَتَانِ، هَؤُلَاءِ الخَادِمَاتُ.

48-§

تأكيد

Асли ҳақида бир турлик шубҳани даф қилиш учун зикр этилган фаръларга «таъкид», дейилади. Масалан, *أمرني الأستاذُ نفسه* жумласидаги *نفسه* калимаси кабики, амр этган кимса – устознинг фақат ўзи бўлмоқлиги ҳақидаги шубҳани даф этиш учун зикр қилингандир.

Таъкидларнинг аслларига «муаккад», дейилади. Таъкид учун ишлатиладиган лафзлар қуйидаги 7 лафзdir.

نَفْسُهُ، عَيْنُهُ، كِلَاهُمَا، كُلُّهُ، جَمِيعُهُ، أَجْمَعُ.

Мисоллари:

الْأَسْتَاذُ نَفْسُهُ، الْمُعَلِّمُ عَيْنُهُ، الرَّجُلَانِ كِلَاهُمَا، الرَّمَّانُ كُلُّهُ، الرَّمَّانُ جَمِيعُهُ، الرَّمَّانُ أَجْمَعُ.

قواعد تأكيدات

Таъкидли қодалар

Қоида: نَفْسُهُ، عَيْنُهُ، أَجْمَعُ лафзлари муфрад, тасния ва жамъ бўлишда муаккадларига эргашади. Масалан:

الْأَسْتَاذُ نَفْسُهُ، الْأَسْتَاذَانِ أَنْفُسُهُمَا، الْأَسَاتِيدُ أَنْفُسُهُمْ، الْمُعَلِّمَةُ نَفْسُهَا، الْمُعَلِّمَتَانِ أَنْفُسُهُمَا، الْمُعَلِّمَاتُ أَنْفُسُهُنَّ، الْأَسْتَاذُ عَيْنُهُ...، الْقَوْمُ أَجْمَعُ، الطَّائِفَةُ جَمْعَاءُ، الطُّلُبَاءُ أَجْمَعُونَ، الطَّالِبَاتُ جُمُعُ.

أَنْفُسُهُمَا аслида бўлиши лозим бўлса-да, хилоф равишда аслида бўлиши кенг тарқалган.

Қоида: марфуъ, мансуб ва мажрур бўлишда ҳам таъкидлар муаккадларига эргашади. Масалан: الْأَسْتَاذُ نَفْسُهُ، الْأَسْتَاذِ نَفْسِهِ، الْأَسْتَاذِ نَفْسِهِ.

Қоида: كِلَاهُمَا ва كِلْتَاهُمَا лафзларининг эъроблари турлича бўлса-да, сийғалари ва замирлари ҳеч ўзгармайди. Масалан:

الرَّجُلَانِ كِلَاهُمَا، الرَّجُلَيْنِ كِلَيْهِمَا، الْمَرْأَتَانِ كِلْتَاهُمَا، الْمَرْأَتَيْنِ كِلْتَيْهِمَا

Қоида: كُلُّهُ ва جَمِيعُهُ лафзлари тасния ва жамъ қилинмайди. Аммо охиридаги замирлари тасния ва жамъ қилинади. Масалан:

الْقَوْمُ كُلُّهُ، الْقَوْمَانِ كُلُّهُمَا، الْأَقْوَامُ كُلُّهُمْ، الطَّائِفَةُ كُلُّهَا، الطَّائِفَتَانِ كُلُّهُمَا، النِّسَاءُ كُلُّهُنَّ، الْقَوْمُ جَمِيعُهُ...،

Аммо АЖْمَعُ дан бошқа таъкид лафзларининг ҳар бири охирига муаккадларига рожеъ бўлган бир замирлари бўлади.

Аммо АЖْمَعُ лар замирсиз ишлатилади. АЖْمَعُ маъносида бўлган أَكْتَعُ، أَبْتَعُ، أَبْصَعُ лар ҳам АЖْمَعُ ҳукмидадир.

49-§

تراكيب تامّة

Том таркибларга **жумла** ёки **калом**, дейилади. Ҳар жумла учун энг камида икки калима лозимдир. Бир калимани ўзидан жумла ҳосил бўлмайди. Жумлада зикр қилинган икки калиманинг бирига **маҳкум** ёки **муснадун илайҳи**, дейилади. Иккинчисига эса ҳукм ёки **муснадун биҳи**, дейилади. Масалан: **زَيْدٌ** жумласида **زَيْدٌ** маҳкумдир, **عَالَمٌ** эса ҳукмдир. Яна **زَيْدٌ** жумласида **كَتَبَ** ҳукмдир, **زَيْدٌ** эса маҳкумдир. Маҳкум кўпинча исми зот бўлади, ҳукм эса кўпинча исми сифат ёки феъл бўлади.

Жумла икки хилдир: 1. Жумлаи исмийя. 2. Жумлаи феълийя. Ҳукми исм бўлган жумлага **жумлаи исмия**, дейилади. Масалан: **زَيْدٌ** **عَالَمٌ** каби. Ҳукми феъл бўлган жумлага **жумлаи феълийя**, дейилади. Масалан. **زَيْدٌ** **كَتَبَ** каби.

50-§

Жумлаи исмийя

Жумлаи исмийянинг маҳкумига **мубтадо**, дейилади, ҳукмига эса **хабар**, дейилади. Масалан: **زَيْدٌ** жумласида **زَيْدٌ** - мубтадо, **عَالَمٌ** эса хабардир. Жумлаи исмияни ўзбек тилига таржима қилишда (-дир) кўшимчаси қўшилади.

Қоида: Мубтадо ҳам, хабар ҳам иккиси марфуъ бўлади. Масалан: **الرَّجُلُ غَنِيٌّ، الرَّجُلَانِ غَنِيَّانِ، الرَّجَالُ أَغْنِيَاءُ، الْمُسْلِمُونَ مُفْلِحُونَ**

Қоида: Агар мубтадо исми замир ва исми ишора каби мабний исмлардан бўлса, лафзан марфуъ демасдан балки ҳукман марфуъ деб айтилади. Масалан:

هُوَ عَالِمٌ، هُمَا عَالِمَانِ، هُمْ عُلَمَاءُ، هِيَ عَالِمَةٌ، هُمَا عَالِمَتَانِ، هُنَّ عَالِمَاتٌ، أَنْتَ عَالِمٌ، أَنْتُمَا عَالِمَانِ، أَنْتُمْ عُلَمَاءُ، أَنْتِ عَالِمَةٌ، أَنْتُمَا عَالِمَتَانِ، أَنْتِنَّ عَالِمَاتٌ، أَنَا عَالِمٌ، نَحْنُ عُلَمَاءُ، هَذَا عَالِمٌ، هَؤُلَاءِ عُلَمَاءُ، هَذِهِ عَالِمَةٌ، هَؤُلَاءِ عَالِمَاتٌ.

Қоида: Музаккар ва муаннас бўлишда хабар мубтадога эргашади. Масалан:

الرَّجُلُ عَالِمٌ، الْمَرْأَةُ عَالِمَةٌ، الْكِتَابُ كَبِيرٌ، الرِّسَالَةُ صَغِيرَةٌ

Қоида: Муфрад, тасния ёки жамъ бўлишда ҳам хабар мубтадога эргашади. Масалан:

الرَّجُلُ عَالِمٌ، الرَّجُلَانِ عَالِمَانِ، الرَّجَالُ عُلَمَاءُ، الْمُسْلِمُونَ مُفْلِحُونَ، الْمَرْأَةُ عَالِمَةٌ، الْمَرْأَتَانِ عَالِمَتَانِ، النِّسَاءُ عَالِمَاتٌ، مُسْلِمَاتٌ مُخَدَّرَاتٌ.

Қоида: Агар одам боласидан бошқа нарсаларнинг жамъ сийғаси бўлса, хабар доимо муфрад – муаннас сийғасида бўлади.

Масалан: الْعُلُومُ لِأَزْمَةٍ، الْكُتُبُ مُفِيدَةٌ، الْمَكَاتِبُ صَغِيرَةٌ، الْمَدَارِسُ كَبِيرَةٌ

Қоида: Мубтадо кўпинча маърифа бўлади, хабар эса кўпинча накра бўлади. Ўтган мисолларга қарасангиз, уларнинг ҳар бири ушбу қоидага мувофиқ эканини кўрасиз. Баъзан мубтадо ҳам накра бўлади. Масалан: عَدُوٌّ جَاهِلٌ - خَيْرٌ مِنْ صَدِيقٍ جَاهِلٍ. Баъзи жумлаларда мубтадо ҳам хабар ҳам маърифа бўлади.

Масалан: اللَّهُ - إِلَهْنَا؛ مُحَمَّدٌ - نَبِينُنَا؛ الْجُهَّالُ - أَعْدَاءُ الْعُلَمَاءِ

Музофун илайҳлик мубтадолар:

خَادِمٌ بَكْرٍ - طَوِيلٌ، وَجْهُ زَيْدٍ - حَسَنٌ، لِبَاسٌ عَلِيٍّ - جَدِيدٌ، قَلَمٌ وَلِيٍّ - قَصِيرٌ

Музофун илайҳлик хабарлар:

الرَّجُلُ - خَادِمٌ بَكْرٍ، زَيْدٌ صَدِيقٌ خَالِدٍ، عَمْرُو - عَدُوٌّ مُحَمَّدٍ، هَذَا - كِتَابُ زَيْدٍ

Мубтадолари ҳам хабарлари ҳам музофун илайҳлик бўлган жумлалар:

أَخْتُ زَيْدٍ - زَوْجَةُ بَكْرٍ، زَوْجَةُ عَلِيٍّ - بَيْتٌ وَلِيٍّ، حَبِيبُ بَكْرٍ - عَدُوٌّ زَيْدٍ

Сифатли мубтадолар:

الرَّجُلُ الْعَالِمُ - صَالِحٌ، الْمَرْأَةُ الْمُخَدَّرَةُ - حَسَنَةٌ، الرَّجَالُ الْأَغْنِيَاءُ - مُتَكَبِّرُونَ

Сифатли хабарлар:

التَّمْرُ - طَعَامٌ لَدِيدٌ، الْمَالُ - شَيْءٌ عَزِيزٌ، الْمَدِينَةُ - بَلَدَةٌ طَيِّبَةٌ

Таъкидли мубтадолар:

زَيْدٌ نَفْسُهُ - سَخِيٌّ، الْأَبْوَانُ كِلَاهُمَا - مُشْفِقَانِ، الطُّلَبَاءُ كُلُّهُمْ - فُقَرَاءٌ

Баъзи жумлаи исмийяларнинг хабарлари ҳам қисқа жумла бўлади. Масалан:

زَيْدٌ - أَنْفُهُ طَوِيلٌ، بَكْرٌ - أَبُوهُ غَنِيٌّ، عَمْرُو - خَادِمُهُ جَاهِلٌ، مَرْيَمُ - وَجْهُهَا حَسَنٌ، زَيْنَبُ - فَمِصُّهَا طَوِيلٌ، الرَّجُلَانِ - لِيَسَاهُمَا مُزَيَّنَانِ، الرَّجَالُ - أَدْفَانُهُمْ مُلْتَحَاةٌ، الْمُسْلِمُونَ - أَخْلَاقُهُمْ حَسَنَةٌ، الْمَجُوسِيُّونَ - عَقَائِدُهُمْ بَاطِلَةٌ.

Қоида: Зикр қилинган мисол каби, хабар бўлган жумлаларда мубтадога рожеъ (қайтувчи) бир замир бўлиши лозим.

Қоида: Хабар ёки мубтадо жумла бўлиб келса, лафзан марфуъ бўлмасдан балки ҳукман марфуъ ҳисобланади.

51-§

Жумлаи феълия

Жумлаи феълийя ҳар доим бир феъл билан бир исмдан таркиб топган бўлиб, феъли – ҳукм, исми – маҳкум бўлади.

Масалан: زَيْدٌ كَتَبَ жумласида كَتَبَ - ҳукмдир, زَيْدٌ - маҳкумдир.

فاعل

Жумлаи феълийяда маҳкум бўлган исмга «**фоъил**», дейилади. Масалан: زَيْدٌ كَتَبَ жумласидаги زَيْدٌ каби.

Қоида: Фоъил кўпинча феълдан кейин келади. Баъзан феълдан олдин ҳам келади.

Масалан: كَتَبَ زَيْدٌ، يَكْتُبُ زَيْدٌ، زَيْدٌ يَكْتُبُ.

Эслатма: زَيْدٌ жумласидаги زَيْدٌ калимаси мутақаддим уламолар наздида мубтадо жумласидан саналган бўлса-да, енгиллик

мақсадида мутааххир уламолар наздида фoъил жумласидан ҳисобланади.

Қоида: Ҳамма фoъиллар марфуъ бўлади. Масалан:

الرَّجُلُ كَتَبَ، الرَّجُلَانِ كَتَبَا، الرَّجَالُ كَتَبُوا، الْمَرْأَةُ كَتَبَتْ، الْمَرْأَتَانِ كَتَبَتَا، النِّسَاءُ كَتَبْنَ

Эслатма: Музаккар ва муаннас бўлишда ҳамда муфрад, тасния ва жамъ бўлишда феъл фoъилига эргашиши ҳақида феъл бoбида баён қилинган эди.

Қоида: Мухотаб ва мутакаллим сийғаларида бўлган феълларга уларнинг фoъилини англатувчи замирлар қўшилиб келган бўлади. Масалан:

فَتَحْتِ، فَتَحْتُمَا، فَتَحْتُمْ، فَتَحْتِ، فَتَحْتُمَا، فَتَحْتُنَّ، فَتَحْتِ، فَتَحْتْنَا
أنت، أنتم، أنتما، أنت، أنتم، أنن، أنا، نحنُ

Эслатма: فَتَحْتِ ва فَتَحْتِ каби мухотаб ва мутакаллим сийғаларининг охирларидаги ت лари мутааххир уламолар наздида фoъилнинг замири эмас, балки фақат фoъилнинг мухотаб ва мутакаллим эканига бир аломатдир.

Гоҳо феълнинг фoъили ўзидан олдин зикр қилинган бир замир бўлади. Масалан:

هُوَ فَتَحَ، هُمَا فَتَحَا، هُمْ فَتَحُوا، هِيَ فَتَحَتْ، هُمَا فَتَحَتَا، هُنَّ فَتَحْنَ، أَنْتَ فَتَحْتَ، أَنْتُمَا فَتَحْتُمَا، أَنْتُمْ فَتَحْتُمْ،
أَنْتِ فَتَحْتِ، أَنْتُمَا فَتَحْتُمَا، أَنْتُنَّ فَتَحْتُنَّ، أَنَا فَتَحْتُ، نَحْنُ فَتَحْنَا

Қоида: Фoъил мабний исмлардан бўлса, лафзан марфуъ бўлмайди, балки ҳукман марфуъ бўлади.

Масалан: هُوَ فَتَحَ، أَنْتَ فَتَحْتَ، هَذَا كَتَبَ، هَؤُلَاءِ كَتَبُوا. каби.

Баъзи жумлаи феълийяларнинг феъллари мажхул сийғада бўлади. Масалан: ضَرَبَ زَيْدٌ، كُتِبَ الْكِتَابُ. каби.

Ушбу феъллар каби мажхул сийғада бўлган феълларнинг маҳкумлари ҳақиқатда фoъил, яъни бажарувчи бўлмаса-да, наҳф истилоҳида фoъил жумласидан ҳисобланади.

Баъзи жумлаи феълийяларнинг феъллари нафий мозий, нафий музореъ ва жаҳд каби манфий сийғалардан бўлади.

Масалан: مَا دَخَلَ زَيْدٌ، لَا يَدْخُلُ زَيْدٌ، لَنْ يَدْخُلَ زَيْدٌ، لَمْ يَدْخُلْ زَيْدٌ

Ушбу феъллар каби манфий бўлган феълларнинг мажмуалари ҳам ҳақиқатда фоъил эмас. Шундай бўлса ҳам нахв истилоҳида фоъил ҳисобланади.

52-§

Исми сифатларнинг фоъиллари

Фоъил фақат феълларга хос эмас. Баъзи вақт исми фоъил, исми мафъул, исми фаъвол, сифати мушаббаҳа ва исми мансуб каби исми сифатларнинг ҳам фоъиллари айтилгандир. Зеро исми сифатлар шибҳи феъл бўлганидан феъл ҳукмидадир. Масалан:

زَيْدٌ - عَالِمٌ أَبُوهُ، زَيْدٌ - مَسْرُوقٌ مَالُهُ، زَيْدٌ - أَكَّالٌ خَادِمُهُ، زَيْدٌ - كَبِيرٌ رَأْسُهُ، زَيْدٌ - حَسَنٌ وَجْهُهُ، زَيْدٌ - شَرَعِيٌّ عَمَلُهُ.

Қоида: Исми сифатларнинг фоъиллари доимо мавсуфи мажозийларига қайтувчи бир замирга музоф бўлади. (Зикр қилинган мисолларга қаранг). Баъзи вақтда зикр қилинган исми сифатлар фоъилларига музоф бўлади. У вақтда фоъиллари албатта марфуъ бўлмасдан балки музофун илайҳ бўлгани учун мажрур бўлади. Ўша фоъилларнинг охиридан замирлари хазф қилинади, ўзи эса «ال» билан маърифа бўлади.

Масалан:

زَيْدٌ - عَالِمٌ الْأَبِ، زَيْدٌ - مَسْرُوقٌ الْمَالِ، زَيْدٌ - أَكَّالٌ الْخَادِمِ، زَيْدٌ - كَبِيرٌ الرَّأْسِ، زَيْدٌ - حَسَنٌ الْوَجْهِ، زَيْدٌ - شَرَعِيٌّ الْعَمَلِ.

Исми сифатларнинг мутаъаддийлари гоҳо мафъулларига музоф бўлади. Масалан: عَالِمٌ الْأَسْرَارِ، قَاتِلٌ الدَّيْبِ، آكِلٌ الْحُبْنِزِ

Лафзий ва маънавий изофалар

Исми сифатларнинг фоъилларига ёки мафъулларига музоф бўлиши фақат лафзий ва зоҳирийдир. Маънода музофлик ва мансублик йўқдир. Шу сабабдан исми сифатларнинг бундай

изофалари «Лафзий изофа», деб номланади. Ҳақиқий изофа – маънавий изофа бўлиб, бир исмни иккинчи бир исмга, фоъилининг ёки мафъулининг муносабатидан бошқа бир муносабат билан бирлашувидан иборатдир.

Масалан: **بابُ الْمَدْرَسَةِ، كِتَابُ زَيْدٍ** каби.

Маънавий изофанинг аломати шуки, у изофа билан – музоф ва музофун илайҳи бўлган исмлар ўзбек тилига таржима қилинишда музофун илайҳнинг охирига (-нинг) қўшимчаси қўшилади. Зайднинг китоби ва Мадрасанинг эшиги, дейилгани каби.

Маънавий изофа билан музоф бўлган исмларга «ال» кириши ҳеч ҳам жоиз бўлмайди. Аммо лафзий изофа билан изофа бўлган исмлар баъзи вақтда «ال» бўладилар. Чунки лафзий изофа билан изофа бўлган исми сифатлар маърифа саналмайди.

Масалан: **الصَّائِبُ الْفَيْكْرِ، الْمَسْرُوقُ الْمَالِ، الْحَسَنُ الْوَجْهِ، الْأَكْلُ الْخُبْزِ**

Масдарларнинг фоъиллари

Баъзида масдарларнинг ҳам фоъиллари марфуъ бўлар экан. Масалан: **أَعْجَبَنِي أَكْلُ زَيْدٍ** жумласидаги **زَيْدٍ** каби. Лекин бу жуда нодирдир. Кўпинча масдарлар фоъилларига изофа бўлганида фоъиллари мажрур бўлади.

Масалан: **أَعْجَبَنِي أَكْلُ زَيْدٍ، عَلِمْتُ صَدَاقَةَ بَكْرٍ، تَعَجَّبْتُ مِنْ سَخَاوَةِ عَلِيِّ**

Масдарлар гоҳо мафъулларига ҳам изофа бўлади.

Масалан: **أَكْلُ الطَّعَامِ، جَمْعُ الْمَالِ، إِكْرَامُ الْفُقَرَاءِ، زِيَارَةُ الْإِخْوَانِ** каби.

Қоида: Фоъилларига ёки мафъулларига музоф бўлган масдарлар маърифа бўлгани учун «ال»ли бўлмайди.

Масалан: **الْأَكْلُ الطَّعَامِ، الْجَمْعُ الْمَالِ، الْإِكْرَامُ الْفُقَرَاءِ، الزِّيَارَةُ الْإِخْوَانِ** дейиш мумкин эмас.

تزيينات جملة

Жумла ичида зикр қилинган калималардан иккитаси, яъни маҳкум билан ҳукм жумланинг бош бўлган қисмларидир. Маҳкум ва ҳукмдан бошқаси билан жумла ҳеч мукаммал бўлмайди. Шу сабабдан, маҳкум билан ҳукм жумланинг асослари, дейилади. Жумла ичида маҳкум ва ҳукмдан бошқа жумлани тазйин (зийнатлаш) ва такмил (тўлдириш) учун зикр қилинган лафзлар ҳам бўладикки, уларга жумланинг тазйинлари дейилди. Масалан: **أَكَلَ زَيْدٌ** жумласида **أَكَلَ** – ҳукм бўлиб, **زَيْدٌ** – маҳкумдир. Булар жумланинг асосларидир.

Аммо **زَيْدٌ فِي الْبُسْتَانِ، ثَقَا حَاءَ، الْيَوْمَ** лафзлари жумланинг асослари бўлмасдан, балки иккинчи даражали аъзолари яъни қолдиқларидир. Булар зикр этилмаса ҳам жумла ҳосил бўлаверади. Улар фақат жумланинг зийнати учун зикр этилган холос.

Баъзи жумлалар тазйинсиз бўлиб, фақат ҳукм ва маҳкум билан зикр этилади. Баъзи жумлаларда маҳкум ва ҳукмдан бошқа бир неча тазйинлар зикр этилади. Фақат маҳкум билан ҳукмдан таркиб топиб, ҳеч бир тазйини бўлмаган жумлаларга «**жумлаи мужаррада**», дейилади. Масалан: **أَكَلَ زَيْدٌ** каби.

Тайзинли жумлаларга эса «жумлаи музайяна», дейилади.

Масалан: **أَكَلَ زَيْدٌ الْيَوْمَ ثَقَا حَاءَ فِي الْبُسْتَانِ**

Жумлаи мужаррада кам ишлатилади, чунки жумлаларнинг кўпчилиги бир ёки бир неча тазйин билан музайян бўладилар. Зеро ҳар каломда жумланинг ҳукмини мухотабга гўзалроқ тушунтириш учун кўпинча бир неча тазйинсиз мумкин эмас. Масалан: **أَكَلَ** дейилса, фақатгина Зайднинг егани тушунилади. Мухотаб бу билан ҳеч қаноатланмайди. Албатта «Қачон еди? Нимани еди? Қаерда еди?» деб савол беради. Шунга биноан

лафзларининг зикри билан зийнатли жумлани айтиш лозим бўлади. Жумла тазйинотларининг кўпчилиги

жумланинг ҳукмига тааллуқли бўлади. Шу сабабдан, жумланинг тазйинотлари илми маъоний (Маънолар илмида) «Мутаъллиқоти ҳукм», деб номланади.

54–§

أقسام تزيينات

Араб тилида жумланинг машҳур 12 тур тазйиноти бордир.

(1) مَفْعُولٌ مُطْلَقٌ؛ (2) مَفْعُولٌ بِهِ؛ (3) ظَرْفٌ زَمَانِي؛ (4) ظَرْفٌ مَكَانِي؛ (5) حَالٌ؛ (6) تَمْيِيزٌ؛ (7) مُسْتَشْتَى؛ (8) دُو الْجَارِ؛ (9) مَحْدُوفٌ الْجَارِ؛ (10) مُتَمِّمٌ فِعْلٍ نَاقِصٌ؛ (11) مُتَمِّمٌ فِعْلٍ قَبْلِي؛ (12) تَزْيِينَاتٌ شَعْنِي.

مَفْعُولٌ مُطْلَقٌ

Мафъул мутлақ – феълдан кейин зикр қилинадиган масдардир. Мафъули мутлақлар феъл маъносини таъкидлаш ва феълнинг навини ёки сонини аниқлаш учун ишлатилади.

Масалан:

اَنِقَ ۋْتِيرْدِم – جَلَسْتُ جُلُوسًا

بِتْغَا ۋْتِيرْدِم – جَلَسْتُ جَلْسَةً

چۇككا тушиб ۋْتِيرْدِم – جَلَسْتُ قُعُودًا

Қоида: Ҳар бир мафъул мутлақ мансуб бўлади.

Масалан:

جَلَسْتُ جَلْسَةً، جَلَسْتُ جَلْسَتَيْنِ، جَلَسْتُ جَلْسَاتٍ.

Баъзи бир мафъули мутлақлар феълнинг муродифининг (синонимининг) масдари бўлади. Масалан: قَعَدْتُ جُلُوسًا каби. Баъзи бир мафъули мутлақлар бир исмга музоф бўлади. Масалан:

ضَرَبْتُ ضَرْبَ الْجَلَادِ، نِمْتُ نَوْمَ الْعُرُوسِ، سَرْتُ سَيْرَ الْكِبَارِ.

Баъзи бир мафъули мутлақлар бир сифат билан мавсуф бўлади. Масалан:

قَرَأْتُ قِرَاءَةً حَيِّدَةً، ضَرَبْتُ ضَرْبًا شَدِيدًا، سِرْتُ سِرًّا كَثِيرًا

Мафъули мутлақ феълларгагина хосланган эмас. Баъзи вақт исми сифатлардан кейин ҳам мафъули мутлақлари зикр этилади.

Масалан: زَيْدٌ ضَارِبٌ ضَرْبًا شَدِيدًا، الْمَالُ مَسْرُوقٌ سَرْقَةً عَجِيبَةً، زَيْدٌ حَسَنٌ حُسْنًا مَقْبُولًا

55-§

مَنْعُولٌ بِهِ

Мафъул бих – бажарилмиш зотнинг исми бўлиб, каломда кимни? нимани? кимга? нимага? саволларига жавоб ҳукмида зикр этилади.

Мафъул бих ўзбек тилига таржима қилинганида охирига (-ни) қўшимчаси қўшилади.

Масалан: قَتَلْتُ عَقْرَبًا، رَأَيْتُ ذَنْبًا، أَكَلْتُ طَعَامًا، جَمَعْتُ مَالًا

Камдан-кам баъзи мафъул бихларнинг таржимасига (-га) қўшимчаси қўшилади.

Масалан: اللَّهُ أَعْبُدُ اللهَ، لَقِيتُ زَيْدًا فِي السُّوقِ، أَعْطَيْتُ زَيْدًا دِرْهَمًا

Зайд лафзлари каби.

Қоида: Ҳар бир мафъули бих мансуб бўлади.

Масалан: أَكْرَمْتُ مُسْلِمًا، أَكْرَمْتُ مُسْلِمِينَ، أَكْرَمْتُ مُسْلِمِينَ، أَكْرَمْتُ مُسْلِمَاتٍ

Қоида: Феълларга муттасил бўлган замирларнинг ҳар бири ҳукман мансуб бўлиб, мафъули бих бўлади.

Масалан:

ضَرَبْتَهُ، ضَرَبْتُهُمَا، ضَرَبْتُهُمْ، ضَرَبْتُهَا، ضَرَبْتُهُمَا، ضَرَبْتُهُنَّ، ضَرَبْتُكَ، ضَرَبْتُكُمَا، ضَرَبْتُكُمْ، ضَرَبْتُكِ، ضَرَبْتُكُمَا، ضَرَبْتُكُنَّ، ضَرَبْتِنِي، ضَرَبْتِنَا.

Қоида: Мафъул бих маълум сийғали феълларга хослангандир. Мажхул сийғали феълларнинг мафъули бихлари зоҳир бўлмайди. Зеро мажхул феълларнинг ҳақиқий фойиллари зикр қилинмаганидан мафъули бихлари марфуъ бўлиб, фойил мақомига ўтиради.

Масалан: فُتِحَ الْبَابُ، ضُرِبَ زَيْدٌ، أُكِلَ الطَّعَامُ، قُتِلَ ذَنْبٌ

Кўпинча мафъул бихлар феълдан кейин келади.

Инхисори тафҳим – маънони чегаралаш учун баъзи вақтда феълдан олдин келади.

Масалан:

Фақат Аллоҳ таологагина ибодат қиламан - اللَّهُ أَعْبُدُ

Фақат Зайдни урдим - زَيْدًا ضَرَبْتُ

Фақат насибангни оласан - نَصِيْبِكَ تَنَالُ

Музофун илайҳлик мафъул бихлар

رَأَيْتُ فَرَسَ بَكْرٍ، أَكَلْتُ لَحْمَ الْبَقْرِ، أَخَذْتُ رَقِيمَ الْحَبِيبِ، أَكْرَمْتُ فُقَرَاءَ الْبَلَدِ.

Сифатли мафъули бихлар

رَأَيْتُ رَجُلًا عَالِمًا، أَكَلْتُ لَحْمًا مَشْوِيًّا، كَتَبْتُ مَكْتُوبًا عَرَبِيًّا، فَتَلْتُ حَيَّةً كَبِيرَةً

Таъкидли мафъули бихлар

رَأَيْتُ زَيْدًا نَفْسَهُ، أَكَلْتُ الرُّمَانَ كُلَّهُ، رَأَيْتُ الرَّجُلَيْنِ كِلَيْهِمَا، رَأَيْتُ الْأَحْبَابَ أَجْمَعِينَ

Баъзи феълларнинг иккита мафъули бихлари бўлади. Масалан:

أَعْطَيْتُ زَيْدًا دِرْهَمًا، عَلَّمْتُ بَكْرًا عُلُومًا، أَطْعَمْتُ زَيْدًا لَحْمًا، أَلْبَسْتُ زَيْدًا جُبَّةً.

Ушбу жумлалардаги тазйинотлар ҳам мафъули бихлардир.

إِجْتَهَدْتُ كُلَّ الْإِجْتِهَادِ، عَزَزْتُهُ بَعْضَ التَّعْزِيرِ، جَلَسْتُ أَحْسَنَ الْجُلُوسِ، عَلِمْتُ خَيْرَ الْعَمَلِ، تَفَعَّلْتُ شَرَّ الْفِعْلِ . نَفَعْتُ
أَسْهَلَ الْأَفْعَالِ.

Баъзида наҳв олимлари бу тазйинотларни мафъули мутлақ, деб ҳисоблайдилар. Мафъули бих ҳам феълларгагина хосланган эмас. Баъзи вақтларда исми фойил ва исми фаъол каби исми сифатларнинг ҳам мафъули бихлари зикр этилади.

Масалан: زَيْدٌ ضَارِبٌ عَمْرًا، بَكْرٌ أَكَلَ خُبْرًا، خَالِدٌ طَالِبٌ عِلْمًا، عَمْرٌو أَكَلَ لَحْمًا

Баъзи вақтларда исми фоъил билан исми фаъол мафъулларига изофа бўлади. У вақтда мафъуллари мансуб бўлмасдан балки мажрур бўлади.

Масалан: زَيْدٌ ضَرَبَ عَمْرُو، بَكَرٌ أَكَلَ الْخُبْزَ، خَالِدٌ طَالِبٌ الْعِلْمَ، عَمْرُو أَكَلَ اللَّحْمَ

Исми сифатларнинг мафъулларини изофаси "изофаи лафзий"дир. Шунга биноан музоф бўлса ҳам маърифа бўлмайди. Уларни маърифа қилиш учун музоф қилинган ҳолларида «ال» кўшиб қўйилади.

Масалан: الْأَكْلُ الْخُبْزَ، الطَّالِبُ الْعِلْمَ، الْأَكْلُ اللَّحْمَ

(Бу ҳақда «изофаи лафзий» бобида бироз сўзланган эди).

Қоида: Изофа қилиниб, мафъуллари «ال» сиз бўлган исми сифатларга «ال» кирмайди.

Масалан: الضَّارِبُ عَمْرُو، الْأَكْلُ خُبْزَ، الطَّالِبُ عِلْمَ، الْأَكْلُ حَمِ

Мафъулли масдарлар

Баъзи вақтларда масдарларнинг ҳам мафъуллари зикр этилади. Масалан: حُبُّنَا الْعِلْمَ أَشَدُّ مِنْ حُبِّنَا الْمَالَ

Кўпинча ушбу масдарлар мафъулларига музоф бўлади. Масалан: حُبُّ الْعِلْمِ أَشَدُّ مِنْ حُبِّ الْمَالِ

56–§

ظرف زمانی

Зарфи замон – бир ҳукмнинг замонини баён қилиш учун зикр этилган исми зарфдир.

Гўё қачон? ва Қайси вақтда? каби саволларга жавоб ҳукмида зикр қилинади. Ўзбек тилида таржима қилинишда зарфи замон таржимасининг охирига кўпинча (-да) қўшимчаси қўшилади.

Масалан: مَتَى تَأْكُلُ - أَكْلُهُ نَهَارًا .

Қоида: Ҳар бир зарфи замон мансуб бўлади. Шунинг учун мўъраб бўлганлари лафзан мансуб бўлади. Мабний бўлганлари ҳукман мансуб саналадилар.

Қуйида, машҳур зарфи замонлар келтирилган:

қачон – مَتَى (۱)

مَتَى تَأْكُلُ الطَّعَامَ؟ مَتَى تَخْرُجُ؟

қачон? – أَيَّانَ (۲)

أَيَّانَ احْتَرَقَ الْبَيْتُ؟ أَيَّانَ تُبَارِزُونَ؟

аввалда, олдин – قَبْلُ (۳)

نَحْنُ لَمْ نَعْلَمْ لِسَانَ الْعَرَبِ قَبْلُ؟

кейин, сўнг – بَعْدُ (۴)

تَأْكُلُ قَبْلُ وَنَشْرَبُ بَعْدُ؟

олдин, аввал, (-гача) – قَبْلَ (۵)

نَتَوَضَّأُ قَبْلَ الْأَذَانِ؟

сўнгга – بَعْدَ (۶)

نَدْعُو بَعْدَ الصَّلَاةِ؟

ҳеч қачон, (мозийда) – قَطُّ (۷)

لَمْ نَفْعَلِ الشَّرَّ قَطُّ؟

ҳеч қачон (мустақбалда) – عَوْضَ (۸)

لَا نَفْعَلُ الشَّرَّ عَوْضَ؟

баъзан, гоҳо – رُبَّمَا (۹)

رُبَّمَا نَتَصَدَّقُ مَالًا كَثِيرًا

у ҳолда, ундай бўлса – إِذَنْ (۱۰)

إِذَنْ أَظُنُّكَ كَاذِبًا؟

кеча – أَمْسٍ (۱۱)

اِشْتَرَيْتُ أَمْسٍ كُتُبًا كَثِيرَةً؟

- ҳозир – الْآنَ (۱۲)
الآنَ خَتَمْتُ قِرَاءَةَ الْقُرْآنِ؟
- бугун – الْيَوْمَ (۱۳)
الْيَوْمَ أَبْتَدِئُ قِرَاءَةَ الْقُرْآنِ؟
- эртага – غَدًا (۱۴)
نُخْرِجُ غَدًا إِلَى الصَّحْرَاءِ؟
- бугун тунда – اللَّيْلَةَ (۱۵)
أَطَالِعُ اللَّيْلَةَ كِتَابًا مُفِيدًا
- ўтган кечада – الْبَارِحَةَ (۱۶)
سِرْنَا الْبَارِحَةَ فِي الْأَزْقَةِ
- кундузи – نَهَارًا (۱۷)
نَأْكُلُ الطَّعَامَ نَهَارًا
- кечаси – لَيْلًا (۱۸)
نَضْطَجِعُ فَنَنَامُ لَيْلًا؟
- эрталаб – صَبَاحًا (۱۹)
شَرَبْنَا الشَّايَ صَبَاحًا؟
- кечқурун – مَسَاءً (۲۰)
جَاءَ الْأَضْيَافُ مَسَاءً؟
- аввал – أَوَّلًا (۲۱)
نَتَوَضَّأُ أَوَّلًا ثُمَّ نُصَلِّي؟
- охирида, сўнгра – آخِرًا (۲۲)
نَأْكُلُ أَوَّلًا وَنَشْرَبُ آخِرًا؟
- доимо – دَائِمًا (۲۳)
نُحْنُ نَتَنَفَّسُ دَائِمًا؟
- кўпинча – غَالِبًا (۲۴)
نُطَالِعُ الْكُتُبَ غَالِبًا؟

- баъзан - بَعْضًا (٢٥)
نَذْهَبُ إِلَى الْفَرِيِّ بَعْضًا؟
- кўп вақтда - كَثِيرًا مَا (٢٦)
كَثِيرًا مَا نَشْتَغِلُ بِأُمُورِ الدُّنْيَا؟
- оз вақтда - قَلِيلًا مَا (٢٧)
قَلِيلًا مَا نَذْكُرُ الْآخِرَةَ
- бир муддат - مُدَّةً (٢٨)
سَافَرْتُ مُدَّةً ثُمَّ رَجَعْتُ؟
- бир соат - سَاعَةً (٢٩)
قَرَأْتُ الْقُرْآنَ سَاعَةً؟
- бир кун - يَوْمًا (٣٠)
صُمْتُ يَوْمًا وَأَفْطَرْتُ يَوْمًا؟
- бир ҳафта - أُسْبُوعًا (٣١)
كَتَبْتُ الْكِتَابَ أُسْبُوعًا؟
- бир ой - شَهْرًا (٣٢)
صُمْتُ شَهْرًا وَأَفْطَرْتُ شَهْرًا؟
- бир йил - سَنَةً (٣٣)
سَافَرْتُ سَنَةً؟
- шу кунда - يَوْمَئِذٍ (٣٤)
يَوْمَئِذٍ نَذْهَبُ إِلَى الصَّحْرَاءِ؟
- шу вақтда - حِينِيذٍ (٣٥)
حِينِيذٍ نَأْكُلُ الطَّعَامَ فِي الصُّقَّةِ؟
- вақтида - حِينَ (٣٦)
رَأَيْتُ زَيْدًا حِينَ كَوْنِهِ فِي السُّوقِ؟

ظروف زمانية موصولة

Баъзи зарфи замонлар бир жумла билан мавсул бўлади. Уларга "мавсул зарфи замон", дейилади.

Қуйидаги жумлаларга "силаи зарф", дейилади.

Машҳур мавсул зарфи замонлар 12 та.

- (۱) إِذْ - (-ганда) جَلَسْتُ إِذْ جَلَسَ زَيْدٌ؟
- (۲) إِذَا - (-ганда) نَخْرُجُ إِلَى السَّفَرِ إِذَا طَلَعَ الْفَجْرُ؟
- (۳) لَمَّا - шу вақтдаги لَمَّا أَكَلْتُ شَرِبْتُ؟
- (۴) كَلَّمَا - ҳар гал, ҳар вақт - صَلَّيْتُ كَلَّمَا تَوَضَّأْتُ؟
- (۵) مُذْ - шу вақтдаки - دَخَلْتُ مُذْ دَعَوْتُ، خَرَجْتُ مُذْ خَرَجْتُ؟
- (۶) مُنْذُ - шу вақтдаки - جِئْتُ مُنْذُ دَعَوْتُ، فَعَلْتُ مُنْذُ أَمَرْتُ؟
- (۷) يَوْمَ - шундай кундаки - يَوْمَ يَنْفَعُ الصَّادِقِينَ صِدْقُهُمْ؟
- (۸) حِينَ - вақтда - دَعَوْتُ حِينَ رَأَيْتُ الْهَيْلَالَ؟
- (۹) حِينَمَا - шу вақтдаки - كَتَبْتُ حِينَمَا قَرَأْتُ كِتَابَكَ؟
- (۱۰) بَيْنَمَا - шу вақт орасида - بَيْنَمَا فَتَحْنَا الْبَابَ رَأَيْنَا سُبُعًا؟
- (۱۱) قَبْلَمَا - шу вақтдан олдин - تَوَضَّأْتُ قَبْلَمَا أَذَانَ الْمُؤَدِّدِ؟
- (۱۲) بَعْدَ مَا - шу вақтдан сўнг - صَلَّيْتُ بَعْدَ مَا أَذَّنَ الْمُؤَدِّدُ؟

57-§

ظرف مكاني

Зарфи макон – бир ҳукмнинг маконини баён қилиш учун зикр қилинган исми зарфдир. Гўё Қаерда? деган бир саволга жавоб ҳукмида зикр қилинади. Ўзбек тилига таржима қилинганида зарфи маконнинг охирига (-да) қўшимчаси қўшилади.

Масалан: أَيْنَ جَلَسْتُ؟ - جَلَسْتُ هُنَا

Қоида: Ҳар бир зарфи макон мансуб бўлади. Фақат мабний бўлганларигина лафзан мансуб бўлмасдан, ҳукман мансуб бўлади.

Қуйида машҳур зарфи маконлар келтирилган:

Эслатма: أَيْنَ баъзида жар ҳарфи билан ишлатилади.

Масалан **مِنْ أَيْنَ؟ إِلَى أَيْنَ؟** каби. Бу вақтда зул-жор жумласидан бўлади.

أَيْنَ بَجَلْسُ؟ أَيْنَ تَأْكُلُ؟	(۱) АЙН - қаерда?
أَيَّ تَأْخُذُ؟ أَيَّ تَجِدُ؟	(۲) أَيَّ - қаердан?
أَكَلْتُ هُنَا وَشَرِبْتُ هَهُنَا؟	(۳) هُنَا، هَهُنَا - бу ерда
تَوَضَّأْتُ هُنَاكَ، وَصَلَّيْتُ هُنَالِكَ؟	(۴) هُنَالِكَ، هُنَاكَ - у ерда
أَكَلْتُ هُنَا وَشَرِبْتُ ثُمَّ؟	(۵) ثُمَّ - у ерда
فَرَأْنَا عِنْدَ الْأُسْتَاذِ؟	(۶) عِنْدَ - ҳузурда, қаршисида
طَفْنَا حَوْلَ الْكَعْبَةِ؟	(۷) حَوْلَ - атрофида
تَوَقَّفْنَا بَيْنَ الْجُبُلَيْنِ؟	(۸) بَيْنَ - орасида
أَكَلْتُ مَعَهُمَا وَجَلَسْتُ بَيْنَ بَيْنِ؟	(۹) بَيْنَ بَيْنَ - ўртада, икки орада
جَلَسْتُ حِذَاءَ زَيْدٍ؟	(۱۰) حِذَاءَ - қаршисида
نَمْتُ فَوْقَ السَّطْحِ؟	(۱۱) فَوْقَ - устида
جَلَسْتُ تَحْتَ السَّطْحِ؟	(۱۲) تَحْتَ - остида
جَلَسْتُ أَمَامَ زَيْدٍ؟	(۱۳) أَمَامَ - олдида
صَلَّيْتُ خَلْفَ الْإِمَامِ؟	(۱۴) خَلْفَ - орқасида
صَلَّيْتُ يَمِينَ زَيْدٍ؟	(۱۵) يَمِينَ - ўнг тараф
صَلَّيْتُ يَسَارَ بَكْرٍ؟	(۱۶) يَسَارَ - чап тарафида

Қоида: Қуйидаги олти тарафнинг музофун илайхлари зикр этилмаса, охири заммали бўлиб, мабний бўлади.

Масалан: **جَلَسَ زَيْدٌ فَوْقَ تَحْتِ أَمَامِ خَلْفِ يَمِينِ يَسَارِ:**

Мавсул зарфи макон

"Шу ерда" маъносида бўлган **حَيْثُ** лафзи ҳам зарфи макондир. Лекин у ҳар доим бир жумла билан мавсул бўлиши лозим. Масалан: **جَلَسْتُ حَيْثُ جَلَسَ زَيْدٌ، أَكَلْتُ حَيْثُ زَيْدٌ جَالِسٌ**

حَيْثُ баъзи вақт таълил, яъни тушунтириш учун لَائِنَّ маъносида ишлатилади.

Масалан: سَبَبْتُ زَيْدًا حَيْثُ سَبَبِي - Зайдни сўқдим, чунки у мени сўқди.

58-§

حال

Жумлада фоъил ва мафъулнинг ҳайъат (ҳолат) ва кайфиятини баён қилиш учун зикр қилинган исмга "ҳол", дейилади.

Масалан جَاءَ زَيْدٌ رَاكِبًا، رَأَيْتُ بَكْرًا جَالِسًا каби.

Бир жумлада ҳол зикр қилинса, иш бажарилган вақтда фоъил ёки мафъул қандай ҳайъатда бўлгани тушунилади.

Ҳоллар "Қандай ҳайъатда? "Қандай кайфиятда? каби саволларга жавоб ҳукмида зикр қилинади. Ўзбек тилига таржима қилинганида (-ган ҳолда) каби иборалар билан таъбир қилинади.

Масалан: جَاءَ زَيْدٌ كَيْفَ جَاءَ زَيْدٌ، جَاءَ زَيْدٌ رَاكِبًا каби.

Қоида: Ҳар бир ҳол мансуб бўлади.

Масалан: جَاءَ الرَّجُلُ رَاكِبًا، جَاءَ الرَّجُلَيْنِ رَاكِبَيْنِ، جَاءَ الرَّجَالُ رَاكِبِينَ، جَاءَتِ الْمَرْأَةُ رَاكِبَةً، جَاءَتِ جَاءَتِ الرَّجُلَيْنِ رَاكِبَتَيْنِ، جَاءَتِ الْمَرْأَتَيْنِ رَاكِبَتَيْنِ، جَاءَتِ النِّسَاءُ رَاكِبَاتٍ

Ҳолнинг мансубига "соҳиби ҳол", дейилади.

Масалан: جَاءَ زَيْدٌ жумласидаги زَيْدٌ - соҳиби ҳолдир.

Қоида: Музаккар ва муаннас бўлишда ҳол ўз соҳибига эргашади.

Масалан: جَاءَتِ الْمَرْأَةُ رَاكِبَةً، جَاءَ الرَّجُلُ رَاكِبًا каби.

Қоида: Ҳоллар ҳар доим накра бўлади. Юқоридаги жумлалар бунга мисол бўла олади.

Аммо جَاءَ زَيْدٌ жумласидаги رَأَيْتُ زَيْدًا وَحَدَهُ، فَعَلَهُ زَيْدٌ جَهْدَهُ ва جَاءَ زَيْدٌ жумласидаги جَهْدَهُ лафзлари зоҳирдан маърифа бўлса-да, аслида накрадир, деб айтилади. Чунки، وَحَدَهُ، مُنْفَرِدًا، جَهْدَهُ، جَهْدَهُ، جَهْدَهُ، جَهْدَهُ، جَهْدَهُ، جَهْدَهُ، جَهْدَهُ деб, таъвил қилинган.

Ҳол фоъил ёки мафъулнинг ҳоли бўлиши эътибори билан икки турлидир. 1. Фоъилнинг ҳоли. 2. Мафъулнинг ҳоли.

أَكْرَمْتُ الْقَوْمَ جَمِيعًا، كَافَّةً، قَاطِبَةً، عُمُومًا، كُلًّا، طَرًّا، مَعًا

(عَشْرَةَ عَشْرَةَ ... ثَلَاثَةَ ثَلَاثَةَ) лафзлари ҳам (مَعَشَرَ، عَشَارَ ... مَثَلثَ، ثَلَاثَ) маъносида бўлиб, ҳол бўлади.

Масалан: دَخَلَ الْقَوْمُ ثَلَاثَ، دَخَلَ الْقَوْمُ مَثَلثَ، دَخَلَ الْقَوْمُ عَشَارَ، دَخَلَ الْقَوْمُ مَعَشَرَ

Баъзи жумлаларда **غَيْرُ** лафзи мансуб кўринишда ҳол бўлиб, ундан кейинги исм музофун илайҳ бўлиб мажрур бўлади. Масалан: دَهَبَ زَيْدٌ غَيْرَ رَاكِبٍ، أَكَلَ زَيْدٌ غَيْرَ جَالِسٍ، رَأَيْتُ زَيْدًا غَيْرَ قَائِمٍ، لَقِيتُ زَيْدًا غَيْرَ مَسْرُورٍ

59-§

تَمْيِيزٌ

Бир жумланинг маҳкумидан ёки бир исми миқдордан ирода қилинган нарсани баён қилиш учун зикр этилган исмларга **"тамйиз"**, дейилади.

Жумла маҳкумининг тамйизларига **"тамйизи маҳкумий"**, дейилади.

Исми миқдорларнинг тамйизларига **"тамйизи миқдорий"**, дейилади.

Қоида: Ҳар бир тамйиз маҳкумий бўлса ҳам, миқдорий бўлса ҳам мансуб ва муфрад бўлади.

Тамйизи маҳкумийнинг мисоллари

زَيْدٌ أَحْسَنُ خُلُقًا، زَيْدٌ أَفْضَلُ عِلْمًا، زَيْدٌ أَشْرَفُ نَسَبًا، زَيْدٌ أَكْثَرُ مَالًا، زَيْدٌ أَفْضَلُ وَلَدًا، زَيْدٌ أَصْدَقُ قَوْلًا، زَيْدٌ طَيِّبٌ نَفْسًا، هَذَا أَشَدُّ حُمْرَةً

Ушбу жумлалардаги тамйизлар аслида ҳар бири маҳкумдир. Зеро, бу жумлалар аслида:

خُلُقٌ زَيْدٌ أَحْسَنُ، عِلْمٌ زَيْدٌ أَفْضَلُ، نَسَبٌ زَيْدٌ أَشْرَفُ، مَالٌ زَيْدٌ أَكْثَرُ، وَلَدٌ زَيْدٌ أَفْضَلُ، قَوْلٌ زَيْدٌ أَصْدَقُ، نَفْسٌ زَيْدٌ طَيِّبٌ، حُمْرَةٌ زَيْدٌ أَشَدُّ

Исми миқдорий дегани عَدَدٌ، وَزْنٌ، مِثْلٌ، مَسَاحَةٌ، كَيْلٌ، исмлари ёки буларнинг кинояси عِشْرُونَ، رَطْلٌ، صَاعٌ، ذِرَاعٌ، قَدْرٌ، كَمٌّ، كَأَيِّنٌ، كَذَا، лафзлари кабидир.

Тамйизи миқдорийнинг мисоллари

عدديات

قِيَمَةٌ هَذَا الْكِتَابِ عِشْرُونَ دِرْهَمًا، اشْتَرَيْتُ كِتَابًا بِثَلَاثِينَ دِينَارًا، صُمِنَ ثَلَاثِينَ يَوْمًا، عُمُرُهُ سَبْعُونَ سَنَةً وَأَحَدَ عَشَرَ شَهْرًا وَخَمْسَةَ عَشَرَ يَوْمًا وَإِحْدَى عَشْرَةَ سَاعَةً وَخَمْسَةَ وَخَمْسِينَ دَقِيقَةً، خَرَجْتُ عَنِ الْبَلَدَةِ فِي إِحْدَى عَشْرَةَ سَاعَةً وَثَلَاثِينَ دَقِيقَةً، كَمْ دِينَارًا مَالِكٌ، مَالِي تِسْعَةٌ وَتِسْعُونَ دِينَارًا، كَأَيِّنَ دِرْهَمًا تُعْطِي لِي؟ أَعْطِي لَكَ تِسْعُونَ دِرْهَمًا، مَالُهُ كَذَا قُرُشًا

وزنيات

اشْتَرَيْتُ رَطْلَيْنِ زَيْتًا، بَعْتُ مَنْوِينَ سَمْعًا، هَذَا قِنْطَارٌ عَسَلًا، زِدْتُ عَلَى الْعَسَلِ مِثْلَهُ مَاءً.

كيليات

اشْتَرَيْتُ صَاعَيْنِ تَمْرًا، وَرَاقُودًا خَلًّا، وَقَفِيرًا بُرًّا، وَصَاعَيْنِ شَعِيرًا

مساحيات

اشْتَرَيْتُ ذِرَاعَيْنِ حَرِيرًا، بَعْتُ جَرِيْبَيْنِ مَزْرَعَةً، أَعْطَيْتُ ذِرَاعًا بَزًّا

Тамйизи миқдорийнинг ададларидан бошқаларининг мумайязларини ҳам музофун илайҳ қилиб қўшиш жоиз.

Масалан: اشْتَرَيْتُ رَطْلَيْنِ زَيْتٍ وَصَاعَيْنِ حَرِيرٍ وَذِرَاعَ بَزٍّ

Яна ҳамма тамйизларни жар ҳарфидан бўлган مِنْ билан мажрур қилиб сўзлаш ҳам жоиздир.

Масалан: اشْتَرَيْتُ سِتِينَ مِنْ كِتَابٍ وَرَطَلِينَ مِنْ زَيْتٍ وَصَاعِينَ مِنْ تَمْرٍ وَذُرَاعِينَ مِنْ حَرْبٍ:

Эслатма: خَلَاءٌ ва مَاءٌ жумлаларидаги خَلَاءٌ ва مَاءٌ лафзлари тамйиз бўлмасдан балки маҳзуфул жардир. Чунки уларнинг асли بِالْمَاءِ ва بِالْحَلَاءِ дир.

Жар ҳарфлари ҳазф қилинганидан сўнг ўзи мансуб бўлиб қолган («Маҳзуфул-жар» бобида бунинг мисоли баён этилади).

60–§

مستثنى

Истисно калималарининг биридан кейин зикр қилинган исмга "мустасно", дейилади.

Истисно калималари 8 тадир.

إِلَّا، حَاشَا، خَلَاءٌ، عَدَا، مَا خَلَاءٌ، مَا عَدَا، لَيْسَ، لَا يَكُونُ

Мисоллари

جَاءَ عَيْنِ الْقَوْمِ إِلَّا زَيْدًا، جَاءَ عَيْنِ الْقَوْمِ حَاشَا زَيْدًا، جَاءَ عَيْنِ الْقَوْمِ خَلَاءَ زَيْدًا، جَاءَ عَيْنِ الْقَوْمِ عَدَا زَيْدًا، جَاءَ عَيْنِ الْقَوْمِ مَا خَلَاءَ زَيْدًا، جَاءَ عَيْنِ الْقَوْمِ مَا عَدَا زَيْدًا، جَاءَ عَيْنِ الْقَوْمِ لَيْسَ زَيْدًا، جَاءَ عَيْنِ الْقَوْمِ لَا يَكُونُ زَيْدًا

Истисно – бир нарсани ўтган ҳукмдан чиқариш деганидир.

Мустасно – ўзидан олдинги ҳукмдан чиқарилган калима деганидир.

Мустаснонинг олдида зикр қилинган калима "мустасно минх", дейилади.

Масалан: جَاءَ عَيْنِ الْقَوْمِ إِلَّا زَيْدًا жумласида الْقَوْمِ мустасно минхдир.

إِلَّا – истисно калимасидир. زَيْدًا – мустаснодир.

Қоида: Доимо мустаснонинг ҳукми мустасно минхнинг ҳукмига муҳолиф бўлади. Юқорида зикр қилинган الْقَوْمِнинг ҳукми زَيْدًاнинг ҳукмига муҳолиф бўлгани каби.

Мустаснои муаххар ва мустаснои муқаддам

Мустасно минҳдан кейин зикр қилинган мустаснога **"Мустаснои муаххар"**, дейилади.

Масалан: جَاءَنِ الْقَوْمِ إِلَّا زَيْدًا

Мустасно минҳдан аввал зикр қилинган мустаснога **"Мустаснои муқаддам"**, дейилади.

Масалан: جَاءَنِ الْقَوْمِ إِلَّا زَيْدًا الْقَوْمِ каби.

Мустаснои муттасил ва мустаснои мунқотеъ

Мустасно, мустасно минҳ жумласидан бўлиб, истисно этилмаганида унинг ҳукмига кирадиган бўлса, ундай мустаснога **"Мустаснои муттасил"**, дейилади.

Масалан: جَاءَنِ الْقَوْمِ إِلَّا زَيْدًا жумласидаги زَيْدًا кабики, إِلَّا билан истисно этилмаса ҳам قَوْمِ нинг ҳукмига киради, яъни қавмнинг ичида Зайд ҳам келган ҳисобланади.

Мустасно, мустасно минҳ жумласидан бўлмасдан, истисно этилмаган вақтда ҳам унинг ҳукмига кирмайдиган бўлса, ундай мустаснога **"Мустаснои мунқотеъ"**, дейилади.

Масалан جَاءَنِ الْقَوْمِ إِلَّا حِمَارًا жумласидаги حِمَارًا кабики, истисно этилмаса ҳам قَوْمِнинг ҳукмига кирувчи эмасдир.

Қоида: Ҳар бир мустасно мансуб бўлади. Фақатгина бир жумлаи адамийядан сўнг إِلَّا билан зикр қилинган «мустаснои муаххари муттасил» бу қоида ҳукмида эмас. Чунки ундай мустасноларнинг эъроблари мустасно минҳларнинг эъробларига эргашади. Жумлаи адамийяда мустасно минҳунинг феъли мусбат эмас, балки манфий бўлади.

Масалан: مَا جَاءَنِ أَحَدٌ إِلَّا زَيْدٌ، مَا رَأَيْتُ أَحَدًا إِلَّا زَيْدًا، مَا جَلَسْتُ بِأَحَدٍ إِلَّا بَزِيدٍ

Ушбу мисоллар каби жумлаи адамийянинг сўнгидан зикр қилинган мустасноларнинг ҳар бири "жумлаи хафийяи вужудийя"нинг бир қисмидир. Шунга биноан, улар шу жумлаи хафийя ичида бўлганлари эътибори билан эъробланади, яъни ҳаракатланади.

Масалан: ...دِير. إِلَّا زَيْدٌ جَاءَنِ بِي اسлида مَا جَاءَنِ أَحَدٌ إِلَّا زَيْدٌ

...дир. إِلَّا زَيْدًا رَأَيْتُ اسليда مَا رَأَيْتُ أَحَدًا إِلَّا زَيْدًا

...дир. إِلَّا بَزِيدٍ جَلَسْتُ اسлида مَا جَلَسْتُ بِأَحَدٍ إِلَّا بَزِيدٍ

дир. لَا إِلَهَ مَوْجُودٌ إِلَّا اللَّهُ مَوْجُودٌ اسлида لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

Мустаснои муфарраъ

Баъзи жумлаларда мустасно минҳ ҳазф қилинади.

Масалан:

дир. مَا جَاءَنِي أَحَدٌ إِلَّا زَيْدٌ اسлида кабики, مَا جَاءَنِي إِلَّا زَيْدٌ

дир. مَا رَأَيْتُ أَحَدًا إِلَّا زَيْدًا اسлида кабики, مَا رَأَيْتُ إِلَّا زَيْدًا

дир. مَا جَلَسْتُ بِأَحَدٍ إِلَّا بَزِيدٍ اسлида кабики, مَا جَلَسْتُ إِلَّا بَزِيدٍ

дир. قَرَأْتُ كُلَّ يَوْمٍ إِلَّا يَوْمَ الْجُمُعَةِ اسлида кабики, قَرَأْتُ إِلَّا يَوْمَ الْجُمُعَةِ

حاشا، خلا، عدا

Ушбу калималарнинг сўнгидан уч хил ҳаракат жоиз бўлади.

1. Рафъ. 2. Насб. 3. Жар.

1. Феъл бўлиши эътибори билан ўзидан кейингиси мустасно бўлиб, мансуб бўлади. Масалан: جَاءَنِي الْقَوْمُ حَاشَا زَيْدًا، خَلَا زَيْدًا، عَدَا زَيْدًا

2. Истисно ҳарфи бўлиши эътибори билан ўзидан кейингиси мустасно бўлиб, мансуб бўлади.

Масалан: جَاءَنِي الْقَوْمُ حَاشَا زَيْدًا، خَلَا زَيْدًا، عَدَا زَيْدًا،

3. Жар ҳарфи бўлиши эътибори билан ўзидан кейингиси мажрур бўлади. Масалан: جَاءَنِي الْقَوْمُ حَاشَا زَيْدًا، خَلَا زَيْدًا، عَدَا زَيْدًا

غَيْرَ، سَوَى

Гоҳида غَيْرَ ва سَوَى лафзлари билан истисно этилади. Лекин буларнинг мустаснолари музофун илайҳ бўлиб, доимо мажрур бўлади. Ўзи эса "жумлаи вужудийя"дан кейин кўпинча мансуб бўладилар. Масалан: جَاءَنِي الْقَوْمُ غَيْرَ زَيْدًا، جَاءَنِي الْقَوْمُ سَوَى زَيْدًا

61-§ ذُو الْجَارِّ

Жумлада «ҳарфлар» бобида баён қилинган жарларнинг бири билан зикр қилинган исмларга "зул-жор", дейилади.

Зул-жор дегани жар ҳарфининг соҳиби дегани.

Жар ҳарфлари 16 тадир.

ب، ل، ك، في، من، عن، إِي، عَلِي، حَتَّى، مُذْ، مُنْذُ، حَاشَا، خَلَا، عَدَا، وَ، ت

Қоида: Зул-жар бўлган исмларнинг ҳар бири ўз олдидаги жар ҳарфи сабабли мажрур бўлади.

Масалан:

كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ، ضَرَبْتُ لِلتَّأْدِيبِ، كَتَبْتُ كَالْحَطَّاطِ، جَلَسْتُ فِي الْمَسْجِدِ، رَجَعْتُ مِنَ السَّفَرِ، خَرَجْتُ عَنِ الْبَيْتِ، خَرَجْتُ إِلَى السَّفَرِ، كَتَبْتُ عَلَى الصَّحِيفَةِ، اجْتَهَدْتُ حَتَّى الصَّبَاحِ، لَا أَرَى زَيْنًا مُذْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ، لَا أَرَى زَيْنًا مُنْذُ يَوْمِ السَّبْتِ، جَاءَنِي الْقَوْمُ حَاشَا زَيْنِ، جَاءَنِي الْقَوْمُ خَلَا زَيْنِ، جَاءَنِي الْقَوْمُ عَدَا زَيْنِ، وَاللَّهِ وَلِنُصَلِّبَنَّ، لَنُصُومَنَّ.

ملحقاتِ ذِي الْجَارِّ

سِرْتُ مَعَ زَيْنِ، جَاءَنِي الْقَوْمُ سِوَى زَيْنِ، جَاءَنِي زَيْنٌ دُونَ بَكْرٍ، جَاءَنِي زَيْنٌ بِدُونِ بَكْرٍ، جَلَسَ زَيْنٌ بِلَا أَدَبٍ، جَلَسَ زَيْنٌ بِغَيْرِ أَدَبٍ، جَلَسْتُ لَدَى الْأُسْتَاذِ، جَلَسْتُ لَدُنْ زَيْنِ، جِئْتُ مِنْ لَدُنْ زَيْنِ

Қоида: Ҳар бир зул-жар мажрур бўлади.

Масалан: جِئْتُ بِزَيْنِ، جِئْتُ بِزَيْنَيْنِ، جِئْتُ بِأَبِي بَكْرٍ

Зул-жарнинг тааллуқлиги

Қоида: Зул-жарлар ҳар доим жумла ичида бир феълга ёки бир исми сифатга тааллуқли бўлади. Зул-жар қандай феъл ва қандай исми сифатга тааллуқли бўлиши ўзбек тилига таржима қилинганида зоҳир бўлади.

Масалан: كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ жумласида بِالْقَلَمِ лафзи феълига тааллуқли экани тушунилади.

Феълга тааллуқли бўлган зул-жарлар

كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ، جَلَسْتُ فِي الصُّفَّةِ، ذَهَبْتُ مِنَ الْبَلَدَةِ إِلَى الْقَرْيَةِ

Исми сифатга тааллуқли бўлган зул-жарлар

زَيْدٌ كَاتِبٌ بِالْقَلَمِ، زَيْدٌ جَالِسٌ فِي الصُّفَّةِ، زَيْدٌ ذَاهِبٌ مِنَ الْبَلَدَةِ إِلَى الْقَرْيَةِ

بِاللَّهِ қасамлар ҳазф қилинган أَقْسِمُ феълига тааллуқли бўлади. Масалан: بِاللَّهِ لِأَصَوْمَنْ кабики, аслида

دِير. أَقْسِمُ بِاللَّهِ لِأَصَوْمَنْ

Баъзи зул-жарлар ҳазф қилинган бир исми сифатга тааллуқли бўлади.

Масалан: زَيْدٌ كَائِنٌ فِي الدَّارِ кабики, аслида زَيْدٌ... فِي الدَّارِ дир.

Яна مَرْيَمٌ كَائِنَةٌ فِي الدَّارِ кабики, аслида مَرْيَمٌ... فِي الدَّارِ дир.

Гоҳида أَنَّ жумлалари ҳам зул-жар бўлади.

Масалан: أَعْطَيْتُكَ لِأَنَّكَ فَقِيرٌ каби.

62—§

مَحذُوفُ الْجَارِ

Жар ҳарфлари ҳазф бўлган зул-жарларга "махзуфул-жар", дейилади.

Масалан: مَاءٌ كَابِي كَابِي، اِسْلِيَا مَاءٌ كَابِي، اِسْلِيَا مَاءٌ كَابِي، اِسْلِيَا مَاءٌ كَابِي

Қоида: Махзуфул-жар исмларнинг ҳар бири мансуб бўлади. Кузатишлар натижасида ушбу 8 та жар ҳарфларининг туширилиши маълум бўлгандир.

بِ، لِ، كَ، فِي، مِنْ، إِلَى، عَلَى، مَعَ

إِمْتَلَأَ الْإِنَاءَ مَاءً (بِمَاءٍ)، هَذَا مَمْلُوءٌ عَسَلًا (بِعَسَلٍ)، الْخُبْزُ حَلَالٌ إِتْفَاقًا (بِإِتْفَاقٍ)، الْأَكْلُ لَارِمٌ ضَرُورَةً (بِضَرُورَةٍ)، طَيْرَانُ الْإِنْسَانِ مُمَكِّنٌ فَرَضًا (بِفَرَضٍ)، كُسِرَ الْإِنَاءُ عَمْدًا (بِعَمْدٍ)، أَنْتَ عَنِّي نَظْرًا (بِنَظَرٍ) إِلَى ثِيَابِكَ، سُرِقَ الْمَالُ قَصْدًا (بِقَصْدٍ)، مَاتَ زَيْدٌ فُجَاءَةً (بِفُجْأَةٍ)، ضَرَبْتُ زَيْدًا بَعْتَةً (بِبَعْتَةٍ).

ل (مفعول له)

ضَرَبْتُ زَيْدًا تَأْدِيًّا (لِتَأْدِيٍّ)، أَكْرَمْتُ الْيَتِيمَ شَفَقَةً (لِشَفَقَةٍ)، سِرْتُ فِي الْحَدِيقَةِ تَفَرُّجًا (لِتَفَرُّجٍ)، ضَرَبْتُ زَيْدًا تَعْزِيرًا (لِتَعْزِيرٍ)، أَكْرَمْتُ الْأَسْتَاذَ تَعْظِيمًا (لِتَعْظِيمٍ)، طَرَدْتُ الْفَاسِقَ تَحْقِيرًا (لِتَحْقِيرٍ)، لَمْ أَضْرِبِ الْعَدُوَّ جُبْنًا (لِجُبْنٍ) لَا أَذْنُبُ مَخَافَةَ (لِمَخَافَةِ اللَّهِ تَعَالَى)، الْمَالُ كَفَى لِلْمَرْءِ فَخْرًا (لِفَخْرٍ)، الْعِلْمُ كَفَى لِلْمَرْءِ عِزًّا (لِعِزٍّ).

ك

أَكْتُبُ مِثْلَ الْخَطِّاطِ (كَمِثْلِ الْخَطِّاطِ)، كَتَبْتُ خَطَّ الْمُعَلِّمِ (كَخَطِّ الْمُعَلِّمِ)، زَيْدٌ جَمِيعٌ مِثْلَ الْأَسَدِ (كَمِثْلِ الْأَسَدِ)، بَكَرَ جَبَانٌ مِثْلَ الْأَرْزَبِ (كَمِثْلِ الْأَرْزَبِ).

في

هَذَا مَقْبُولٌ عَادَةً (فِي الْعَادَةِ)، هَذَا جَائِزٌ عُرْفًا (فِي الْعُرْفِ)، هَذَا حَلَالٌ شَرْعًا (فِي الشَّرْعِ)، هَذَا مَمْنُوعٌ نِظَامًا (فِي النِّظَامِ)، زَيْدٌ صَدِيقٌ ظَاهِرًا (فِي الظَّاهِرِ)، زَيْدٌ عَدُوٌّ بَاطِنًا (فِي الْبَاطِنِ)، زَيْدٌ سَخِيٌّ حَقِيقَةً (فِي الْحَقِيقَةِ)، زَيْدٌ طَيِّبٌ زَوْجًا (فِي الزَّوْجِيَّةِ)، نَعَمَ زَيْدٌ رَجُلًا (فِي الرَّجُولِيَّةِ)، حَبَدًا زَيْدٌ رَفِيقًا، هُمَا مُتَشَاهِجَانِ وَصَفًا (فِي الْوَصْفِ) وَمَتَخَالِفَانِ دَاتًا (فِي اللَّذَاتِ) نَأْكُلُ كُلُّ يَوْمٍ (فِي كُلِّ يَوْمٍ)، وَنَصُومُ كُلَّ أُسْبُوعٍ (فِي كُلِّ أُسْبُوعٍ).

من

أَرْجُو زَيْدًا (مِنْ زَيْدٍ)، أَخَافُ زَيْدًا (مِنْ زَيْدٍ)، عَجَبْتُ زَيْدًا (مِنْ زَيْدٍ)، أَحْشَى السَّبْعَ (مِنْ السَّبْعِ)، اخْتَارَ زَيْدٌ أَحْبَابَهُ (مِنْ أَحْبَابِهِ)، رَجَلَيْنِ، أَسْتَعْفِرُ اللَّهَ الدُّنُوبَ (مِنْ الدُّنُوبِ) إِيَّاكَ وَالشَّرَّ (مِنْ الشَّرِّ)، إِيَّاكُمْ وَالْغَيْبَةَ (مِنْ الْغَيْبَةِ)، الطَّرِيقَ الطَّرِيقَ (إِتَّمُوا مِنَ الطَّرِيقِ)

Ушбу сўнги маҳзуфул-жарлардаги (و) ҳазф қилинган (مِنْ) мақомига тургандир.

إِلَى

هَدَيْتُ الطَّرِيقَ (إِلَى الطَّرِيقِ)، أَرْسَلْتُ الْكِتَابَ زَيْدًا (إِلَى زَيْدٍ)، إِهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمَسْتَقِيمَ (إِلَى الصِّرَاطِ الْمَسْتَقِيمِ)

عَلَى

صَعِدَ زَيْدٌ جَبَلًا (عَلَى جَبَلٍ)، كَتَبَ زَيْدٌ أَوْرَاقًا (عَلَى أَوْرَاقٍ)، أُعْطِيتُ زَيْدًا حَسَبَ طَلْبِهِ (عَلَى حَسَبِ طَلْبِهِ)، تَعَامَلُوا حَسَبَ الْقَوَانِينِ (عَلَى حَسَبِ الْقَوَانِينِ)، إِقْرَأِ الْقُرْآنَ كَثِيرًا خُصُوصًا (عَلَى الْخُصُوصِ) فِي رَمَضَانَ

مَعَ (مفعول معه)

جِئْتُ وَزَيْدًا (مَعَ زَيْدٍ)، مَا تَصْنَعُ وَأَبَاكَ (مَعَ أَبِيكَ)، طَالَعْتُ الْكِتَابَ وَالْمِصْبَاحَ (مَعَ الْمِصْبَاحِ)، اسْتَوَى الْمَاءُ وَالْحَشْبَةُ (مَعَ الْحَشْبَةِ).

Ушбу маҳзуфул-жарлардаги (و) ҳазф қилинган (مَعَ) мақомига тургандир. Ушбу мисоллар каби аввалида (مَعَ) ҳазф қилиниб, (و) билан зикр қилинган тазйинларни мутақаддим уламолар (مَفْعُولُ مَعَهُ) деб номлашган.

63—§

مُتَمِّمٌ فِعْلٌ نَاقِصٌ

(Ноқис феълларни мукаммал қилувчи)

Ноқис феълларнинг маъносини мукаммал қилиш учун зикр этилган исмларга "ноқис феълнинг мукаммалловчиси", дейилади. Масалан: **مَعَالِمًا** жумласидаги **مَعَالِمًا** кабики, **كَانَ** нинг маъносини мукаммал қилиш учун зикр этилган.

Ноқис феълларнинг машхурлари 12 тадир.

- (۱) كَان - بۇلди كانَ زَيْدٌ عَالِمًا
- (۲) صَارَ - айланди صارَ زَيْدٌ عَنِيًّا
- (۳) أَصْبَحَ - субҳ вақтида бўлди اصْبَحَ زَيْدٌ يَفْظَانًا
- (۴) أَمْسَى - кечқурун бўлди امْسَى زَيْدٌ نَائِمًا
- (۵) أَضْحَى - зуҳо вақтида бўлди اضْحَى زَيْدٌ آكِلًا
- (۶) ظَلَّ - кундузи бўлди ظَلَّ زَيْدٌ مَعْمُومًا
- (۷) بَاتَ - тунда бўлди باتَ زَيْدٌ مَرِيضًا
- (۸) مَا ذَالَ - доим бўлди ما ذَالَ زَيْدٌ عَنِيًّا
- (۹) مَا انْفَكَ - доим бўлди ما انْفَكَ زَيْدٌ سَخِيًّا
- (۱۰) مَا فَتِيَ - доим бўлди ما فَتِيَ زَيْدٌ سَخِيًّا
